

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети**

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ТАФАККУР ЁФДУСИ

(Агадий-танқидий эссеclar)

Тошкент — 2005

**Масъул муҳаррир:
Баҳодир Каримов,
филология фанлари доктори.**

Тақризчилар:
Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор.
Ҳамидулла Болтабоев, филология фанлари доктори,
профессор.

Адабиётшунос – мунаққид Умарали Норматовнинг ушбу китоби сўнгти пайтларда, аниқорги 2004 йилда яратган адабий-танқидий мақолаларидан ташкил топган. Муаллиф XX аср миллий адабиётимиз даржалари – Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия ҳаёти, ижодининг айrim жиҳатлари, буғунги адабий жараённинг долзарб амалий ва назарий муаммолари устида қизғин баҳс-мунозаралар олиб боради; эссе жанрининг имкониятларидан келиб чиқиб ҳам илмий, ҳам бадиий талқин усулларига таянган ҳолда эркин ўй-мушоҳадалар юритади. Адабий ҳодисаларга ўзгача нигоҳ, ўзини, тафаккурни бетиним янгилашга иштиёқ – мазкур китобнинг бош пафоси ана шундан иборат. Китобни ўқиб, ундаги тафаккур жилолари билан танишгач, азиз китобхон, ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

© Умарали Норматов – 2005.

ЯНГИЛАНИШ АНЬАНАСИ *(Сўз боши ўрнига)*

2003 йилдан бошлаб Миллий университет магистратураси ўқув режасига «Илмий ижодиёт методологияси» курси киритилди. Бу курсининг адабиётшуносликка мослаштирилган дастурини тайёрлаш ва уни ўтиш менга топширилди. Интернет орқали мазкур курсга оид хорижий мамлакатлардаги материаллар билан танишиб чиқиб шунга амин бўлдимки, бу соҳанинг табиий фанларга оид йўналиши бениҳоя илгарилаб кетган, мустақил ижодий тафаккур учун кенг йўл очиб берилган экан. Ижтимоий-гуманитар, жумладан, фаласафа, адабиётшунослик соҳасида ҳам муайян силжишлар бор. Нитшедан тортиб Фрейд, Юнг, Вебер, Поппер, Кун, Сартр, Камю, Гассет, Хайдегтер, Гадамер, Хабермас, Пригожин, Хакенга қадар XX аср мутафаккирларининг жамиятни, инсонни, санъатни янгича англашга қаратилган таълимотлари жаҳон бадиий тафаккури ва амалиётига кучли таъсир кўрсатди. Инсоният тарихи бир аср давомида санъат, адабиёт ривожида ҳеч қачон бу қадар тезкор ўзгаришлар, янгиланишлар, роят хилма-хил оқимлар гувоҳи бўлган эмас. Шоир Фахриёр ибораси билан айтганда, бизнинг замонамизга келиб **янгиланиш анъана тусини олди**. XX аср янги адабиёти ва санъати шахс ҳёти, феълатвори, руҳиятини фавқулодда, кутилмаган томонлардан бадиий кашф этиш бобида гаройиб кашфиётлар қилди. Бу тажриба янги асрда ҳам давом этаётир. Биргина мисол: 2004 йил аввалида экранларга чиқсан, қизғин баҳсларга асос бўлган америка киночиларининг «Исо Масиҳ изтироблари» фильмида «Жазо колониясида», «Жараён», «Улисс», «Чол ва дengиз» каби ўтган асрнинг буюк бадиий кашфиётлари тажрибаси янгича кўринишда фавқулодда бир тарзда намоён бўлди.

Миллий адабиётимиз узоқ йиллик мустабид тузум, яккаҳоким мафкура кишанларидан халос бўлгач, тараққийпарвар жаҳон адабий-бадиий жараённига тезкорлик билан

кўшила бошлади. Очиги, бошда бир оз тақлидчилик ҳоллари ҳам содир бўлди. Бироқ тез орада адиларимиз ўз йўлларини топиб ола бошлади. Янгиланиш фақат модерн шоир ва носирларга дахлдор эмас; турли йўналишлардаги чин истеъоддлар ижодига назар ташланг – барчасида ҳам мазмун, ҳам шакл бобида жиддий янгиланишни кўрасиз. Аксинча, модернчи шоирларимиз бисотида миллий замин, исломий қадриятлар, фольклор ва мумтоз адабиётимиз билан туташадиган робиталар бисёр. Айниқса Ф.Афрўз, З.Мирзева, Х.Рустамова, Гўзал Бегим каби шоирларимиз изланишлари кўзларни, дилларни қувонтиради. Насрда ҳам шу ҳол. Айрим ҳамкасларимиз назарида анъанавий кўринган Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Т.Муроднинг «Отамдан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романларида янгиланиш соф модернча битилган насрый асарларни кидан қолишмайди. Анъанавийликка мойил адабимиз Э.Аъзам «Шоирнинг тўйи» отлиқ янгича услубда ажойиб қисса яратди.

Афсуски, адабий танқид ҳозирги адабий жараёндаги мана шу ниҳоятда муҳим тамоилиларни тўла англаб етгани йўқ. Тан олиш керак: шўро даврида шаклланган ақидапарастлик иллатларидан ҳали тўла қутила олмаяпмиз. Адабиёт назарияси ва уни ўқитиш ночор аҳволда. Д.Қуроновнинг «Адабиётшуносликка кириш» китобини мустасно этганда, олий ўқув юртлари учун чиқарилган назария дарсликлири мустабид мафкура билан боғлиқ номлар, тушунчалар ўзгартирилганини ҳисобга олинмаса, шўро даври дарсликлиридан деярли фарқ қилмайди. Улар XX аср жаҳон адабиёти, фалсафий, адабий-танқидий тафаккури ютуқларини четлаб ўтиб ёзилган. XX аср жаҳон адабиёти, танқидий тафаккури шуни тасдиқлайдики, адабиётни, адабий асарни муайян қоида-қолипларга солиб биргина нуқтаи назардан ўрганиш орқали масала моҳиятини очиб бериш асло мумкин эмас. Қолаверса адабиётдаги ҳар бир янги кашфиёт аввалги қолипни бузади, тасаввурларни ўзгартириб юборади. Айниқса бу ҳол ҳозирги кунда жуда яққол кўринмоқда. Сўнгги йилларда фан оламига шиддат билан кириб келган синергетик тафаккур таълимоти айни шу жараён моҳиятини англаш имкониятини беради. Минг афсус, бизнинг аксар «назариячи»ларимиз ҳамон диалектик тафаккур осто-

насидан нари ўтолмай турибди. Бу нарса танқидчиликда ўз асоратини қолдирмоқда. Қарашлар, талқинлар хилма-хиллиги ҳақиқатга элтувчи энг тўғри йўл эканини чин дилдан эътироф этиш, амалда унга риоя қилиш бизда хила қийинчилик билан кечяпти.

Биз мислсиз ижодий имкониятлар, янгиланишлар замонида яшайпмиз. Шукурки, шоир, носирларимиз дадил изланиш, янгиланишлар йўлига тушиб ола бошлади. Бироқ адабий танқид бу борада ҳали орқада қолаётир. Мазкур китобчадан жой олган эсселар адабий-танқидий тафаккурдаги янгиланишга бўлган ҳавас, эҳтиёж самаралариdir.

ҚОДИРИЙ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

«ҮТКАН КУНЛАР» ВА ҚЎРҚУВ САЛТАНАТИ

ХХ аср ўзбек насрининг шоҳ асари «Үткан кунлар» романни илк бор 1922 йили «Инқилоб» журнали саҳифалари орқали дунё юзини кўра бошлаган бўлса, ўша дақиқалардан эътиборан бу асарнинг деярли ҳар бир миллат зиёлиси, китобхони руҳияти, маънавиятига, қолаверса шахсий ҳаёти, тақдирига қандайдир даҳлдорлиги бор.

1952 йилнинг кеч кузи. Ҳозирги Амир Темур ҳиёбони ёнгинасида жойлашган САГУ (буғунги Миллий университет) биносининг иккинчи қаватидаги кетта ўқув залинда «Адабиётшуносликка кириши» фанидан мәъруза ўқимоқда. Икки ярим ойлик пахта терими ҳашаридан қайтган, мәърузаларни сориниб қолган биз – филология факультетининг биринчи курс талабалари – 64 та жон бир тан бўлиб бутун вужудимиз қулоққа айланиб доцент Зикриё Мирҳожиев сўзларини тинглаб ўтирибмиз. Шу пайт бирдан бино қасиркусур, деразалар шақир-шукур бўлиб залда қий-чув кўтарилиди. Мирҳожиевнинг қизиқ одати бўларди. Мәъруза ўқиётганида донмо юриб, аудиториянинг у бошидан бу бўшига бетиним кезиб юради. Ана шу тўс-тўпалон онларида ҳам домла одатини тарж этмай шитоб билан юришда давом этди. Шунда қизлар: «Домла, ер қимираяпти, зилзила бўляпти!» деб уввос солдилар. Домла эса парво қилмай юриб туриб: «Окўси, нима қилибди, ер бўлгандан кейин қимирайди-да!» дедилар. Аудиторияде бирдан гуррос кулаги кўтарилиди ва шу орада ер силкиниши ҳам тинди.

Орадан бир ҳафта ўтиб яна «Адабиётшуносликка кириши» дарси, домланинг ўша-ўша шитоб билан юриб туриб мәъруза ўқишлари.. Бу галги дарс ўзгача тарзда тутади. Орамизда Самарқанднинг қайсицир туманидан келган Саримсоқов деган ниҳоятда кўп ўқиган, китоб жинниси бўларди. Исми хотирамдан кўтарилибди. Яқинда курсдошим Шерзали Турдиевдан суриштирсан, у ҳам исмини эслолма-

ди. Ҳар бир дарсда у албатта домлаларга қандайдир савол берар, кўпинча қалтис саволи билан мана мен деган профессорларни ҳам довдиратиб қўярди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дарс охирида: «Жулқунбой деган ёзувчи ўтган экан, унинг «Ўткан кунлар» номли романи бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз» деб қолса бўладими! Шунда нима бўлди денг? Ҳамиша, ҳатто таҳликали зилзила пайтида ҳам бетиним юриб турадиган Мирҳожиев домламиз таққа тўхтаб, савол берган талабага анграйиб-бўзариб қарадилар. Бир неча дақиқалик сукутдан сўнг домла: «Окуси, комсомолмисан?» деб сўрадилар. Тасдиқ жавобини олгач: «Комсомол совет студенти давлат университети аудиториясида бунаقا саволни бермайди, коммунист совет доценти бунаقا провакацион саволга жавоб қайтармайди» деди қатъий қилиб. Ўқув замона ўтирган талабаларнинг дами ичига тушиб кетди.

Эртаси куни қалтис савол берган курсдошимиз дарсда кўринмади. Тўрт йил дараксиз кетди. 1956 йил баҳор кунларининг бирида у Чорсадаги ётоқхонамизга эгнида фуфайка, оёғида кирза этик афтодаҳол ҳолда кириб келди. Нима корҳол бўлганини биз ҳам сўрамадик, у ҳам айтмади. Орада қандайдир ҳадик, қўрқув хукм сурарди, гап гайга қовушмади. Буни сезди шекилли хушламаган меҳмонимиз «Сафардан қишлоққа қайтишда сизларни бир кўриб ўтай дедим» дейа тезгина хайрлашиб йўлга отланди. Ўтган тўрт йил давомида «Ўткан кунлар», «Жулқунбой» сўзларини тилга олиш тутул, ҳатто бу номларни эслашга ҳам кўрқардик. Гарчи тасодифий учрашувда бу номлар тилга олинмаган бўлса-да, бирданига улар хаёлимизни чулғаб олди. Бу пайтга келиб «халқ душманлари» саналмиш адиллар, жумладан, Қодирйига муносабат қисман ўзгара бошлаган, лекин барибир юртда қўрқув салтанати кезиб юрарди.

«ҚАЛЛИҚ ЎЙИН» СУРУРИ

«Дилхирож» фильми, «Қаллик ўйин» спектакли томошаси пайти бирдан ўзимнинг никоҳ тўйим билан боғлиқ воқеалар ёдимга тушди. Тўрт йиллик Конибодом педбилим юрти, беш йиллик САГУ таълимидан сўнг Фарғона вилоят

тидаги шоир Мукимий «Ким кўрса ҳангу манг экан» деб таърифлаган она қишлоғим Рапқонга, ота-оналарим бағрига бориб мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Отa-она орзуси, қолаверса ўз майлим оқибати ўлароқ Бешариқдаги машхур зиёлилардан Исоқов домланинг түнгич қизига уйланадиган бўлдим. Ўзимиз «янгича» бўлсак-да, никоҳ тўйимиз «эскича» қишлоқ удумлари бўйича ўтди. Ўша кезлари бизда ҳам «қаллиқ ўйин» бўларди, бироқ «Дилхирож» ва «Қаллиқ ўйин» асарларидан бир оз ўзгачароқ ўтарди. Күёвникидаги базмдан сўнг куёв жўралари ҳамроҳлигига келинникига йўл олишар, у ерда ҳам қисқа, лекин жўшқин базм-зиёфат бўлар, ёр-ёрлар, ўланлар айтилар, сўнг куёв жўралар келин-куёв учун палаклар билан безатилган хос хонада куёвни ёлғиз қолдириб жўнаб қолишарди. Никоҳ, сўнг энг ҳаяжонли, «Ўткан кунлар»да тасвирланганидек келин билан куёвнинг илк висол дамлари бошланар, куёв уч кунгача келин хонадонида қолиб кетар, ундан кейин ҳафтасига икки бор то «келин туширад» марсимига қадар ойлаб келинникига қатнар, бу «қаллиқ ўйин» деб аталар, бу кунлар йигит билан қўзнинг энг totli дамлари саналарди. Шахсан мен ўша кунларни умримнинг энг файзли дамлари деб биламан.

Қарангки, турмуш ўртогим ҳам ўзимга ўхшаш китоб шайдоси экан, илк сухбатимиз китобдан бошланиб, нукул китоб устида давом этди. Билдимки, яқингинада ўрта мактабни битирган 17 ёшли бу қизнинг ўқимаган китоби қолмаган. Фақат русчага, араб ёзувидаги китобларга тиши ўтмас экан. Менинг арабча ёзувдан хабардорлигимни билгач, хона тўрисидаги тажмонга жойлашган сандиқни очиб шоҳи рўмолга ўроғлиқ бир китобни олиб менга тутқазди. Очиб, не кўз билан кўрайки, илк муқовасида Кумушшиби сурати солинган «Ўткан кунлар» - учта алоҳида китобдан иборат ўша ноёб хазина! Венерахон буни ўқиб берасиз, - деб ёпишиб олди, мен жон деб унинг амрига бўйсундим. Бошда бир дақиқа кўрқув салтанати кўнгилга фулгула солди, бироқ роман қаърига кириб борган сари кўрқувдан асар ҳам қолмади. Уч кечакундузлик «қаллиқ ўйини»миз шу тариқа асосан «Ўткан кунлар» мутолааси билан ўтди. Шу кунлардан бошлаб ҳар иккимиз ҳам бир умрга «Ўткан кунлар» шайдоси ва тарғиботчисига айландик. Мен танқидчи-адабиётшунос си-

фатида «Ўткан кунлар», умуман Қодирий ижоди бўйича иккита китоб, кўплаб мақолалар эълон этдим, Венерахон Миллий университет филология факультетини тутатиб 30 йил мактабда дарс берган бўлса, асосий дарси «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» теварағида борган. Дастур ва дарсликдаги «Она» романи, «В.И.Ленин» поэмаси, «Йўлчи юлдуз» сингари мавзуларни апил-тапил номиганига ўтиб, уларга ажратилган соатларни ҳам Қодирий романларига бағишлагани учун неча бор дакки ҳам эшигтган. Энг севимли набираларига Қодирий қаҳрамонларига эҳтиром юзасидан шахсан ўзи Отабек, Раъно исмларини қўйган.

ҲАҚИҚАТ ТУЙҒУСИ – МУҚАДДАС

«Қодирий боғи» китобининг бир неча ўринларида устоз Иззат Султонов фикрлари билан кескин мунозаралар бор. Менга кўп яхшиликлар қилган, ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертацияларимга расмий оппонент бўлиб мени кўллаб-кувватлаган устоз олдида хижолат тортиб, бу китобни домлага тухфа этишдан ийманиб юрадим. Шу орада устоз уйимизга телефонда кўнғироқ қилиб қолдилар. Бирдан: «Қодирий боғи»ни ўқидим. Табриклайман!» дедилар. Довдираб қолганимни сездилар шекилли домла сўзида давом этдилар: «Бир «дўстимиз» Умарали Қодирий ҳақидағи китобида Сизни роса дўшослабди, деб ваҳима қилди. Ҳеч қанақа ваҳима қиласиган жойи йўқ. Менинг ишларимдаги Сиз билдирган эътиrozли ўринларни ўзим тузатишм керак эди. Аслида менинг мақоламдаги Қодирийдан замонага мос жиҳатларни қидириш ўша кезларда улут адибни ҳимоя қилишининг бир йўли – усули бўлган. У даврлар ўтди, энди Қодирий ҳақидағи бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш имкони келди. Шу ишни Сиз қилибсиз, муборак бўлсин. Қодирий ҳақидағи ҳақиқат Сизу бизнинг нафсониятимиздан юқори туриши лозим. Қодирий ва ҳақиқат ҳимояси йўлида мени ҳар қанча танқид қилсалар, бундан заррача хафа бўлмайман...»

Бу сўзларни эшишиб лол бўлиб қолдим. Буюк одамларнинг қалби нақадар кенг, адолат, ҳақиқат туйғуси улар учун ҳар нарсадан муқаддас! Афсус, биз ҳали улар даражасига етишимизга бир неча қовун пишиғи бор.

АДИБНИНГ ТУФИЛГАН ОЙ-КУНИ

Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида «яқинларимнинг сўзларига қараганда, мустабид Неколайнинг тахтга ўтирган йилида туғилғонман» деб ёzáди. Тарихдан маълумки, Николай II – Россиянинг охирги императори 1894 йили тахтга ўтирган; демак Қодирий айни ўша йили дунёга келган. Адіб туғилган йилнинг ой-куни хусусида ёзувчининг катта ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида «Қайбир вакт дадамдан: «Қайси ой-кунда туғилгансиз?» деб сўраганимда, у киши кулиб, «Ўрик гулида туғилганман. Тахминан ўнинчи апрелда бўлса керак», деганилари ёдимда...» Ҳабибулла акага шу хусусда эътиroz билдириб, ўттиз йилдан бери Тошкентда яшаб бирор марта апрель бошлирида ўрик гуллаганини билмайман, одатда ўрик март ойида гуллаб 10 апрель атрофида довучча туғиб бўлади. Бу пайтда эса олма, аниқроғи беҳи қийғос гулга киради. Дадангиз «беҳи гулида» деб айтмаганмиканлар» деганимда, у киши: «Дарвоҷе, гапингизда жон бор, эҳтимол, дадамнинг сўзларини янгиш эшитгандирман, шу жумлани тузатиб қўйиш керак экан» дея жавоб қайтарган эдилар.

«ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ ЁЗИБ ТУГАТИЛГАН САНАСИ

«Ўткан кунлар» илк бор инқилоб журнали орқали дунё юзини кўра бошлаган бўлса-да, асар олдинроқ - 1920 йили ёзib тутатилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар бор:

Биринчиси: «Инқилоб» журналининг 1922 йил 9-10-кўшма сонида эълон этилган «Ўткан кунлар»дан боблар аввалида «Ёзгувчидан» деб номланган сўз боши – изоҳнома келтирилади, изоҳнома охирида «Тошқанд декабрь, 1920 нчи йил» деган маълумот бор. Кейинчалик «Ўткан кунлар»нинг китоб ҳолидаги нашрида ҳам ўша сўз боши – изоҳнома бир оз таҳрирлар билан берилади, бироқ охиридаги макон ва санаға оид маълумот негадир тушириб қолдирилган.

Адабий тажрибадан биламизки, бу хилдаги сўз боши – изоҳнома одатда асар ёзib тутатилгандан кейин битилади. «Мехробдан чаён»да ҳам айни шундай қилинган.

Иккинчиси: «Ўткан кунлар»нинг 1925 йилги алоҳида китоб ҳолида чиққан биринчи бўлимига сўнгги сўз тариқасида ёзилган «Узр» сарлавҳали изоҳномада «Рўмон, деб сизга тақдим қилинған бу нарса дунёга келиши биланоқ баҳтсизликка учрай бошлаған эди: беш йиллаб босила олмай ётди» дейилади.

Учинчиси: «Ўткан кунлар» охирида «Ёзгувчидан» деган мухтасаргина сўнгги сўз мавжуд. Унда шундай дейилади:

«Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисини суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўнтўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўгулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар».

Бу маълумотлар айни 1920 йил охиридаги вазият, руҳ-кайфиятни ифодалайди, улар айни ўша пайтнинг гапларидир.

Демак, адабнинг ўзи айтган иқрорлари, маълумотлари руҳи «Ўткан кунлар» романни 1920 йил охирида ёзиб тутагтилган деб узил-кесил ҳукм-холоса чиқариш учун тўла асос беради. Тўғри, асар матни устидаги ишлар кейин ҳам давом этган, лекин роман айни ўша санада ниҳоясига етган.

«ЎТКАН КУНЛАР»НИНГ АСЛ МАТНИ МУАММОСИ

Абдулла Қодирий олти жилдлик «Тўла асарлар тўплами»-нинг I жилди 1995 йили чоп этилди-ю, афсус, бу хайрли иш молиявий сабабларга кўра тўхтаб қолди. Адабнинг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларини ўз ичига олган 1992 йили нашр этилган китоб ҳозирча Қодирий романларининг асл нусхаси сифатида қабул қилинмоқда. Бу хусусда ўйлаб кўрадиган бир қатор жумбоқлар бор. Тўпламда негадир «Ўткан кунлар»нинг ёзувчи ҳаётлик ҷоғида босилган сўнгти 1933 йилги лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги нашри эмас, 1926 йилги нашри асос қилиб олинган. Ҳолбуки, бу нашрдан муаллифнинг мутлақо кўнгли тўлмаган.

Қодирий юқорида эслатилган, «Узр» сарлавҳали изоҳномасида афсус-надоматлар билан роман «бу кун босилиши мұяссар бўлғанида ҳам турлик зарбаларга учради; им-

лоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қулоқ ҳолига келди, мусаҳиҳларимизнинг му-соҳалалари(бепарволиги) орқасида техника жиҳати кўз кўриб қулоқ эштимаган бир йўсунда чиқди» деб ёзади. Ёзувчи асарнинг кейинги нашрида имкон қадар йўл қўйилган хатоларни тузатишга уринажагини айтади ва айни пайтда «бундай хатолардан соғ бўла олишига ваъда бера олмаслиги»ни ҳам писандга қилиб ўтади.

«Ўткан кунлар» нашрларини қиёсий ўрганиш, кузатишларнинг дастлабки натижалари шундан далолат берәтирки, романнинг 1926 йилги нашри матни ёзувчи кўнглидагидек амалга ошмаган. Романнинг тўлиқ ва асл нусхаси деб тақдим қилинган 92-йилги нашрини 33-йилги нашри билан солиштириб кўрганимизда ҳар бир саҳифада ўнлаб, ҳатто юзлаб ўзгартириш, тузатишлар борлиги аниқланди. Ўзгартириш-тузатишлар фақат матн имлосигагина оид бўлмай, айrim саҳифаларда матн структураси, композицияси ҳам қайта ишланган. 92-йилги китоб охирида берилган «Ўткан кунлар» рўмонининг 1926 ва 1933 йиллар нашрларидағи тафовутлар» деб аталган изоҳда бундай ўзгартириш-тузатишларнинг юздан бири ҳам қайд этилган эмас. Шуниси муҳимки, 1933 йил нашридағи ўзгартиш-тузатишларнинг аксарияти роман матни бадииятини мукаммаллаштиришга қаратилган. Тўғри, 33-йилги нашри ҳам хато-қусурлардан ҳоли эмас. Бир саҳифанинг ўзида бир сўз (масалан, «билин» сўзи goҳ, «билин», goҳ, «блан» тарзида) турли шаклда берилган. Сиёсатта даҳлдор айrim кескин ибораларни бир оз юмшатиш ҳоллари ҳам учрайди. Чунонча, Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек билан учрашувда айтган ҳаяжонли нутқидаги «тўнғизхона» сўзи «оёқ ости» деб ўзгартирилган...

Бу гаплар «Меҳробдан чаён» романи нашрларига ҳам тегишли. Хуллас, Қодирий романларининг ишончли асл матнини тиклаш борасида адабиётшунос-матншунослар олдида жиiddий вазифалар турибди.

Афсуски, «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дан бирор саҳифа ҳам қўлёзма – автограф сақланиб қолмаган, агар у топилса, бу борадаги кўп чалкашликларга ўз-ўзидан аниқлик киритилган бўларди. Умидли дунё дейдилар. Иzlанища давом этайлик. Зора, мўъжиза юз бериб, асл матн топилиб қолса...

МОСКВА ТАЪЛИМИ САМАРАЛАРИ

Қодирий ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам ниҳоятда талабчан, ҳамиша янги замон даражасида фикрлашга мойил зот бўлган. Адиб таржимаи ҳолида янги замон ўзгаришлари «баробарида маданий, илмий эҳтиёжлар ҳам ўстгани»ни айтиб, сўнг бундай ёзадилар: «Мен тартиблик мактаб кўрмаган нодон бир йигит эдим. Унча-мунча билган нарсаларим ҳам ўз тиришувим орқасида зомон шароити ва мажбурияти остидағи чала-чулли гаплар эди. Кейинги кунларда но-донлигим ўзимга қаттиқ ҳис этила бошлаб, бу ҳол билан узоққа кета олмасимни сездим. Ва 1924 йилда хизматимдан жавоб олиб, Москвага ўқишига кетдим».

Хўш, Қодирий Москвада қайси ўқув даргоҳида ўқиган. Кейинги 30-40 йил давомида чиққан Қодирий таржимаи ҳолига оид кўп ишларда у Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтида ўқигани айтилади. «Ўзбек совет энциклопедияси»даги (1971) «Абулла Қодирий» мақоласида эса Қодирий «Москвада Валерий Брюсов номли Адабиёт институтида ўқиди» дейилади. Бу маълумот ҳақиқатта яқин деб ўйлайман. Тарихдан малумки, В.Брюсов 1921 йили Москвада Олий адабий-бадиий институтни ташкил этган, кейинчалик у В.Я.Брюсов номидаги Бутуниттифоқ адабий-бадиий институт (ВЛХИ) деб аталган. Ўша йиллари бу институт жаҳон адабий-бадиий тафаккури марказларидан бири, замонавий жаҳон адабиёти, санъати, фалсафасига доир қарашлар, жўшқин баҳс-мунозаралар маскани саналган. В.Брюсовнинг ўзи ҳам бу даргоҳда маърузалар ўқиган. Қодирий Брюсовни кўрганми, маърузаларини тинглаганми, бу хусусда бир нарса дейиш қийин, чунки Қодирий институтга кирган ўқув иили бошларида 1924 йил 9 октябрда бу киши оламдан ўтган. Лекин, аниқки, В.Брюсовга хос тафаккур, баҳс-мунозаралар руҳи бу даргоҳда давом этган. М.Горький В.Брюсовни «Россиядаги энг маданиятли ёзувчи» деб атаган. Ўз даврида у «модернистик адабиётнинг лидери», «рус символизмининг доҳийси» саналган.

Янги ўзбек шеърияти намояндалари, жумладан, Ойбек В.Брюсовдан таъсирланиб, 20-йиллари мароқли изланишлар олиб борган.

Бу даргоҳдаги таълим Қодирий қарашларида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирган. Ҳ.Қодирий «Отам ҳақида» китобида Қодирийнинг институтда тинглаган лекцияларидан ёзиб олган конспект дафтарларини неча бор қизиқиб ўқиб чиққани ва уларни 1945 йилгача авайлаб сақлагани ҳақида гапириб, сўнг бундай ёзади: «Русча ёзилган конспектда дунё адабиётидаги баъзи оқимлар ҳақида баҳс боради. Масалан, реализм, идеализм, романтизм, футуризм каби оқимлар; уларнинг кузаттан ғоялари, қонуниятлари ва бу оқимларга мансуб кўзга кўринган ёзувчилар қисқақиска баён қилиб ўтилади...»

Бундай ўқиш-ўрганиш самараси адаб фаолиятида яққол кўринади. Қодирийнинг 1925 йилдан кейин ёзган адабий-танқидий мақолалари, хусусан, унинг реализм, янгича адабий-бадиий оқимлар ҳақидаги қарашлари ўша давр замонавий адабий-танқидий тафаккури даражасида экани тасодифий эмас.

ҚОЗОН САФАРИ ВОҚЕАСИ

Қодирийнинг 1936 йил ёзида Қозон сафари чорги Амина исмли татар қизига уйланиб қайтгани ҳақида эшитган, бироқ унинг тафсилотларидан бехабар эдим. 1976 йил ионида бод касалига йўлиқиб Хотинкўприқдаги касалхонада йигирма кунча даволанишимга тўғри келди. Ҳабибулла aka ўша кезлари бу ерда ишлар, ҳафтасига икки кун тунда навбатчи бўлиб қолар, кўли бўшади дегунча хонамга келар, тун бўйи сұхбатлашиб ўтирадик. Кунларнинг бирида Қозон воқеасини сўрадим. У киши хушламайроқ бўлса-да, бўлган воқеани батафсил сўзлаб бердилар. Ш.Турдиев «Маърифат» газетасининг 2004 йил 31 март сонида зълон этилган «Дўстлар қалбида» сарлавҳали мақоласида Қодирий - Амина воқеасига доир 1936 йилги Қозон сафарида Қодирийга ҳамроҳ бўлган Шокир Сулаймоннинг турмуш ўртоги – татар аёли Зайнаб опадан ёзиб олган хотираларини келтирган. Ҳабибулла aka сўзлаб берган воқеа моҳияттан Ш.Турдиев келтирган хотирани тасдиқласа-да, бу ҳодисанинг тал-

қини, тафсилотлари ўзгачароқ. Ҳабибулла аканинг айтишича, Аминанинг отаси Қозон яқинидаги Арча районига қарашли Качи овулида яшаган, ғоят маърифатли киши бўлган. Бу оила аъзолари Қодирий романларини ўзбек тилида қўлмак ўқишиган, айниқса, оиласинг эркатой, романтик табиат қизи Амина «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабекка, роман муаллифига ғойибона ошиқ, бўлиб қолган. Ота Қодирийнинг Қозонга келганини эшитиб уни овлуга таклиф эттан. Амина «Ўткан кунлар» муаллифини кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолади... Қисқаси, бу иш никоҳ билан яқунланади. Қодирий Качида икки ҳафта меҳмон бўлади. Кейинроқ Качи таассуротлари ҳақида ажойиб бир мақола ёзади. Амина Қодирий билан Тошкентта келгач, тез орада Қодирийлар хонадонининг чин аъзосига айланади. Ниҳоятда ширин сўз, чаққон, озода, саранжом-саришталиги, пазандалиги билан обрў-эътибор топади. Афсус, бу тотли дамлар узокқа бормайди. Қодирий хасталикка учрайди, адид устида фийбат, ғалвалар, таъқибу таҳдидлар авжига чиқади. Адид ҳибсга олиниб бедарак кеттач, Амина Қозондаги қариндош-уругларини бундан хабардор қиласди. Аминанинг акалари Тошкентта келиб, уни юртига олиб кетадилар.

«НАВО КУЙИ» ГУРУНГЛАРИ

Ўттан асрнинг 60-80-йиллари Фулом Каримов бошчилигига 8-10 кишидан иборат гап-улфаттарчилигимиз бўларди. С.Долимов, О.Шарафиддинов, Ҳ.Ёкубов, А.Алиев, С.Фузаиловдек устозлардан иборат бу даврага мен ва мен тенгли икки-уч ёш домлалар ҳам таклиф этилган эдик. Ойда бир бор улфатлардан бирининг хонадонида ўтадиган гурунглар ғоят мароқли кечарди. Даврада албатта санъаткор — созанди ва хонандалар иштирок этарди. Машхур созанди Турғун Алиматов иштирок этган гурунгларни эсласам ҳамон кўнглим чароғон бўлиб кетади. Турғун акадек санъаткор Субутой домлани мумтоз куй, мақом бобида ўзига устоз деб атардилар. Субутой ака дуторда, Турғун ака танбур ёки сатода ижро этган куйлардан сел бўлиб тўлонардик.

Турғун ака ҳар гал «Ўткан кунлар»даги «Наво куйи» боби устида сўз очар, бу бобни ёд билар, ёд айтиб мумтоз куйнинг сўз орқали бу қадар нафис, тиник, аниқ жонли ифодасидан ҳайратини тўкиб соларди. Субутой ака «Ўткан

кунлар»да тасвир этилган дуторда чалинган куйни ёшли-гига тинглаганини сўзлар, Турғун акадан уни тиклашни қайта-қайта илтимос қиласди. Турғун aka устоз илтимосини ерда қолдирмай, бу йўлда узоқ изландилар. Ниҳоят, улуғ созанда бир гал: «Устоз, дутор навосини топдим, «Ўткан кунлар»нинг ўзидан олиб тикладим» дедилар. Сўнг дуторни кўлга олиб, одатдагидек уни узоқ созлаб, Қодирий ёзганидек, дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ биз кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юбордилар. Куйнинг бошланиши биланқ даврадагиларнинг вужуди зирр этиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, эшилиб, тўлғаниб теварак-атрофга илоҳий бир сирли-сехрли садолар таратган дутор пардалари тинди. Субутой aka «Айни ўзи, қойил! Балли!» деб юбордилар.

Судбат уланиб замонавий адабиётта келиб тақалди. Турғун aka: «Ҳозирги ёзувчи-шоирлар асаларида мумтоз куйнинг шунаقا тасвири борми?» -деб сўраб қолдилар. Мен: «Бор!» - дедим, китоб жовонидан Абдулла Орипов тўплами ни олиб «Муножот»ни тинглаб» шеърини ўқий бошладим.

Эшилиб, тўлғаниб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!

Ана шу сўнгти сатрларга келганда улуғ созанда: «Ҳа, бу шеърдаги «Муножот» тасвири «Ўткан кунлар»даги «Наво» куйи тасвиридан қолишмас экан» дедилар ўзларига хос босиқлик билан.



ҚАЛБ ДРАМАСИ ВА НАФОСАТИ

Мумтоз шеъриятимизнинг нодир намуналарига хос энг муҳим хусусиятлардан бири шуки, уларда шоир (лирик қаҳрамон) қалбининг ададсиз қийноқлари, оҳу зорлари ўкувчини ларзага солар даражада бутун кескинлиги, драмалари билан изҳор этилади. Айни пайтда шу руҳий қийноқлар ифодаси киши кўнглини асир этадиган, овутади-

ган нафосат, гаройиб бир шоирона туйғу билан чулған-ган бўлади, яъни дард билан лаззат, мунг билан таскин уйғулиқда ёндош келади. Жаҳон адабиётидаги энг ҳазин ва нурли севги қиссаси ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони бунинг ёрқин намунаси. Мана шу мўътабар анъана янги ўзбек адабиётига, жумладан, насрига ҳам кўчиб ўтган, айниқса, тўнгич миллий романимиз «Ўткан кунлар»да бу фазилат янгича кўринишда юксак даражада намоён бўлган.

Роман муаллифи тўғридан-тўғри Отабек ва Кумушнинг «ҳажр ва фироқли» ишқий мулоқатларида «самимият, яна тўғриси шеърият бор» деб эътироф этади ва бутун асар давомида ана шу нафосат — романтик рухни бадиий кашф этиш йўлидан боради. Бу ҳол XX аср танқидчилигида кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, буни эскича усул, янги замон услубига, шафқатсиз реализмга зид деб китобийликда, ширинзабонлик, ҳатто чучмалликда айблаш ҳоллари ҳам юз берган.

Бундай қарашларнинг муайян сабаблари бор, албатта. XX аср жаҳон адабиётида романтик руҳдан бутуҳлай ҳоли ҳётнинг ўта дәғал, шафқатсиз, абсурдан иборат ҳақиқатини бути қескиниги, даҳшати билан очиб берувти улкан адабий оқим пайдо бўлди. Бу йўналешдада яратилган нодир асарларнинг бадиий кашфиёти ва шуҳратига мажлиё бўлган биз каби бандай ожиз мунаққидлар энди романтиканинг даври ўтди, дей хукм чиқара бошладик. Шоирона эҳтирос билан йўғрилан асарларнинг «шарқона шоирона услуби»га нописанд муносабат сўнгти йиларда бизда хийла кенг ёйилди.

Ана шундай бир шароитда Фарбда, жаҳоннинг турли минтақаларида нима бўлди денг?! Туриумлашинг ўта шафқатсиз, дәғал ифодаларидан толиккан, зада бўлган китобҳси, томошабин эҳтиёжсини ўз вақтида нозик пайқатан сезгир ижодкорлар айни ўпса «шуф сассиқ»ка чиқарилган шарқсна романтик анъаналарга қайта бошладилар, XX аср поёнида пайдо бўла бошлигар «Титаник», «Ҳайратомуз ақл», «Қыши сонатаси» фильмлари, П.Коэлонинг «Алхимик», «Бешинчи тор» романлари худди шу хислати туғайли Фарб дунёсида шуҳрат қозонгани, катта шов-шуввларга сабаб бўлгени қарой-иб ҳол! Гўзаликка, нафосатта шайдолик инсон зотининг боқий фазилатларидан экани, фан-техника, замонавий информатика мўъжизалари ҳам уни бу ноёб туйрудан мосуво этолмаслигининг ёрқин исботи бу!

Синчиклаб қаралса, Қодирий романларидағи шарқона эхтиросларга йүргилган ифодалар янги замон услубига, янги давр одамлари эхтиёжи, завқига асло зид әмас әди. «Үткан кунлар» муаллифи жаҳон адабиётидаги янги жараёнлардан, адабий-бадиий оқимлардан, «сүнгти приём»лардан яхши хабардор бўлган, ўзи айтмоқчи, ҳатто «сүнгти приём»ларнинг баъзиларини «Үткан кунлар»га эртароқ киритган; айни пайтда халқнинг савиясини, завқини, руҳини эътиборга олиб «эски приём»лардан, анъанавий шарқона ифода йўлларидан смарали фойдаланган. Адаб «Модомики, асар савияси ўзимизга маълум шу халқ учун ёзилар экан, яна бир мунча вақт «сүнгти приём»лардан кўз юмиб туриш, оралиқда «сүнгти приём»ни оз-оз қистира бориш лозим»лигини айтади ва қатъий қилиб: «эски приём билан ёзади, биноан алайҳи бу ёзувчига биринчи номерни бермаймиз» деб қилинган танқидлардан ҳуркмаймиз» дейди.

Қанчалик жасорат билан айтилган доно сўзлар! Бу фикр бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган әмас. Жаҳон адабиёти ва санъатининг қарийиб бир асрдан кейинги ҳолати адабнинг бу борада нақадар ҳақ эканини тасдиқлаб туриди. Улур адабнинг ўз вақтида эски миллий анъаналар билан «сүнгти приём»лар, яъни замонавий адабиёт услубини оқилона қўшиб олиб боришдан иборат ноёб тажрибаси янги аср бошида ҳам аскотмоқда, жаҳон адабиёти ва санъатида янгидан-янги бадиий ихтиrolар учун йўл очмоқда. Абдула Қахҳор «Абдулла Қодирий, баъзи бир одамлар айтмоқчи, «бир-иккита рисола ёзган» анчайин ёзувчи әмас, балки янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асралар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адидир» деганида тўла ҳақ.

«Үткан кунлар»даги Отабекнинг руҳий драмалари ифодаси талқининг оид айрим лавҳаларни шу жиҳатдан кўздан кечирайлик.

Отабек Зайнабга унаштирилгани ҳақидаги хабарни Кумушта, унинг ота-оналарига етказиш учун Марғилонга отланган; у «кўтариб бўлмайтурган бир қайру, чидаб бўлмайтурган бир ҳасрат»ни орқалаб борар экан, Кумушбиби шум хабарни эшиштанда нималар бўлишини ва қандай ҳолларга тушишини, ота-оналари нима дейишини ўйлаб от устида эзи-

либ, ўртаниб, ўзининг дунёда бор-йўқлигига ҳам тушуммай кетаётир... Кўклам фасли таровати, табиат, теварак-атроф нафосати, қушлар чугури ҳам кўнгил дардига таскин беролмайди. Қутидор хонадонига етиб боргач, шум хабарни айтмасликка ва бу даргоҳдан қайтмасликка қарор беради. Аммо барибир сир ошкор бўлади, Бироқ оқибат-натижа ҳам қаҳрамон, ҳам китобҳон куттанидан ўзгача бўлиб чиқади: мулоҳазакор, андишли Қутидор куда томон арз-ҳолларини тушуниб, унга розилик билдиради, нақадар ноҳуш, мушкул бўлмасин хотини Офтоб ойимни, қизи Кумушни, нихоят Отабекни ўз қарорига кўндиради. Мана шу жараён нақадар нафис, санъаткорона ифода этилган. Ўша топдаги ҳар бир қалбнинг титроғи, изтиробларини, уларга осон эмаслигини баралла сезиб, ҳис этиб турасиз. Айни пайтда юксак одоб-ахлоқ соҳиби, ўзбекона андиша бандаси бўлмиш бу шахслар бундай вазијатда ўзлари учун ҳар қанча мушкул бўлмасин, ўзгача йўл тута олмасликларига амин бўласиз. Айниқса, Отабек Кумушдан итобомиз сўзлар, аччиқ хитоблар кутиб ўтирганида у фариштадек уйга кириб келиб кутилмаган жойда уни оғир ҳолатдан куткаради: «Мен рози, мен кўндим» дейди дафъатан. Ёзувчи шу заҳоти Кумуш «бу сўзни нимадандир кўрққандек шошиб айтди» дея изоҳ беради. Мана шу шошиб ва нимадандир кўрқиб айтилган сўзда Кумушнинг шу топдаги кўнгил изтироби ва нафосати уфуриб турибди! Шундан кейинги ифода ўқувчи кўнглига гаройиб бир таскин ва сурур бахш этади:

« - Кўндингиз...нега, а?

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичида эди.

- Негаки, - деди Кумуш, - мен сизга ишонаман...

- Шунинг учун...

- Шунинг учун кўндим...

- Кўнглингиз фаришталар кўнглидек.

- Сизнинг ҳам кўнглингиз...

Икки жон, икки юрак гўёки биттадек бир-бираисини онглар, бираисидан бираисига ўтиб юрар эди шу вақт.

...Кутидор тарафида эртага Тошканд жўнаш эълони берилди. Иккисининг ҳамма вақтлари шамъ ёнида сўзлашиб кечди...»

Шуниси ҳам борки, вазият тақозоси билан мушкул ҳолатнинг бу хилдаги гўзал ечими асло персонажлар қисмати-

даги драмаларнинг бутунлай бартараф этилиши эмас. Балким, бу ечим олдиндаги янги мушкул жумбоклар, кўргиликларнинг дебочаси эканлиги тасвирдаги ширин ва ҳазин бир оҳангдан англашиниб туради. Бу ҳаёт, тақдир шафқатсизлигини нафосатта йўғрилган ҳолда ифода этишнинг, нафис туйгулар тили билан сўзлашнинг беназир намунаси!

Адид қаҳрамоннинг фақат интим, ишқий-оилавий кечинмалари эмас, ижтимоий фаолияти, манфаатлари ифодасида ҳам айни шу йўлдан боради. Романнинг «Қипчоққа қирғин» бобини эслайлик.

Шаҳарда қипчоққа қирғин уюштирилган куни эрталаб Отабек дўсти билан шаҳар ташқарисига Минг ўрикка сайрга чиққан. Табиатнинг кўркам, латиф қучогида ором олиб, турмуш ташвишларини бир дам унугиб кечга яқин шаҳарга қайтиб, шаҳар дарвозасига қадам қўйиши биланоқ даҳшатли манзараларга — боши танидан олинган кишилар гавдасига дуч келади. Суриштириб биладики, шаҳарда қирғин бошланган, кун бўйи қипчоқ зоти бўлса молдай сўйилган. Отабек йўлида давом этади, одим сайин боши кесилган мурдаларни кўради.. Ниҳоят, даҳшату ваҳшат ичида Ҳасаналига йўлиқади. Ҳасанали мислсиз раҳмисизлик тўғрисидаги ҳикоясини бошлайди: «Худда қиёмат бўлди! Бечоралар нима гуноҳ қилдиларикин?.. Йигитлар тутиб келтуриб турадир, жаллод бош кесиб борадир... Чидаб бўлмади, дўконни ёпиб қоғдим...»

Отабек «Бас» дей Ҳасанали ҳикоясини тўхтатади, унда бу ёгини эшитишга тоқат қолмайди, бекнинг юраги эзилиб оқиш даражасига етади. Бу ҳодисалардан ўзини йўқотар ҳолга келади. Кечки ошни ҳам емай, отаси билан ҳам учрапмай «гўё шу йиртқичлар дунёсидан яширингандек оқ кундаёқ тўшагига ётиб, кўрпасига бурканиб» олади.

Нега ўша дамларда Отабек отасига дуч келишини лозим кўрмади? У бир оз ўзини тутиб олгач, эртаси отасига рўпара келади. Отасига дуч келганида илк бор фарзандлик одобини бузиб унга салом бермайди. Чунки ўз отасини қипчоқ қирғинига алоқадор деб ўйлади. Кеча кўрган, эшитган даҳшатлар ҳам биру ўз отасининг бу ишларга «алоқадор»-лиги дард устига чиққон. Шу ўй-хаёл уни эзади. Лекин Отабек, барибир Шарқ ўвлони, кечаги ҳолатда отасига рўпа-

ра келганида «қуюшқон»дан чиқиб кетишига кўзи етган. Шунга қарамай кечаги дард асорати бутун ҳам унга тинчлик бермайди. Қалб титрори тўла босилган эмас... Отага саломсиз рўпара бўлган ўрлон ҳолатини кўриб бу ёғи нима бўларкин, дея энтикиб турасиз. Инсон руҳиятининг моҳир билимдони ўша топда оқил ота билан яхши тарбия топган фарзанд орасидаги ўта кескин ва нозик муносабатлар, улар кўнглида кечган тифиз ва нафис туйғу, ўй-хаёлларни мислсиз маҳорат ва назокат билан қорозга туширади. Ҳар қанча қаҳр-ғазаб ўтида ёнмасин Отабек, барибир, биринчи бўлиб сўз очолмайди, одоб юзасидан ота юзига тик қараб «гуноҳи»ни юзига солишга ботинолмайди. Орада бир мунча муддат жиммлик ҳукм суради. Нихоят, биринчи бўлиб ота гап бошлайди. Сўнг Отабек тилга кириб кечаги қонли воқеалар, бу ишларда отасининг иштироқи хусусида нозик қочириқлар ила имо-ишоралар, таъналар қиласи. Фаросатли ота дарҳол буни тушуниб рўй берган воқеаларнинг тафсилоти, бу ишларга ўзининг алоқаси йўқлиги, имкон қадар бу хатарнинг олдини олишга урингани, бироқ иложксиз қолгани ҳакида батафсил галириб беради.

Хўш, бу қирғинлардан мақсад нима? Яна шу савол кўзғолади. Жавоб аён: Бу қирғинни уюштирганлардан биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммаднинг ўрнига минмоқчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Хон эса Мусулмонқулга бўлган адоватини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи... Уларда бундан бошқа мақсад йўқ. Ота-бала сұҳбати асносида Юсуфбек ҳожи дилидаги асосий дардини тўкиб солади. «Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб» деб бошланувчи кўплар учун ёд бўлиб кетган машҳур нутқ, бу одам ҳаёти маъноси, умри, фаолиятининг муайян якуни, умри давомида тўплаган тажрибаларидан чиқадиган бош хуласасидир; авлодлар олдидағи армони, узридир; келгуси авлодларга қолдирган васияти, аччик, сабоғидир. Титраб, тўлқинланиб айтилган бу оташин сўзлар, Ҳожи қалби тубидан вулқондай отилиб чиқан бу дард-алам тўла фарёд бутун бир мамлакатни, миллатни ларзага солишга, ҳушёр тортиришга қодирдир! Бу сўзларда заррача бўлсин ясамалик, сунъийлик йўқ, бошдан-оёқ самимий, бинбарин шеърий, ҳа юксак шеъ-

рий асар каби баланд пардаларда янграйди. Отабек ота сўзларини тинглар экан, ўзининг ўринсиз шубҳа, таъналаридан уялиб ерга қарайди. Ўша топда ўзининг эл-юрт ғамида куйиб-ёнишлари отасининг дарду фарёдлари олдида арзимасдек туюлади унга.

Маълум бўляптики, Отабекнинг ижтимоий йўналишдаги кўнгил дардлари ишқий-оилавий ташвишилари залворидан асло кам эмас. Шу билан баробар, улар орасида, бадиий талқинида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Ишқ изтироблари пайтида қаҳрамон сенитиментал ҳолатларга тушади, йигидан, кўз ёшлари тўкишдан ўзини тия олмайди. Мисолларга мурожаат этайлик. Отабек «тутуруқсиз совғани кўтариб» гулларга, кўкатларга бурканган қирлар оралаб отда борар экан, узоқда қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи қулоғига чалинади, теваракни зир титратган «Икки ёрни ажратувчи бу фалаканинг гардиши!» мисралари Отабекнинг истиқболидан ҳикоя қилгандек кўнглини ларзага солади, шу топда ўзини туголмай йиглашга тушади, кўз ёшлари юзи оралиқ, эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлиди... Отабекнинг «Наво» куйини тинглаш онларидаги ҳолати бундан-да мунгли, таъсирчан: «Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чиқсан «Наво» куйи ўз ноласига тушунгучи... бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиглаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиглар, кучини йигиштириб йиглар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиглар эди...» деб ёзди муаллифнинг ўзи ҳам тўлқинланиб.

Одатдагидек, бу ўринда ҳам Қодирийнинг қаҳрамонни тоқат қилиш мумкин бўлмаган оғир вазиятдан, тифиз руҳий ҳолатдан олиб чиқиш санъати кишини лол қолдиради. Бу шунчаки адабий приём бўлмай, энг муҳими, унда адабкинг асл ҳаёт фалсафаси ёрқин намоён бўлган: «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувларини кўзи орқалиқ, тўқдирдида, фалакнинг тескари ҳаракатидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлриз ҳасраттина бўлмаганлигини билдиргандек ўзининг «савт» куйини ер юзига шодлик ва сўйинч ёғдириб арз эта бошлади. «Наво»нинг сихирлик «савт»и Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир ентиллик багишлади. «Наво» билан ювилиб кеткан унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...»

Ниҳоят, Кумуш ўлимидан бир йил ўтгач, Отабекнинг қабристонда Кумуш қабри ёнидаги ҳолати, сўнгти кўз ёшлари тасвирини ўқиймиз. Аввалги лавҳалардаги кўз ёшлар гўзал табиат, гўзал кўй жўрлитида тўкилган бўлса, бу галгиси фано интиҳоси ва бақо бўсағасида илоҳий калом садолари оғушида оқади:

«Куръон оятлари қабристон ичига оғир оҳангда оқар эди. Қабр ёнита тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари ҳам Куръон оятларига қўшилишиб оқар эди». Эътибор берсангиз Куръон оятлари оқимида фақат ҳазинлик эмас, илоҳий бир таскин ҳам бор.

Бутун бараллा� айтиш мумкинки, Отабекнинг ишқи ҳар қанча ҳаётий, табиий бўлмасин, айни пайтда у сирли-сехрли илоҳий рух билан йўғрилган. Айниқса бу ҳол охирги лавҳада аниқ, кўринади. Моддиончи мунаққидлар бу ҳолатни ўта нохуш қабул қилганлар. Чунонча, Сотти Ҳусайн роман муаллифи Отабекнинг ишқи, муҳаббатини илоҳийлаштирган, «А.Қодирий «илоҳий муҳаббат»га аниқ ишониб, шуни тарғиб қиласадир. Яъни ғайри табиий кучнинг борлигини исбот қилмоқчи бўладир» дейа муаллифга ғоявий айб қўяди ва қатъий қилиб: «Ишқ, муҳаббат илоҳий бўлмай, табиий, моддий бўладир, илсхий деб қилина турған ҳар қандай таъбир ёлғон, кўз бўявчилиқдир» деб ёзади. Ким ҳак, ким ноҳақ, ким кўз бўёвчи эканини ҳаётнинг, адабиёт, санъат ривожининг ўзи кўрсатди, кўрсатаётир. Юқорида эслатилган ҳар уч лавҳада ҳам кўз ёшлари билан йўғрилган ўта маъюс, мунгли драматик ҳолатнинг бунақа нафис, рангин чиройли тасвири сўз санъатида сийрак учрайдиган ноёб бадиий топилма! Менингча, бунақа сентиментал ҳолатларни ҳамиша ҳам инсоний заифлик аломати деб аташ тўғри бўлмас. Аксинча, у юксак инсойийлик, самимийлик белгиси. Дард-аламларни чин дилдан ҳис эта билиш, ўрганиш, кўз ёши тўка олиш ҳам буюк башарий фазилат.

Ишқий, интим кечинмалар онларида мискин, ожиз кўринган Отабек эл-юрт қайғуси йўлида ҳар қанча ўртамасин, куйиб-ёнмасин мардона, шижаоткордир. Эл-юрт йўлидаги шижаот, ҳатто фожиа – ўлим хабарида ёзувчнинг қалами ҳам шафқатсиз, мардона тус олади: «Қаноатшо Авалиё отадан ёзар эди: «Ўрлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан

тўқунушмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дағи этдим...» Ота ва она эса ўз навбатида жасур ўғлоннинг қаҳрамонона шаҳид бўлиш хабарини мардана қарши оладилар, бу ўринда нолалар, фарёдлар, кўз ёши тўкишлар йўқ; «Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди. Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди».

Мана шу мардана хабар ҳам ўзгача оҳангдаги шеърий рух билан йўғрилган. «Ўткан кунлар»да ёрқин намоён бўлган шахс ҳаёти, қалби драмаси ва нафосатини бадиий қашф этишдек ноёб фазилатнинг бутунги кунда юқорида эслатилган жаҳон адабиёти, санъатининг энг яхши намуналари билан муштарак эканлиги кишида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. «Ҳайратомуз ақл» фильмининг ўзбекча таржимаси томошаси пайтида ҳамкасб дўстим ғурур билан фильм сценарийси муаллифи Зулфия Назар ота қонидан ўтган шарқона севги таронаси руҳини америка кино санъатига олиб кирибди, деди. Бу гапда жон бор. Шу ўринда кичик бир изоҳ: фильм ўзбекчага русча «Игры разума»-дан сўзма-сўз «Тафаккур ўйинлари» деб ўтирилган. Инглизча асл номи «Beautiful mind» «Гўзал тафаккур» ёки «Ҳайратомуз ақл» деган маънони англатади. Шу ном унга ярашади. Зотан Зулфия Назарнинг фильмга асос бўлган жаҳонга машҳур китоби «Ажойиб ақл» деб аталади. «Ҳайратомуз ақл»даги севги, вафо, садоқатнинг сеҳрли кучи, «Қиши сонатаси»даги икки ёшнинг нозик ибо, самимият, нафосатга чулғанган ишқий мулоқотлари, «Алхимик» романидаги ёш испан йигити Сантъяго билан араб қизи Фотима, «Бешинчи тор»даги Илёс пайғамбар билан бева аёл ораларидаги пинҳона оташин мұхаббат тароналари – гўззалик, нафосат, ибо туйғуси санъят, адабиётнинг мангу учар қаноти эканини яна бир бор тасдиқлади.

Фаройиб бир ҳол: айни жаҳон адабиёти, санъатида бўлгани каби миллий адабиётимиз ҳам муайян муддат ҳаётнинг яланғоч, шафқатсиз ҳодисаларининг яланғоч тасвирига ўта маҳлиё бўлишдан чекиниб, асл миллий қадриятларимизга қайта бошлади. Воқеликнинг ўта шафқатсиз, мунгли, фожей ҳақиқатлари қаламга олинган «Офтоб ойим», «Қорақўз мажнун» ҳикоялари (С.Аҳмад), «Тушда кечган умрлар» романи (Ў.Хошимов) бошдан-оёқ Қодирийга хос латофат

ва нафосат туйфуси билан йўғрилган; «Тепалиқдаги хароба» романидаги (О.Мухтор) Маликул калом Мавлоно Лутфийнинг латиф севги достони тасвири асарга ўзгача руҳ бахш этган, «Бозор»да (Х.Дўстмуҳаммад) эса Фозилбек ва Қадриянинг Отабек билан Кумуш ишқ достонини ёдга тушнирувчи севги қиссаси миллий носирларимиз модернизмнинг ўзгача йўлларини қидираётганидан бир далолатdir.

Абдулла Қодирий тажрибаси ва ҳозирги жаҳон адабиёти, санъатидаги, қолаверса, бугунги ўзбек адабиётидаги муштаракликлар хусусидаги кузатиш, ўй-мулоҳазалардан чиқадиган энг муҳим сабоқ шуки, санъат, адабиётдаги «эскича» ва «янгича» ифода йўллари устида шошма-шошарлик билан ҳукм-хулосалар чиқаришдан тийилайлик, азизлар. Биз эскига чиқарган ифода йўллари бугун ёки эртага бирдан янгиланиб буюк бадиий ихтиро, кашфиётлар учун замин, асос бўлавериши мумкин экан.



ЎЗБЕК ОЙИМ ВА УНИНГ АДАБИЁТДАГИ ИЗДОШЛАРИ ДОВРУГИ

Жаҳон адабиёти, санъати тарихида миллат менталитети, табиати, руҳияти, шаънини намоён этадиган, миллат тимсолига айланган ёрқин образлар кўп. Янги ўзбек адабиётида ҳам бу хил образлар талайгина, Қодирий, Ойбек, F.Фулом даҳоси кашфи бўлган Отабек, Кумуш, Ўзбек ойим, Навоий, Шум болалар, Чўлпон, F.Фулом шеърияти лирик қаҳрамонлари ўзбекнинг ўзлигини олис-олисларга танитганлиги кўпчиликка аён.

Миллый адабиётимизнинг кейинги авлодлари ижодида ҳам бу табаррук анъана давом этиб келмоқда. Чингиз Айтматов «Улугбек хазинаси» романни муаллифи О.Ёқубовга йўллаган мактубида «романи ўқирканман, кўнглимда туркӣ ҳалқларимиз тарихи учун ифтихор туйфуси жўш урди... Улугбек шундай даҳоки, у бизни асрлар оша тарихимизга, заминда туттган мавқеимизга гувоҳ. Улугбек – бизнинг дилдаги оҳимиз, армонимиз, у буюк башарий тажрибалар ҳақида, дунё ҳақида юксак мезонларда туриб мулоҳаза юритиш, ҳукм-сабоқлар чиқариш учун асос берадиган

шахс», деб ёзган эди. Машхур француз тарихчиси Э.Ренан буюк темурий тождорлар – Бобур, Ҳумоюн ва Ақбар орасидаги оқилюна ворисийликни тарихда фақат бир бор соудир бўлган нодир ҳодиса, дея баҳолаган. П.Қодиров «Юлдузли тунлар» («Бобур»), «Авлодлар довони» («Ҳумоюн ва Ақбар») романларида айни ўша башарият тарихидаги нодир ҳодисани қаламга олган. F.Гулом, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Ориповлар миллат шаъни-ғурури, дарду дунёси ҳақида оламга нималар берганлигини ҳали биз етарли чамалаб кўролганимизча йўқ...

Сўз санъатининг сирли-сехрли, мўъжизакор қудрати шундаки, у фақат гўзал шахслар, буюк, даҳо сиймблар тимсоли эмас, оддий одамлар, афанди табиат, довдир, зиддиятли кимсалар образи орқали ҳам миллат шаъни, довругини оламга кўз-кўз қиласериши мумкин. Зотан, Пушкин айтмоқчи, даҳолик довдирлик кўринишида ҳам намоён бўла-веради. «Дон Кихот» - жаҳон адабиётида бунинг ёрқин мисоли. XX аср жаҳон адабиёти ва кино санъати яратган Чарли Чаплин, Шукар бобо (М.Шолохов), Василий Теркин (А. Твардовский), француз, итальян, рус, грузин кинокомедияларининг ажабтовур афандитабиат қаҳрамонлари дунё бўйлаб қанчалар шуҳрат қозонгандигига гувоҳмиз. Ўзимизда «Майсаранинг иши», «Шум бола», «Шоҳи сўзана», «Келинлар қўзғалони» асарлари, «Ўткан кунлар» билан «Мехробдан чаён»даги Ўзбек ойим, Солиҳ Маҳдум образлари ана шундай ноёб тимсоллар сирасидан.

Ойбек Абдулла Қодирий ҳақидағи рисоласида Ўзбек ойим образига юксак баҳо бериб, уни романдаги «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» деб атайди. Бу аёл, бир қарасангиз чала-думбул, ўжар, басир, «ўз хоҳишига тескари келган ҳақиқатни кўрмайдиган қизиқ табиатга молик» кимса. Қизифи шундаки, мана шундай ўжар, басир, чала-думбул аёлни - мулоҳазасиз хатти-ҳаракатлари билан Ҳожини ноқулай аҳволга солиб кўйган, яккаю ягона ўрлининг баҳтига зомин бўлган, алмат келини Кумуш, бу ёқда Зайнаб турмушининг ҳазон бўлишига йўл очган Ўзбек ойимни асло «қаҳр-ғазаб» билан фош этиш, қоралаш йўлини тутмайди, аксинча, уни гаройиб жумбоқ сифатида тушунишга интилиб, алоҳида меҳр, аникроғи, гаройиб юмор, илиқ бир табассум билан қалам тебратади. Эътибор бе-

ринг-а, гоят жиддий, салобатли сиймо Ҳожи Ўзбек ойим билан мулоқотда ҳар доим ўзгача ҳолатда кўринади, кулги, ҳазил-мутойиба, қисман қувлик йўлини тутади, айни шу усул орқали унинг ўжар қалбига йўл топишга уринади. Нима бўлганда ҳам Ўзбек ойим – барибир она; табиатидаги барча зиддиятлари, ожиз томонларига қарамай, у ўзбекнинг мағрур, танти онаси! Ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишали адаб уни қоралашга тили бормайди. Айни пайтда ростгўй, реалист ёзувчи бу ўжар, «чала-думбул табиатли» аёлнинг ножӯя қилиқлари, хатти-ҳаракатларини батафсил қаламга олиш билан баробар, унинг қалби тубидаги ажиг меҳр, мурувват туйгусини, тантилик каби фазилатларини ҳам фавқулодда маҳорат, теран ва нозик руҳшунос сифатида бадий инкишоф этади. Марғилонлик қудаларни кутиб олиш жараёни тасвири бу жиҳатдан ноёб бадий ихтиро! Куни кечак марғилонлик келинини ҳам, қудаларини ҳам кўрарга кўзи йўқ, аёл бутун уларни алоҳида эҳтиром билан муносиб кутиб олишга ҳозирланади, уйининг энг тўрисини уларга раво кўради. Яқин-яқинларгача «анди» деб ҳақоратлаб юрган марғилонлик келининг илк бор дуч келганида унинг қадди-бастига, вужудидан ёғилиб турган ибо-латофатга маҳдиё бўлиб, меҳри жўшиб уни маҳкам сикиб қучоқлаб олади, юзидан шап-шап ўпидбайтади, Кумушга тикилиб-тиклиб нима учундир йиргайди... Мана шу «ноаниқ» йирида ғаройиб сехр бор, шу хатти-ҳаракатда Ўзбек ойимнинг асл бисоти, ўзи қилиб қўйган гуноҳини савқи табиий тарзда ҳис этиш, англации ярқ этиб кўзга ташланади, гўё мана шу кўз ёши бу аёлнинг Кумуш олдидағи жамики гуноҳларини ювига кетгандай бўлади. Шу дақиқадан эътиборан Ўзбек ойим беихтиёр Зайнаб қолиб, Кумуш томонга ўтади. Кумуш ўлимидан кейин Отабек дилини тушуниб, унинг хоҳиш-иродасига мутлақо қаршилик кўрсатмайди.

Бу образ тасвири бошдан-оёқ ажиг сержило – ҳам киноя-кесатиқларга, ҳам ардоқ, меҳр-мурувватга тўла юмор билан йўғрилган. Шу сержило комик тасвир орқали Ўзбек ойимнинг фазилатларини ҳам, ожиз томонларини ҳам, фожиасини ҳам – барча-барчасини кўриб, ҳис этиб турамиз. Улуғ адаб қалами сехри туфайли мана шу «чала-думбул табиат» аёл миллатнинг тимсоли даражасига кўтарилади.

Танқидчилик ибораси билан айтганда, романдаги эпизодик бир персонаж санаалмиш Ўзбек ойим асардаги шунчаки «энг жонли, реалистик чизиклар билан кўрсатилган шахс» бўлиб қолмай, XX аср миллый адабиёти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди, ҳатто «Ўткан кунлар» қатагон қилинган йилларда ҳам бу персонаж таъсирида асарлар яратиш давом этди. Жумладан, «Шоҳи сўзана», «Келинлар қўзғалони» комедиялари айни шу жиҳати билан эътиборни тортади. Бу икки асарнинг жаҳоншумул довруғи сири-сабаблари, очиғи, ҳали танқидчилиқда илмий кашф этилган эмас.

Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ўта талабчан, мақтанишни хуш кўрмайдиган Абулла Қаҳҳор таржимаи ҳолида «Шоҳи сўзана» ва унинг довруғи хусусида шундай маълумотларни келтиради: «Янги ер» («Шоҳи сўзана»)га аввал Республика мукофоти, кейин Давлат мукофоти берилди. Пьеса Иттифоқнинг етмиш учта йирик, шу жумладан, Москва, Ленинград ва деярли ҳамма миллый республикалар саҳнасида, Хитой Халқ Республикасида, Халқ демократияси мамала-катларида қўйилди».

Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа комедиялари – «Оғриқ тишлилар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим» комик маҳорат боғида «Шоҳи сўзана»дан асло қолишмайди. Ижтимоий-танқидий пафоси, «жамиятнинг қитиғига тегадиган» жиҳатлари билан ҳатто бу асардан устун туради. Нега энди улар қолиб айни «Шоҳи сўзана» бу қадар шуҳрат қозонди?

Танқидчилиқда «Шоҳи сўзана»нинг фазилатлари, новаторона хусусиятлари тўғрисида кўп гапирилган, ёзилган. «Шоҳи сўзана» том маънодаги новаторона асар эди, – деб ёзади О.Шарафиддинов. – У жанр хусусиятларига кўра... комедия жанрига мансуб, бироқ традицион комедиялардан анча фарқ қиласди. Абдулла Қаҳҳор бу асари билан комедиянинг янги хилини яратди дейиш мумкин. Гап шундаки, комедияда ҳаётдаги муайян қусурлар, одамларнинг ўзаро муносабатларидағи кемтиклар, уларнинг характеридаги нуқсонлар кулаги орқали танқид қилинади... Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сида эса салбий ҳодиса ҳам йўқ, салбий қаҳрамонлар ҳам. Автор асарда тасвирлаган одамларнинг ҳаммасига хайриҳоҳлик билан қалам тебратади... Шундай қилиб, «Шоҳи сўзана» комедиясида кулаги янгича функцияга

эга — у ортиқ фош қилиш қуроли эмас, танқид воситаси эмас, балки ижобий кучларнинг фазилатларини тўлароқ очишига, замонамиз қаҳрамонларининг аҳлоқий-маънавий фазилатларини тасдиқлашга хизмат қилди».¹

Адабиётшуносликда «Шоҳи сўзана» «қаҳрамонлик комедияси» деган қараш ҳам мавжуд. Шу хил қарашлар билан ёаробар комедия моҳиятини ўзгача талқин этишлар ҳам учрайди.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг «Абдулла Қажхор» бобида «Шоҳи сўзана»нинг новағорона жиҳатлари таъкидланган ҳолда, асар конфликти, персонажлараро зиддиятлар талқинида анъанавий йўл тутилади: «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонлар кураши масаласига алоҳида урғу берилади. «Тарих»да, жумладан, шундай дейилади: «Деҳқонбой, Ҳафиза ва Қўзиев каби ёшларнинг обод жойлардан қақроқ чўлга келиб янги ер очишлари — совет кишиларига хос бир қаҳрамонлик. Ҳолнисо, Ҳамробуви ва Мавлон шу қаҳрамонликни ўзларининг майдა-чуйда манфатларига бўйсундирмоқчи бўладилар. Кичик ниятлар ва аянч нуқсонларнинг катта мақсад ва юксак фазилатлар устидан ҳукмронлик қилишга уриниши қаттиқ кулгига сабаб бўлади»². Бугина эмас, «Тарих»да комедияда ижобий қаҳрамонлар марказий ўринда туриши, салбий қаҳрамонлар - Ҳолнисо билан Ҳамробуви тимсолида эскилил сарқитлари кулги остига олинганлиги бот-бот таъкидланади. Пьеса қаҳрамонлари ўтмиш сарқитларидан кулаётганида, бу сарқитлардан кулиб қутилаётгани айтилади. «Тарих»да яна шуларни ўқиймиз: «Фақат улар эмас, пьесани саҳнада кўрган минг-минглаб томошабинлар ҳам эскилил сарқитларини ўзига номуносиб билиб кулади, ўтмишдаги урфодатлар, таассублар билан кулиб сра очиқ қиласи. Комедиядаги кулгининг foявий мазмуни ва тарбиявий аҳамияти ҳам шунда» (88-бет).

Очиғи, мен ҳам бир вақтлар «Шоҳи сўзана»даги кулгининг моҳиятини, foявий мазмуни ва тарбиявий аҳамиятини айни шундай — эскилил сарқитларини ўзида таш, вчи

¹ Озод Шарафиддинов. Абдулла Қажхор. Т. 1988, 194-195-бетлар.

² Ўзбек совет адабиёти тарихи. III том, 1-китоб, Т., Фан, 1972, 84-бет.

Ҳамробуви ва Холнисолар сингари «ҳаётдан орқада қолган», «қолоқ» кампирлар устидан кулиш ва улар билан «ора очиқ қилиш»да деб билганман. Лекин мени асаддаги бир ҳолат ҳамиша таажжубга солар ва бу сирнинг тагига етолмай ҳайрон бўлардим.

50-йилларнинг бошларида Конибобдом педбилим юргида ўқиб юрган кезларим адабиёт ўқитувчимиз — аломат, талабчан, фидойи инсон Жўнайдилла Сангинов ташаббуси билан «Шоҳи сўзана»ни талабалар ижросида саҳналаштирадиган бўлдик. Тажриба ўрганиш мақсадида Қўйқон театрига ҳам бориб келдик. Менга — Одилов, тенгдош курсдош дўстим — кейинчалик яхшигина болалар шоири бўлиб етишган Олтмишбой Ўсаровга Дехқонбой ролини ижро этиш насиб этди. Пъеса шаҳар клубида бир неча бор намойиш этилиб катта шов-шуввларга сабаб бўлди. Қизиқ бир ҳол, олқишлигарга сазовор бўлган пъесада мен ҳам, Олтмишбой ҳам негадир ўз ролимиздан қаноат ҳосил қилмадик. «Қаранг, - дерди Олтмишбой таажжубланиб, - энг зўр кишилар ролини — партком Одиловни Сиз, комсомол, фронтовик Дехқонбойни мен ўйнасанму улоқни қаёқдаги қаланги-қасанги, қолоқ кампирлар — Холнисо билан Ҳамробувилар олиб кетса-я!..»

Эҳтимол, мен ҳам, Олтмишбой ҳам ўз ролимизни эплаб ўйнолмагандирмиз, бироқ Холнисо билан Ҳамробувиларни ўйнаганлар ҳам «актёрик маҳорати» бобида биздан унча ортиқ эмас эдилар.

Орадан ярим асрдан мўлроқ вақт ўтиб, унча-мунча оқкорани таниб, адабий-танқидий тафаккурдаги эврилишлар силсиласини сарҳисоб қилиб «Шоҳи сўзана» довруғи сирлари унинг илгор замондошлар, комсомол, партия раҳбар ходими образини яраттанилигига, одамларнинг чўлни ўзлаштиришдаги шижоатида, асарнинг «қаҳрамонлик комедия»си эканлигига, ҳаётдан орқада қолган, «қолоқ» кимсалар устидан кулиб, ўз ўтмиши билан хайрлашаёттанида эмас, балки айни ўша «қолоқ» кимсалар сиймосида тажассум топган миллатнинг менталитетида, унинг табиати — бор бисоти, улуглиги ва ожиз томонлари, ўйлаш, фикрлаш тарзи, самимияти фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатилганида экан.

Кампирларнинг барча кулагили хатти-ҳаракатларини «қолоқдик», «ҳаётдан орқада қолиш» деб талқин этиш

ўринли эмас. Чунончи, комедияда шундай эпизод бор: Ҳафиза билан Деҳқонбой мажлисга бирга кетаётганларида Ҳамробуви Деҳқонбойни «бир оғиз гапим бор» деб тўхтатади, «Тўйсиз, никоҳсиз, бир эшиқдан чиқсаларинг эл-юрт нима дейди?» дея ёшларни шарм-ҳаёга ундаиди. Бу ҳолат «Тарих»да шундай талқин этилади: «Томошабин ҳам Ҳамробувининг эл-юрт нима дейди?» қабилидаги эски тушунчалари устидан маза қилиб кулади» (85-бет). Хўш, бу ўринда Ҳамробувининг ёшларни шарм-ҳаёга чорлаши нега энди кулгили «эски тушунча» саналаркан?! Бу ердаги кулгининг асл боиси шундаки, соддадил Ҳамробуви ёшларнинг «тўйсиз, никоҳсиз бир эшиқдан чиқиши»ни одобсизлик деб билади-ю, улар кўча-кўйда, турли тадбирларда ҳамиша бирга эканлиги билан иши бўлмайди. Онажонларнинг «қолоқлик», «эскича тушунча» бўлиб туюлган аксар гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, қирқ йиллик турмуш, қўшничилик, «номоз ўқимаса ҳам жаннати одамлар» бўлган эрлари ҳақидаги хотиралари ажиг самимият, теран инсонийлик туйғуси билан йўғрилган. Жамики ожиз, кулгили жиҳатлари билан улар ўз қадри, шаънини баланд тутадиган асл ўзбек аёлларидир. «Ўткан кунлар»дан, Ўзбек ойимдек ноёб кишисидан маҳрум этилган ўзбек томошабини гўё Ҳолнисо ва Ҳамробувилар тимсолида йўқотган бисотини топгандай, маънавий ташналигини қондиргандай бўлди. Айни ўша онажонлар тимсолида XX асрнинг талотумлари гирдобида ўзлигини, шаънини, қалбини сақлаб қолган ҳақиқий ўзбекни кўрди ва уларга қойил қолди.

«Шоҳи сўзана»да Қодирийнинг тажрибаси янгича кўринишда давом эттирилди. Ҳолнисо ва Ҳамробуви, улар орасидаги баҳслар, ўзаро ўткинчи низолар, уларнинг ўзгаларга, фарзандларига муносабати, билиб-бilmай ёшлар майлига, йўлига тўғаноқ бўлишлари – булар худди «Ўткан кунлар»дагидек ҳам ажиг бир ардоқ- меҳр, ҳам киноякесатиqlарга тўла қаҳдорона юмор билан йўғрилган. Адабиёт замондошларнинг куруқ савлат, рекламадан иборат сўхтаси совуқ «ижобий қаҳрамонлар» билан тўлиб-тошиб кетган бир даврда – XX асрнинг 40-50-йиллари миёнасида Ҳолнисо ва Ҳамробуви сингари «ижобийлик» ва «салбийлик» қолилларига сифмайдиган, мусбат ва манфий, улуғ-

вор ва ожиз жиҳатлари билан гавдалантирилган бундай ўта ҳаётий-миллий образлар билан учрашиш томошабин-китобхон учун ўзига хос бир байрам бўлди. Қахҳор умрининг охиirlарида яраттан «Аяжонларим» комедиясида ҳам айни шу тажрибани давом эттирди, асардаги Бўстон она образи адебнинг сўнгти бадиий ютуғи бўлди.

«Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойимдан бошланган ажойиб бир адабий анъана Қахҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Аяжонларим» комедияларидағи Холнисо, Ҳамробуви, Бўстон образлари оша 70-йиллари Сайд Аҳмаднинг «Келинлар қўзғалони»га ўтиб Фармон биби тимсолида яна жаҳоншумул обрў-эътибор топди. Шу тариқа Қодирий ва унинг ижодий мероси қатағонга учраган замонларда Қахҳор унинг мўътабар анъанасини давом эттириш, қутлуг тажрибасини кейинги адабий авлод қўлига топширишдек савоб ишни адо этди.

Шуниси ҳам борки, «Ўткан кунлар»даги Ўзбек сийим, «Шоҳи сўзана»даги Холнисо, Ҳамробувилар ҳар қанча довруғли образлар саналмасин, улар эпизодик персонажлар эди. Уларнинг галдаги издоши Фармон биби комик саҳна асарининг бош қаҳрамони даражасига кўтарилди. Яна бир қизиқ ҳолат: Ўзбек ойим «Ўткан кунлар»нинг тўлиқ нашри орқали 1926 йили, Холнисо билан Ҳамробувилар «Шоҳи сўзана» орқали 1950 йили, ниҳоят Фармонибиби «Келинлар қўзғалони» комедияси орқали 1976 йили дунё юзини кўрганлар. Бинобарин, улар орасидаги масофа чорак асрни, умумий муддат эса ярим асрни ташкил этади. Улар тимсолида ярим асрлик миллий адабий тафакурдаги муайян силсилалар жараёнини кузатиш мумкин.

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласида «Ўткан кунлар»га ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ёндашиб, қатор персонажларни танқид остига олган ҳолда Ўзбек ойимни бутунлай ижобий баҳолайди. Озод Шарафиiddинов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Шоҳи сўзана» комедиясини Абдулла Қахҳорнинг ўша пайттacha ва ундан кейин ёзилган ҳамма йирик асарлари ичида энг омадлиси деса бўлади. Чунки бу комедия адолатсиз, тўқмоқли танқид ҳуружларига деярлик йўлиқмади, аксинча, у дунёга келиши биланоқ, жамоатчиликнинг илиқ муносабатини кўрди, кейинроқ, эса асарни жаҳонга танилган санъаткорлар ва

адабиётчилар қўллаб-жувватлагач, унга тош отишни мўлжаллаганлар ҳам анча ўйлашиб қолди.³

«Келинлар қўзғалони»нинг тақдири эса мураккаброқ кечди. Комедия муаллифи Сайд Аҳмад «Ҳурият» газетасининг 2001 йил 15-21 август сонида эълон этилган, кейинроқ «Киприқда қолган тонг» китобидан жой олган «Фармон биби қалъасига штурм. Большевиклар ололмаган қўргон» бадиасида «Келинлар қўзғалони»нинг машаққатли ва шарафли йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган, бош қаҳрамон Фармон бибини, умуман, бу комедия моҳиятини англаш бошда ниҳоятда мушкул кечганлиги, асарни саҳнага олиб чиқиши жараёни қанақа кескин курашлар орқали боргани айни шу бадиа орқали кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Қаҳрамон адабимиз бу ҳақдаги бор ҳакиқатни — комедия йўлига кимлар тўсиқ бўлганлигини ўзгаларга, ҳатто «Келинлар»нинг рақибларига ҳам малол келмайдиган бир тарзда ҳазил-мутоиба йўли билан дангал айтди.

«Келинлар қўзғалони»га, аввало, унда жиҳдий гап йўқ деган айб қўйилди, «тутуруқсиз, роясиз, ҳатто зарарли» асар деб баҳоланди. Марказком ходими авторга қаратса сурбетларча «Пъесани ёзишдан мақсадингиз нима? Мен тушунмадим» дея дарагадага қиласди. Унга жўровоз бўлиб гумроҳ кимсалар комедия муаллифи «Кекса онахонларимизни масхара қилиб кўрсатган», «Ҳукумат нега кампирларни масхара қиладиган театрга рухсат бериб қўйибди?», «Ҳамза театрининг куни майнавозчиликка қолган» дея таъна-дашномалар ёғдирадилар. Бунака гаплар секин-аста матбуот саҳифаларига ҳам чиқа бошлиди. Танқидчи Норбой Худойберганов «Литературная газета»даги комедия баҳсида «Келинлар қўзғалони» хусусида тўхталиб: «Комедия билан танишгач, биз драматург нега, қандай мақсадда, нима учун қўлига қалам олган экан, дея бош қотирамиз» дея ҳайрон бўлади. Мунаққид комедиянинг мақсади «маршал кампир» — Фармон бибини енгилгина танқид қилишдан иборат, деб билади, бу ҳол комик асар учун камлик қилишини айтади. Айрим ҳамкаслар Фармон биби образини бутунлай бошқача талқин этадилар, уни «Бой ила хизматчи»даги Ҳожи онага тақлид деб баҳолайдилар... Лекин ўша кезлари бирор кимса

³ Озод Шарафиддинов. Абдулла Қаҳҳор. Т., 1988, 193-бет.

бу аломат образнинг миллий адабиётимиздаги сарчашмали-ри – «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим, «Шоҳи сўзана»даги Холнисо, Ҳамробувилар билан муштарак жиҳатлари хусусида ўйлаб ҳам кўрмадилар. У ёғини суриштирасангиз, на А.Қаҳҳор, на Саид Аҳмад ҳам бу хусусда ҳеч нарса деган эмаслар. Эҳтимол, А.Қаҳҳор ҳам, Саид Аҳмад ҳам ўз комик қаҳрамонлари устида ишлаётганларида бу борадаги Қодирний тажрибасини хаёлга ҳам келтирмаган бўлишлари мумкин. Адабиётдаги ворислик ҳар доим ҳам онгли равишда эмас, беихтиёр тарзда содир бўлавериши мумкин. Ҳудди Ойбек каби Қаҳҳор билан Саид Аҳмадга ҳам Ўзбек ойим маъкул тушган, уларда яхши таассурот қолдирган бўлиши табиий; айниқса, юморга-ҳазилга, кулгига мойил ана шу икки ёрқин истеъзод ижодида Ўзбек ойим типидаги бетакрор ёрқин характерларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас.

Фармон биби образи асл моҳиятини Ҳожи она типидаги тимсоллар эмас, айни Ўзбек ойим, Холнисо, Ҳамробуви, Бўстон бибилар силсиласи орқали англаш, очиш мумкин. Фармон биби шу силсиланинг сўнгти энг юксак чўққиси бўлди. «Келинлар қўзгалони» дан сўнг шу типдаги онахонлар, «супер қайнана»лар образини яратишга уринишлар бўлди. Бироқ, ҳозирча, уларнинг бирортаси муваффақият қозонолмади.

Фармон биби хонадони ўзича «бир ҳукумат, ҳа, бир мамлакат», унинг «ўз пошшоси» бор; бу «хотин пошшо»нинг юрти». «Бу пошшоликнинг ўз қонуни, ўз урф-одатлари бор. Пошшо хотиннинг етти ўғил, етти келини, қирқ бир невараси бор. Жами бўлиб бу уйда эллик олти киши туради». Эллик олти жоннинг барчаси пошшо хотин – Фармон бибининг амри билан иш тутади.

Бу улкан оиласининг ҳаёт тарзи билан танишар экансиз, гаройиб ҳолатта тушасиз. Фармон бибининг оиласидаги ҳукмронлиги Ҳожи она салтанатидан тубдан фарқ қиласди. Ҳожи она вужудидан қабоҷат, мутаассиблик, шафқатсизлик ёғилиб туради. Унинг хатти-ҳолати, гап-сўзларида самимиятдан асар ҳам йўқ. Бу хонадон қабоҷат ва инсоний фожиалар уяси. Фармон биби оиласи қаттиқўллик билан мустаҳкам интизом ўрнатишга интилар экан, ўзаро ишонч, иноқлик бўлиши, ҳар бир оила аъзосининг ҳалол яшаши ва ишлапши учун қайфуради. Фармон биби оиласи бамисоли ҳалоллик

ва тартиб-интизом қалъаси, Фармон биби эса шу қалъанинг посбони. Бу қалъага гоҳо фирромлик, нопоклик, тартиббузарлик, ичкилиқбозлиқ иллатлари ҳуруж қиласди. Фармон биби эса бундай ҳуружларни қатъий туриб даф этишга эришади.

Фармон бибининг «ўз пошиполиги» доирасида олиб борган сиёсати ҳаммага бирдек маъкул тупшиши мумкин эмас, албатта. Ҳусусан, оилага янги келган кичик келин – ўта замонавийлашган қиз Нигорага бу хонадон оддий «уй эмас, турма» бўлиб туюлади. Кичик келиннинг овсинларига қарата айтган мана бу сўзлари уларни ўйлантириб қўяди: «Ахир, ўзинглар ўйлаб кўринглар. Меҳмонга боролмасак, меҳмон чақиролмасак, хоҳлаган кийимимизни кия олмасак, кўнглими тусаган овқатни пишириб ея олмасак. Кино-театрларга бориш у ёқда турсин, уйимиздаги телевизорни фақат «Оталар сўзи, ақлнинг кўзи» бўлганидагина кўрсак...»

Бунақа баҳс-мунозаралар томошабинлар даврасига ҳам кўчиши турган гап. Боя эслатилганидек, Фармон бибининг хатти-ҳаракатлари баъзи бирорларга Ҳожи онани эслатса, бошқаларда бутунлай ўзгача таассурот қолдиради. Муаллиф бадиасида эслатилганидек, пъесани томошаш қилган қайноналар «Нимаси ёмон, ҳаммаси тўғри! Оила бир қўлда бўлса, нимаси ёмон?!» комедия муаллифи «доно ўзбек онасини улуглаган!» дейишган. Келинлар эса: «Менинг ҳам шунақа қайнонам бўлса жон-жон дердим! Ишдан келсан овқатим тайёр бўлса, болаларимдан кўнглим тўқ бўлса, ҳатто шиппагимни ҳам яматиб қўйса, бозорга бормасам. Пайпоқдан тортиб ич кўйлаккача ўзи опкелиб берса! Бунақа қайнонани қаёқдан топасан?!» дейа Фармон бибининг ёнини олишган.

Қисқаси, Фармон биби «кескин танқид», «қоралаш», «фош этиш» принципи асосида яратилган Ҳожи она типидаги персонажлардан фарқли ўлароқ, табиатидаги кам-кўстлари, зиддиятлари, манфий ва мусбат, ожиз ва улуғвор жиҳатлари билан намоён бўлган чин ҳаёт одамидир. У оиласда ҳар қанча ҳукмбардор, ҳокиму мутлоқ тарзида кўринмасин, унинг табиатида Ўзбек ойимда бўлгани каби қандайдир гаройиб жозиба – самимият, адолат туйғуси мавжуд. Ҳудди Ўзбек ойим каби у ҳам бир вақтлар эрига ўткир бўлган. Юрса, ер титрайдиган, йўталса, дараҳтдаги кушлар пор этиб учиб кета-

диган, акса урса, осмонда момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақнайдиган одам — раҳматли эри Азим шер бўла туриб Фармон бибининг бир гашини икки қилган эмас. Ҳар куни эрталаб унга эгилиб салом берарди. Етти ўғлон, олти келини, набиралари унинг измидан чиқмайди. Мана энди кичик келин Нигора исёни туфайли оиласа ўрнатилган барқарор тартибот издан чиқаётган, бошқа келинлар ва ўғлонлар ҳам кенжак келин томонига ўтаётган экан, бошда Фармон биби буни ҳазм қилолмай тўлғонади, лекин бора-бора онги-қарашларида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Гарчи ўз жигарлари бўлса-да, уларнинг ҳар бири инсон, алоҳида шахс эканини, ўз майли, хоҳиш-истак, орзу-мақсадлари борлигини, ўз хоҳишича оила тутишга, яшашга ҳақли эканини англай бошлияди. Пировардида мардларча бу ҳақиқатни тан олади. У қанчалар ўжар бўлмасин, айни пайтда беназир танти бир инсон. Биргина мисол: Фармон биби дастлаб кенжак келиннинг беҳаё қилиқларини кўрганда ўз ўтмишини ёдга олиб: «Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта ҳам кундузи ўпмаганди. Болалар ухлагандан кейин, чироқни ўчириб кейин ўпардилар... Менинг уйимда бунақаси кетмайди. Кўрсатиб қўяман» дея ҳайқиради. Охир-оқибат мана шу «беҳаё» келин шўхликлари замирада ҳам самимият борлигига, у ҳам ўзича ҳақ эканига икрор бўлади. Нигорага қарата: «Кенжатойим Тўхтавойдан кўнглим нотинч эди. Ўлиб кетсан бу бўшашганнинг ҳоли нима кечади, дердим. Бахтимга сен учрадинг. Энди кўнлим тинч» дейди. Қисқаси, инсон зоти шунақа ношукур банда. Шоир айтмоқчи, чархи кажрафтторнинг шевасини, замона зайнини қарангки, «пошиб хотин»нинг эзгу мақсадлар йўлида қатъият билан олиб борган жонбозликлари тукъянларига ҳам ёқмайди, шу пайтгача бу аломат аёл ўғлон ва келинларини ўз чилдирмасига ўйнатиб келган бўлса, энди уларнинг чилдирмасига ўйнашга, улар қаршисида таслим, кулги-масхара бўлишга мажбур. Худди Дон Кихот каби жангда танҳо бу «пошиб хотин» охир-оқибат мағлуб. Бу умумбашарий трагикомедиянинг ўзгинаси.

Асарга ажиб файз, ўзгача руҳ бахш этган сехрли омил — айни шу: ҳам ўта миллий, ҳам умумбашарий кулгидир. Бу одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик, меҳр-мурувват туйғусини оширадиган, теран

инсонпарварлик туйгуси билан йўтрилган ҳаётбахш кулгидир. Айни пайтда одамни ўйга толдирадиган шўх ва ҳазин бир кулгидир. Биз саҳнада Фармон биби, унинг ўғиллари, келинлари хатти-харакатини кўриб-кузатиб кўздан ёш чиқар ҳолатда ҳандон отиб кулагиз ва театр залидан шу одамлар билан дўст, қадрдон тутиниб чиқамиз. Шу билан баробар танти, мағур, «пошто хотин»нинг марлуб ҳолатидан қисман ўкинамиз. Бугина эмас, агар синчилаб қаралса, асар фақат шу хилдаги шўх ва ҳазин ҳазил-мутобалардангина иборат эмас. Ўша ҳазил-мутобалар замирида авваллари биз пайқамаган жиддий маъно мавжудлигини — комедиядаги қувноқ ҳазил ва кулги билан йўтрилган ҳодисалар ифодасида асар ёзилган, саҳнага чиққан кезлардаги жиддий бир ҳодисага — барчани тенглаштиришга, одамларни бир қолилга солишга йўналтирилган сиёсатга — «совет ҳаёт тарзи» ва унинг инқирозига ишоралар борлигини ҳам кўриш қийин эмас.

«Келинлар қўзғалони»нинг шу каби биз билган ва билмаган фазилатлари беҳисоб. Комик тил, ифода бобида эса бу асар XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодиса. Йигирма чорли персонажнинг ҳар бири бошқасиникига ўхшамайдиган ўзигагина хос сўзлаш, фикрлаш тарзига эга. Танқидчилик хали бу асарнинг жаҳоншумул доврури сабаблари, сир-синоатини асар матни таҳдили асосида илмий қашф эта олгани йўқ. Лекин бир нарса аниқ: Қодирий бошлиб берган ўзбекнинг ўзлигини, миллий менталитетини, ғурури, шаънини улуглаш анъанаси комедиянинг бош қаҳрамони Фармон биби тимсолида ғоят ёрқин, жозибадор, бетакрор тарзда намоён бўлган. Бу ғаройиб адабий тимсол ўзбек миллий адабиётига ҳам, муаллифга ҳам катта обрў, шон-шухрат келтирди.

Комедия муаллифи бадиасида ёзганидек, Фармон биби қалъасига қилинган штурмларга қарамай, ғанимлар уни забт этолмадилар, илоҳий адолат, холис ниятли асл одамларнинг аралашуви, ҳимояси туфайли асар юзага чиқди, кенг жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлди, сал ғурсат ўтмай худди «Шоҳи сўзана» каби кўплаб ҳамдўстлик мамалакатлари саҳналарида қўйилди; Москвадаги кўрикда «мағкуравий-сиёсий юксак», «доҳий» образи яратилган жиiddий асарлар қолиб «ножиiddий» бу комедия катта соврин-

га сазовор бўлди, «Правда» газетаси уни юксак баҳолади. «Ишончсиз кимса», «халқ душмани» сифатида қоралангани учун умр бўйи хорижга чиқмаган адаб айни шу асар туфайли Хитойни, Американи кўриш шарафига мұяссар бўлди. Умри мاشаққатлар ичида ўтган адеб ҳәётининг энг қувончли күнлари шу комедия довруги билан боғлик. Бадиада муаллиф мамнуният билан шуларни ёзади:

«Тошкентда бир янгилик кутиб турганди. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида Уйғур автоном вилоятининг театри «Келинлар қўзғалони»нинг премьерасига чақирибди. Эртасига ёк йўлга чиқдим. Шу баҳонада Қашқар, Ўримчи, Гулжа шаҳарларини кўрдим. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Қорахонийлар давлатининг асосчиси Сўтуқ Буғроҳон ҳамда шайх Убайдуллоҳ Офоқ Ҳўжам мақбараларини зиёрат қилдим.

Уйғур санъаткорлари асарни жуда яхши саҳналаштирган эканлар. Хурсанд бўлиб қайтдим.


Ана шундан кейин турли мамлакат ва қардош республикалардан премьерага таклифлар кела бошлади. Лаос, Мўғалистон театрлари ҳам асарни ўз томошибинларига кўрсатиши. Грознийда Нуридинов номидаги Чечен-Ингуш театри билан Жанубий Осетия театрларидан ҳам таклифномалар келди...

Айниқса, олис Американинг Нью-Йорк шаҳридаги «Возрождение» театрида пьесанинг намойиш қилиниши мен учун етти ухлаб тушимга кирмаган, ҳатто орзу қилишим ҳам мумкин бўлмаган бир баҳтли ҳодиса эди. Нью-Йорк телевидениесида кўрсатилган рекламада «Бунт невесток» сўзларининг жаҳонга машҳур Озодлик ҳайкали атрофида айланиши ва унда менинг ҳам номим ёзилганини кўриб ҳаяжонланиб кетдим»⁴.

Асл илдизлари миллий қадриятимизнинг нодир сарчашмаларига бориб туташдиган, миллат ўзлигини, гурурини, кучли ва заиф жиҳатларини, миллатнинг ўзига ҳам, жаҳонга ҳам кўз-кўз қила оладиган довругли асарлар, адабий қаҳрамонлар адеб учун ҳам, миллий адабиёт учун ҳам катта баҳт, омад. Қодирий фақат шундай нодир қаҳрамонлар образини яратиш билан баробар бу борада издошларига

⁴ Сайд Аҳмад. Киприқда қолган тонг. Т., «Шарқ», 2003, 311-бет.

омад, янги бадиий кашфиётлар эшигини очиб берган беки-
ёс саҳоватли сиймодир



ЖАҲОН ЯНГИ ШЕЪРИЯТИГА ҲАМОҲАНГ ТАРОНАЛАР

Биламизки, ўтган асрнинг 90-йиллариға қадар шўро даври шеърияти, биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жиҳатдан тадқиқ этилар, улкан шоирларнинг хизмати асосан ижтимоий-сиёсий, мафкуравий масалаларни қандай ифода этганлигига қараб баҳоланарди; сиёсатдан, мафкурадан ҳоли «соф лирика» ҳаётдан, ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш, шоирнинг ўз қалби қобигига ўралиб қолиши оқибати дея баҳоланар, кескин қораланар эди; зўр келганида инсофли, билимдан тадқиқотчи-адабиётшунослар бундай «соф лирика» намуналари ҳақида индамай ўтишни лозим кўрарди. Ҳолбуки, бу хил «соф лирика» XX аср жаҳон адабиётшунослигида шеъриятнинг энг нодир намуналари, шоир қалби гавҳарининг жилолари сифатида қадрланган. Биздаги энг машҳур дидли шеършунослар ҳам шеъриятни, лирикани Белинский часига мафкуранинг тарғибот куроли деб қарашдан нари ўтолмаган. Қарангки, мустабид адабий сиёсат авжига чиққан, адабиёт, жумладан шеърият коммунистик мафкуранинг жарчисига айлантирилган, сўз санъати ҳаддан ташқари сиёсатлаштирилган, мафкуралаштирилган, Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, адабиётнинг атомдан кучлироқ қудрати «ўтин ёришга» сарфланган ўтган асрнинг 20-30-йиларида ўзбек адабиётида ҳам XX аср жаҳон шеъриятига ҳамоҳанг «соф лирика» яратилган. Истиқдол шарофати туфайли ана шу тоят муҳим адабий ҳодисани тадқиқ этиш, ҳаққоний баҳолаш имконияти турилди. Ёш истеъдодли шоир, носир, мунаққид Улугбек Ҳамдам ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб буюк ва хассос шоир Ойбек ижоди, шеърияти мисолида айнан шу «соф лирика» муаммосини маҳсус илмий тадқиқ этди.

Бундай савоб ишни бизда «руss революцион демократ» мунаққидлари эстетикаси асосида шакланган шеършунослик анъаналари мезонлари бўйича амалга ошириш асло мум-

кин эмас зди. Бунинг учун башарият маънавий-адабий тафаккурида алоҳида босқич саналган XX аср жаҳон янги фалсафаси, руҳшунослиги, эстетикаси, адабиётшунослиги, табиийки, санъат ва адабиёти ривожи ютуқлари билан ошно бўлиш даркор эди. Ўзимизда ва хорижда яхши таълим олган Улугбек бу соҳага даҳлдор мавжуд адабий-илмий манбаларни чуқур ўрганиб, улардаги хуносалардан ўз тадқиқотида ижодий фойдаланган ҳолда Ойбек шеъриятидаги «соф лирика» муаммосини ўзига хос тарзда илмий ҳал этишга муваффақ бўлди; нозик ва теран таҳдиллар асосида XX аср жаҳон шеъриятига хос «соф санъат» акс-садоси Ойбек лирикасида бетакрор тарзда намоён бўлгандигини исботлаб берди.

Очигини айтай, Улугбекнинг илмий ишига раҳбарлик қилиш асосида менинг янги ўзбек шеърияти, Ойбекнинг поэтик мероси ҳақиқидаги тасаввурларим бутунлай ўзгариб кетди. Мустабид тузумнинг мағкуравий-сиёсий тазииклари остида ижод этган ёрқин истеъодли сафдошлари қатори Ойбек ижодида ҳам бу мудҳиш сиёсат таъсири ўз асоратларини қолдирган. Муайян муддат Маркс таълимотига ихлос кўйиб «Капитал»дан таржималар қилган, университетда сиёсий иқтисад, марксизм-ленинизм асослари курсидан маърузалар ўқиган, шеърларидан бирида «Буюк Маркс «Капитал»и ёш юрагимда, Янги ҳаёт, эрк диёри ишқи кўксимда» деб ёзган шоир тарихий ҳақиқатни бадиий ёритишида «синфиийлик-партиявийлик» принципларига таяниб иш кўрган ҳоллари ҳам бўлган. Бу ҳол айниқса достонларида, хусусан, «Темирчи Жўра», «Ҳамза», «Бобом» поэмаларида яққол кўринади. «Темирчи Жўра» достонидаги инқиlobий руж, қаҳрамоннинг инқиlob душманларига қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалокати мадҳи, «Ҳамза» достонида шоирнинг Шоҳимардондаги ҳаёти, фаолияти, фожейи қисмати тасвири, «Бобом» достонидаги эски мактаб, домлаларнинг шўроча бирёқлама қора бўёқлардаги талқини мавжудлиги сир эмас.

Бу хусусда гап кетганда шахсан мен бунаقا ҳолатлар учун устоз адилларга, жумладан, Ойбекдек улуғ сўз устасига маломатлар ёғдиришдан ийроқман. Улуғ адиллар ҳеч қачон, ҳатто мустабид қатағон сиёсати қутуриб турган пайтларда ҳам унинг «темир исканжаси»да қолиб кеттан эмаслар. Улуғлар шунинг учун ҳам улуғки, улар бир мағкура — эътиқод, адабий оқим, метод доирасига сизмайди. Улуғ Ойбек мухит-

нинг «темир исканжаси»ни ёриб чиқиб ўлмас насрий, илмий, жумладан замонавий жаҳон шеъриятига ҳамоҳанг ноёб тароналар - «соф лирика»нинг беназир намуналарини қолдириганини учун ҳам улугдир.

Бошқа бир ёш тадқиқотчи Акбар Сабирдиновнинг «Ойбекнинг поэтик маҳорати» мавзудаги докторлик диссертациясига расмий оппонентлик қилиш чорида бу холосанинг ҳаққонийлигига яна бир бор икror бўлдим.

Ойбек шеърий ижодининг шаклланишида янги турк поэзияси асарлари таъсири катта бўлгани, бу асарлар ёш шоирни илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатгани тўғрисидаги ўз эътирофлари ҳам шўро даври адабиёт-шунослигига ўта эҳтиёткорлик билан шунчаки тилга олиб ўтилар ва ундан нарига ўтилмас эди. А. Сабирдинов «Буюк турк классиклари» ва бошқа манбаларга таянган ҳолда Ойбек шеъриятини янги турк поэзияси намуналари билан қиёсий ўрганиб Ўрхон Сайфий, Холид Фахрий каби шоирларнинг лирик соддалик йўлидаги тажрибалари, Яҳё Камолнинг маснавиёна қофиялаш санъати, рамзий ифода ва образларнинг лиризм билан уйғунликда ифодалаш маҳорати, Тавфиқ Фикрат ва Зиё Кўкалл шеърларида туркий улуснинг гоҳ қайгули, гоҳ шонли тарихи, бирлиги рояларининг ўзига хос талқини ёш шоирни илҳомлантирганини ишончли далил ва нозик таҳлиллар орқали очиб беради. Айниқса, Абдуллақ Ҳамиднинг самимий кўнгли розлари билан Ойбекнинг «Онамнинг мозори» шеъридаги ҳамоҳанг мисралар, Зиё Кўкалпнинг «Ватан» шеъридаги «Бир ўлкаки, жамеъсида туркча аzon айтилур, қишлоқли ҳам англар бунда маъносини дуонинг. Бир ўлкаки, мактабида туркча Қуръон ўқилур. Катта-кичик ҳар кун билур буйругини худонинг. Эй турк ўли, шу ердадир демак сенинг ватанинг!» сатрларига татабобуъ тарзида битилган Ойбекнинг «Ўзбекистон» шеъридаги она юрт шаънига айтилган машҳур:

Бир ўлкаки, тупрогида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишлирида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соринар...
Бир ўлкаки, вайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

мисралари моҳияти, уларнинг ўзгача маъно, йўналиши, оригиналлиги нозик дид билан очилган.

Тадқиқотнинг Ойбек ва замонавий рус шеърияти намояндалари – А.Блок, В.Брюсов, Белгиянинг атоқли модернист шоири Эмиль Верхарн ижоди муносабатлари таҳдилига бағишиланган саҳифаси ҳам юксак илмий савиядада хасослик билан ёзилган.

Ойбекнинг замонавий турк, рус, белгия шеърияти билан алоқаларига оид кузатиш, таҳдиллардан чиқадиган мұхим хулоса шукки, янги ўзбек миллий шеърияти 20-йилларнинг бошиданоқ замонавий жаҳон модерн шеърияти билан ҳамкорликда ривожланган, ўша кезлардаётқ замонавий жаҳон шеъриятининг, хусусан, символизмнинг етук намуналари билан беллаша оладиган асарлар (масалан, «Наъматак») яратишига эришган.

Шу ўринда яна бир мұхим фактга эътиборни тортмоқчиман: Таниқли носир ва адабиётшунос олим Хуршид Дўстмуҳаммад «Озод изтироб қувончлари» китобида Ойбекнинг «соф лирика» – дилбар рубобий шеърларини япон адаби Акутагаванинг бир асари билан қиёсий таҳдил этиб, улар орасыда фавқулодда муштаракликлар борлигини аниқлайди. Деярли бир даврда яшаб ижод қылган икки Шарқ адабиёти намояндасининг бир-бирларидан мутлақо бехабар ҳолда яратган асарларида бир-бирига яқин янгича модернча лирик талқинларнинг мавжудлиги ҳайратомуз ҳодиса! Бу ҳол янгича модернистик тафаккур XX асрнинг мұхим глобал ҳодисаси эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу гаройиб ҳодисани маҳсус ўрганиш адабиётшунослигимизнинг ҳозирги кундаги жиiddий вазифаларидан бири деб ўйлайман!



ҲАҚ СЎЗНИНГ КУЧИ

Бундан роппа-роса 36 йил муқаддам 30 минг нусхада чоп этилган «Ёшлилар билан сұхбат» деб аталған жаражигигина китобча ҳам ўша кезлари күплаб ҳаққоний асарлар сингари тоталитар режимнинг қаҳрига учраган, китоб дўконларига чиқиши биланоқ ყифишириб олиб мавҳ этилган, китобчага мұхаррирлик қылган Озод Шарафиддинов, унга сўз боши ёзган Матёқуб Кўшжоновдек атоқли мунақ-

қидлар, нашриёт редактори ёш истеъодди ёзувчи Ш.Холмирзаев "қора рўйхат"га тиркалган эди. Шунга қарамай китобчанинг ҳақ сўзга чанқоқ китобхонлар кўлига теккан озгина қисми республика бўйлаб яшин тезлигида таркалан, яширин ҳолда қўлма-қўл ўқилган эди.

Бугунги китобхон ушбу-китобчани қўлга олиб, мутолаа қилиб нима сабабдан у таъқиб остига олинганини билолмай ҳаёрон бўлиши, "Унда бугунги китобхон учун фавқулодда ҳоллар, "рамкадан ташқари" гап-сўзлар йўқ-ку! Ёзилган, айтилганларнинг барчаси ҳақиқат, бор гаплар-ку" дей ажабланниши мумкин.

Ҳа, бутун фожия шундаки, ўша кезлари оддий гапларни, бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш ниҳоятда мушкул бўлган, ҳақ сўзни айтиш бамисоли жаллод кундасига бошни қўйиб бериш билан баробар эди. Ана шундай машъум замонда китобча муаллифи довюрак адаби Абдулла Қаҳҳор "культ даври", яъни мустабид тузум адабий сиёсати, ўша йиллардаги адабий муҳит ҳақида мардона туриб бор гапни дангал айта олди. Унингча, культ даврида бутун пропаганда қуроли, жумладан, адабиётнинг ҳам ҳар бир сўзи доҳий ва доҳийчаларнинг ҳамма қилимиши, ҳар бир сўзи тўғри ва оқилюна эканини тасдиқ ва исбот қилиши талаб қилинадар эди; шу қолипда ёзилган асарлар нақадар ғариб ва нотавон бўлмасин, баъзан расмий доира ва доирачаларнинг таҳсинига сазовор бўлар, адабиётга машъъал қилиб кўтарилар эди. Шунинг учун ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига юзма-юз келишидан мумкин қадар қочишга, бу ҳақиқатта лоақал ёнбошдан қарашга, ўшанда ҳам кўзи тушганини ўз ҳолича эмас, бўяб кўрсатишга маҷбур бўлар эди. Культ даврида ҳаётимиздаги иллатлар ҳақида минг мулоҳаза билан айтилгани ярим, ҳатто чорак ҳақиқат ҳам "типик эмас", "сиёсий хато", "душман тегримонига сувкуйиш", "пасквиль" ва ҳоказо ҳисобланар эди.

Бу гаплар Сталин вафотидан сўнг 60-йилларнинг бошлирида, мустабид тузум сиёсатида нисбатан юмшали юз берган бир даврда айтилган. Муаллиф ўша машъум сиёсат ҳамон давом этаётганини таъкидлаб мана бундай дейди: "Культ давридаги ваҳимачилиқдан ҳаигуз қутимаган шубҳа баандалари тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, ҳидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан албатта нуқсон топишни, ло-

ақал асарни шубҳа остига қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гаплар айтиб, мишишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди. Бу хилдаги шубҳа бандалари учун ёзувчи уларнинг ҳукмларини кутиб қора курсида ўтирган гуноҳкор, китобхон, томошабин эса боғча ёшидаги болалар..."

Китобчада мустабид тузум адабий сиёсатининг авра-астарини очиб ташлайдиган, бу хилдаги топиб айтилган, айни нишонта бориб тегадиган образли, тагдор, залворли гаплар, лавҳалар тўлиб-тошиб ётибди. Яна айрим мисоллар. Ёзувчи шундай лавҳани ёдга олади:

"Болалигимда бир картина кўрган эдим, Бош ролни Чарли Чаплин ўйнаган эди, шекилли. Қаҳрамон ношуд-нотавон - ҳеч ишга ярамайди. Нихоят, бир қариндоши уни ўт ўчириш командасига ишга олади.

- Бу ерда нима иш қиласман? - деб сўрайди қаҳрамон.

- Мана бу шланг, - дейишади унга, - қаерда ўт ё тутуни кўриб қолсанг, дод солиб, сув сепаверасан.

Қаҳрамон шу ишга ярайди, лекин унинг олдида на чироқ ёқиб бўлади, на папирос чекиб - дод солиб сув сепаверади".

Энди мана шу кулагили, истеҳзоли лавҳадан чиқарилган хуласага қаранг:

"Фаросатда шунга тенг келадиган бақироқ нотиқ, бақироқ танқидчидан худо сақласин!" Киноя-кесатиклар билан йўғрилган бу сўзларни ўқиб ўша давр адабий ҳаётининг кулагили ва аянчли манзараси шундокқина кўз олдингизда намоён бўлади.

Ёки адабининг "Евтушенко сингари шоирлар, ёзувчилар кўнглида борини айтиётиди, холос, шунга мунча шовқин? Ахир булар кесак эмас-ку, ўт чиқса нима қилти!" деган сўзлари мустабид адабий сиёсат дарғаларини бамисоли яшин чатнаши, момақалдироқ гулдуроси каби титратгани, вахимага солгани турган гап!

Нихоят, ёзувчи адабиёт ҳақидаги энг асосий, бош галини айтади: "Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас". Бу айни ўз даврида айтилган гап! Шўро замонида аксар ҳолларда сўз санъатининг атомдан курдатлироқ кучи ўтин ёришга, арзимас майдачуйда юмушларга сарф этилди. Китобчада бунинг ўнлаб, балким юзлаб далил-исботлари келтирилган.

Кейинги йилларда шўро даври адабиёти, адилари ижодий мероси, уларнинг миллий адабиётимиз ривожидаги хизматлари теварагида қизғин баҳслар бўлди, бу хил баҳс-мунозаралар ҳамон давом этяпти. Бутунлай инкор руҳидаги қарашлар билан баробар, ўшандай таъқиб, тазиик, қатагонлар замонида ҳам адабий жараён давом этгани, кўп асрлик миллий адабиётимиз янги бир босқичта кўтарилгани эътироф этилмоқда, бироқ кўп ҳолларда бу ҳақиқат аллақачон кашф этилганлиги, қирқ йиллар бурун мазкур китобча муаллифи томонидан бу фикр айтилганлиги унтиляпти. Адабий жамоатчилик томонидан яқдиллик билан сўз санъаткори, янги ўзбек адабиётининг классикларидан бири, оқсоқол устоз адаб сифатида эътироф этилган Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи ва тенгдош-сафдошлари ҳақидаги мана бу мардона сўзларни эшигинг-а: "...мен оқсоқсол ёзувчилардан бўлганим билан ҳозирги ёшларга ўрнак-таълим бўладиган зўр асар яратганимча йўқ. Шу гапни ҳамма оқсоқсол ёзувчilar тўғрисида ҳам айтсан бўлар, ҳеч ким: "Мени мустасно қилиш керак", демас".

Дарҳақиқат, бундай мардларча эътирофларни ҳеч ким инкор этолмайди, шўро замонида яратилган, давр синовларидан омон-эсон ўтган деярли барча "егук асарлар"да ҳам қандайдир даражада давр зугуми асоратлари бор. Шунга қарамай, адабнинг таъкидлашиба, оқсоқсол ёзувчиларимиз катта иш қилишди: рус ва ўзбек классик адабиёти, халқ адабиётидан баҳра олиб, умуминсоний ғоя билан қуролланиб ҳозирги янги адабиётни яратди. Яхши, катта адабиётимиз борлигини, ривожланаётганигини дўстларимизгина эмас, касб-кори бизни ёмонлаб нон тоғадиган душманларимиз ҳам тан олди... Лекин ҳозирги адабиётимиз нақадар яхши, нақадар катта бўлмасин, келажакда яратиладиган буюк ўзбек адабиётининг пойдевори, фақат пойдевори бўлиб қолади...

Миллий адабиётимизнинг яқин ўтмиши, ҳозири, келажаги хусусида ҳозирча ҳеч ким бундан ошириб айтилгани йўқ.

Китобчадан жой олган нутқ, мақола, сұхбат, тақриз ва ёзишмаларнинг бошқа жиҳатлари, қатор фазилатлари, хусусан адабнинг ёш ижодкорларга жонкуярлиги, бенихоя улкан қалб саҳовати, устоз деган унвонга лойиқ дошишманлиги, ибрати академик Матёкуб Қўшжоновнинг кириши сўзида батафсил ёритилган. Уларни тақрорлашга ҳожат

йўқ. Мен бу ўринда адабий жамоатчилик эътиборини дол зарб бир муаммога тортишни истардим.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёт ва адабиёт ҳақиқидаги қоғозга тушмаган юят ноёб гапларини эшитганлар бор. Қаҳҳор вафотидан сўнг, мана, салкам қирқ йилдирки, ҳар йил адаб туғилган 17 сентябрь куни у яшаб ўтган хонадонда яқин дўстлари, шогирдлари, ижоди мухлислари тўпланиб, унинг ёрқин хотираси ёдга олинади, бири-биридан қизиқ ибратли воқеалар, адаб айтган фикр-мулоҳазалар, теша тегмаган, бутун бошли асарга тенг образли иборалари тилга олинади. Афсус, уларнинг аксарияти ўша давра - гурунглар доирасида қолиб кетмоқда. Уларни сиз адаб ҳақида ёзилган хотира, мақола, китоблардан, "Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотрасида" тўпламидан тополмайсиз. Биламизки, Ҳадис китобларидан тортиб, жаҳоннинг кўплаб донишмандлари ўтилари бизга Пайғамбаримиз ва улкан сиймоларнинг сұхбатдошлари хотиралари орқали етиб келган. Бахтимизга, Абдулла Қаҳҳор "саҳобалари"нинг аксарияти барҳаёт. Улар хотирасида яшаб келаётган адаб ўтиларини, афоризм даражасидаги образли ибораларни ёзиб олиб, тўплаб нашр этишдек савоб ишга кўл урадиган бир азамат қаҳҳоршунос майдонга чиқишини жуда-жуда истар эдим. Абдулла Қаҳҳор туғилган кунининг 100 йиллиги ҳам яқинлашиб келмоқда. Бундай китоб адабнинг қутгул тўйига энг муносиб совға бўлар эди.



ШОИРА ҲАЁТИДАН УЧ ЛАВҲА

Урушнинг охирги йили эди. Адабиёт ўқитувчимиз дарсни режадаги мавзу қолиб, «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърини ўқишидан бошлади. Синф сув қуйтандек жим, ўтирганларнинг кўнглида ҳаяжон, айримларнинг кўзида ёш. Сўнг домла асар муаллифи шоира Зулфия шеърининг ёзилиш тарихи, шоиранинг турмуш ўртоғи шоир Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафоти ҳақида сўзлаб берди. Ўша кундан бошлаб мен шоира Зулфия шеъриятининг шайдосига айландим, айниқса, ўз қалби гавҳари изҳори — ҳижрон ва вафо изтироблари қаламга олинган галдаги ҳар бир шеъри би-

лан танишиш шоиранинг кўплаб муҳлисралари қатори мен учун байрам бўларди. Мунаққидлик ҳунарини озми-кўпми эгаллагач, кўнглимдаги ўша түғёнларни қофозга туширишга шайланар эдиму Зулфия опанинг салобатлари босиб, бунга журъат этолмас эдим. Ниҳоят, шоира қалб гавҳари розларининг сўнгти ва энг авжи – «Хотирам синиклари» достони пайдо бўлди. Энди у ҳақда ёзмасликнинг иложи йўқ эди. Мақола ёзилди, афсус, шоира ҳаётлигида эмас, вафотидан сўнг «Бақо бўсарасидаги нидо» сарлавҳаси остида матбуотда зълон этилди.

Зулфия опа ҳақидаги хотираларимдан айримларини, аниқроғи, учта лавҳани сўзлаб ўтсан.

Биринчи лавҳа: 1965 йили Зулфия туғилган куннинг 50 йиллиги олдидан шоира таълим олган хотин-қизлар билим юртида у билан адабий учрашув ўtkазиладиган бўлди. Опанинг таклифига кўра, устоз Озод Шарафиддинов бошчилигидаги бир гурӯҳ ижодкорлар қаторида мен ҳам тантанада иштирок этадиган бўлдим. Ўша кезлари номи Бутунитти-фоқ, балким жаҳонда машҳур шоиранинг билим юртида ўзини тутишини – бу қадар камтарлик, хокисорликни кўриб лол бўлиб қолдим. Опа билим юртига қадам қўйишлари билан тантана ўtkазиладиган залга эмас, ўзи ўқиган аудиторияга олиб киришларини илтимос қилдилар. Собиқ курсдошлари, муаллимлари қуршовида аудиторияга кириб, бир вактлар ўзи ўтирган партани бехато тоғдилар ва у ерда туриб устозларига «келин салом» – таъзим бажо келтирдилар. Тантана залига кирганда эса устозларининг барчаси зал тўрига ўтмагунча, у ерга чиқмайман деб туриб олдилар. Шоира айттандай бўлди, унинг устозлари даврасида яйраб, эркатой бўлиб ўтириши маросимга ажиб файз, завқ-шавқ баҳш этди. Бунақасини биринчи кўришим эди.

Иккинчи лавҳа: Орадан бир йил ўтиб нашриётда «Тирик сатрлар» мажмуаси қўлёзмаси муҳокамасига тўпландик. Директор хонаси иопиirlар, ижодкорлар билан тўла. Таниқли адиблар қатори Зулфия опа ҳам муҳокамада иштирок этдилар. Чўлпон теварагидаги ҳадик ҳали авжида бўлган ўша кезлари «Тирик сатрлар» муносабати билан опанинг у ҳақда айтган сўзлари бамисоли момақалдироқ каби ўтирганларни ларзага солди. «Чўлпон «Тирик сатрлар»дан жой олган шоирларнинг барчасидан баланд туради, –

дэя мардона сўзини бошлади опа ва давом этди. — Чўлпон ўз номи билан тонг юлдузи, у чинданам янги ўзбек шеъриятининг юлдузи. Уни «Тирик сатрлар»даги шоирлар қаторига қўйиш тонг юлдузини кўқдан ерга тушириш бўлмасмикин... Мен Чўлпон шеърларини алоҳида китоб ҳолида чиқиши тарафдориман».

Бу ўша пайтда чиндан ҳам буюк жасорат эди!

Учинчи лавҳа: 1995 йил авжи баҳорида Тошкент Аграр университетида шоира туғилган куннинг 80 йиллигига бағишиланган байрамона адабий анжуман уюштирилди. Университетнинг улкан мажлислар залини тўлдириб ўтирган талабалар, профессор-ўқитувчилар қаршисида давлат, жамоат арбоблари, олимлар, талабалар, машхур актёrlар бирма-бир минбарга кўтарилиб дил сўзларини айтишмоқда, саксон ёшлиқ пири бадавлат онакон шоирамиз ўзбекона одоб-тавозе билан ўз шаънига айтилган дил сўзларини тинглаб мамнун ҳолда ўтирибдилар. Нихоят, каминага сўз берилди. Мен асосан шоиранинг яқиндагина «Халқ сўзи»да эълон этилган «Хотирам синиқлари» достони хусусида гапирдим, аср сўнгида яратилган бу достон шеъриятмизнинг жиддий ютуғи эканини айтиб, уни ўқув дастурига киритишга розилик беришларини илтимос қилдим. Опа қўлларини кўксига қўйиб рози эканликларини изҳор этдилар. Шундан сўнг достон олий ўқув юртлари адабиёт дастури ва дарслигидан муқим ўрин олди.



СОКИН КЎНГИЛ РОЗЛАРИ

Ўтган аср 60-йилларининг охирлари, зилзиладан сўнг талабалар шаҳарчаси биқинида университет домлалари учун қурилган бинодан оиласизга ажратилган жонага яқиндагина кўчиб борганмиз. Шу орада қадрдоним Маҳмуд Саъдий тўлдан келган ўртабўй бир йигитни бошлаб келди. «Танисангиз керак, талабангиз Тогаймурод Ментноров, журналистика бўлимида ўқийди, ҳикоялар ёзади», — дэя таништирди ҳамроҳини. Дарҳол танидим, у ўқийдиган гуруҳга «Эстетика ва адабиётшунослик асослари»дан дарс берганман. Эсладим: бу йигит дарсларда доимо хаёл суриб, ниманидир шивирлагандай

ўзи билан ўзи овора жимгина ўтирас, дарсда бирор марта ҳам савол берганини, баҳс-мунозараларга аралашганини билмайман. Ниҳоят, синов вақти келди, билетда қўйилган саволлар бўйича шунаقا булбулигўё бўлиб гапира кетдик, лол бўлиб қолдим, ҳатто мен кўрмаган, тавсия этмаган асарларни ҳам ўқигани малум бўлди. «Ука, шунча нарса билар экансиз, нега семинар дарсларида бирор калима ҳам сўз айтмадингиз?» десам «Характерим шунаقا» деб кўя қолган эди.

Меҳмонларни ичкарига таклиф қилдим. Стол теварагида чойхўрлик, қизғин гурунг бошлианди. Маҳмуджоннинг таклифи билан Тогай Мурод «Заранг таёқ» деб аталган янги ҳикоясини ўқиди. Ҳикояда кексайиб қолган чўпон ва унинг ўрли ҳақида гап борар, ота кўлидаги заранг таёқни кимга топширишни билмай хуноб, замона ёшлиари, жумладан, ўғли «подачи» бўлишидан ор қиласи, бу ҳол қарияни изтиробга солади. Талаба ёшидаги ҳаваскор ёзувчидан бундоқ «тайёр» асар камдан-кам ҳолларда чиқади. Ҳикоядаги ўта ҳаётий, табиий, таъсиричан лавҳалар Маҳмуджонни ҳам, мени ҳам ўйлатиб қўйди, ҳар иккимиз ҳам у ҳақда илиқ гаплар айтдик. Тогай Мурод эса мақтov сўзларимизга парво ҳам қилмай, шундай бўлишини билгандай индамай ўтиради. Орадан кўп ўтмай ҳикоя қайсиdir журналда чиқди. Асар матни кейинчалик ёзувчининг «Момо ер кўшиғи» қиссасига бир оз ўзгартиришлар билан киритилди.

Одатдагидек, гурунг охирида дастурхонга опп тортилди. Девзира гуручдан манқалда тайёрланган қип-қизил фарғонача паловдан татиб кўргач, «Палов пиширишни асли фарғоналикларга чиқарган» деб қолди. Мен ҳам ўз навбатида «Тандир кабобни эса сурхондарёликларга чиқарган» деб жавоб қилдим. Кулишдик. «Сурхондарёдан бўлсан ҳам чойхона паловни хуш кўраман, асли аждодларимиз фарғоналик-да» дейя илова қилди. Бу гап чинми ёки шунчаки кўнгил учун ҳазил тариқасида айтилдими — билолмай қолдим. Орадан чорак аср ўтиб ёзилган «Отамдан қолган далалар» романидаги энг нурли сиймо «Фарғоначи Жамолиддин»ни муаллиф дилига яқин олиб чин самимий эҳтиром билан тасвир этади. Бу персонаж Тогайнинг аждодларидан бўлса ажаб эмас.

Шу-шу Тогай Муроднинг матбуотда чиқсан ҳар бир асарини кузатиб, ўқиб борадиган бўлдим. У адабиётта шошилмай секингина кириб келди, илк машқларидан то эл оғзига туш-

ган «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси чиққунга қадар ўн ийлча вақт ўтди. Ҳар гал унга дуч келганимда «Нега матбуотда кам кўринасиз?» деб сўраганимда, ҳамиша «Ўқияпман, ўрганаятман, жиддийроқ нарса ёзишга тайёrlанаяпман» деган жавобни олардим. Бундай жиддий тайёргарлик изсиз кетмади. Бирин-кетин «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишинаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» эълон этилди, бу асарларнинг ҳар бири адабий ҳаётимизда жиддий воқеа бўлди. Ҳамкасб мунаққидлар қатори мен ҳам бу қиссалар ҳақида кўнглимдаги гапларни айтганман, ёзганман.

Тоғай ниҳоятда босик, вазмин кўринса-да, таъби ўта нозик, куюнчак одам эди. Сал нарсага бирдан ловиллаб кетарди. Ёзувчилар уюшмасидаги мажлислардан бирида «Она ер қўшиги» хусусида илиқ гаплар билан баробар қисса бир оз тарафкашлик билан ёзилгани, муаллиф ўзи сўймаган қаҳрамонига жамики салбий иллатларни ёпиштираверганини айтгудим, залда ўтирган Тоғай шартта ўрнидан туриб бундай эътиrozга қўшилмаслигини билдиради. Шундан кейин анчагача кўча-кўйда унга дуч келганимда ҳатто саломимга алик ҳам олмай юрди.

90-йиллар бошлари бўлса керак, янги ҳовлимиизга куттимаганда Тоғайнинг ўзи танҳо ҳолда кириб келди. Ўша кезлари шаҳарда тарқалган гриппдан азият чекиб эндигина ўзимга кела бошлаган, дилимга яқин сұхбатдошни кўмсаб ёттан эдим. Боз устига орадаги гинахонликни унутиб Тоғайнинг хонадонимизга кириб келиши кўнглимни тоғдай кўтариб юборди. Одатдагидай нон-чой, Тоғай хуш кўрадиган девзира гуручидан ўчқда тайёrlангандар фарғонача палов... Энг муҳими, тун ярмигача давом этган ҳам мароқли, ҳам дарду ҳасратларга тўла ҳазин сұхбат. Тоғай мени ўзига яқин олиб дилидаги жамики дарду дунёсини тўкиб солди. Ўша куни мен Тоғайнин янгидан кашф этгандай бўлдим. У ҳақдаги аввалги тасаввурларим гўё ост-уст бўлиб кетди. «Домла, Маъсумага уйланганимдан хабарингиз бор, - дея энг азиз, нозик дил розини оча бошлади. – У аломат аёл, яхши ёзувчи. Дунёда онамдан кейин мени тушунадиган, қадримга етадиган зот шу! Турмушимиз жойида. Фақат биргина армонимиз – тирнокқа зормиз. Шифокорларга қаратдик. Иккимиз ҳам соппа-соғ. Аллоҳнинг ўзи бермаса иложи йўқ, экан...»

Дарҳол «Ойдинда юрган одамлар» хаёлимдан ўтди. Қоплон тимсолида Тоғай ўз дарду дунёсини тасвирлаган эканда деган ўйга бордим. Шу ҳақда сўз очган эдим, Тоғай «Э, домла, «Ойдинда юрган одамлар»ни тўйимиздан беш йил бурун ёзганман. Олдиндан қилинган башоратми, интиуция кароматими ёки пешонага битилганими, қаранг, ўзим яратган Қоплоннинг куни ўзимнинг бошимга тушиб ўтириби...»

Тоғайнинг қайта қуриш, ошкоралик даври алғов-далғовлари, маънавий ҳаётдаги эврилишлар, зиёли ижодкорлар давраларидағи беҳуда даҳанаки жанглар хусусидаги ҳасратларидан чант чиқарди. Икки-уч ёзувчи-шоирдан бошқаси – барча-барчаси унга бегона, у менга гўё фанимлар қуршовида қолгандай туюлди ўша топда. «Қайси даврага кирсам ижод ўрнига гийбат, мен бунақа давралардан ўзимни четга олиб юрадиган бўлиб қолдим» дея ҳасратларига якун ясагандай бўлди.

Бир оз сукутдан кейин яна қизишиб сўзида давом этди: «Фанимларимнинг даъвосича, гўё мен этнограф, шунчаки баҳши қаламкаш эмишман. «Деновдан нарига чиқолмайсан, нарёқда нималар бўлаётганини кўрмайсан, жаҳон адабиётидан беҳабарсан, модернизм нима, абсурд, онг оқими нима – билмайсан, Нитше, Фрейд, Кафка, Жойс, Камюга тишинг ўтмайди» дея ташлансалар бўладими менга бу «билағон» нодонлар. Ишонинг, Умарали ака, мен Нитшени, Фрейдни, Кафка, Жойс, Камюларни, модернизм адабиётини улардан кам эмас, ортиқроқ биламан. Нитше «Зардушт»ини, Кафка «Жарён»ини, Камю «Бегона»си билан «Вабо»сини бир эмас, бир неча бор ўқиб чиқғанман, Жойснинг «Уллис»ини ҳам «Иностранная литература»да русча таржимаси чиқмасдан бурун қўлёзмасини топиб ўқиганман, ҳатто уни ўзбекчага таржима қилишни кўнглимга тутиб қўйғанман. Бу олифталарнинг модернча машқлари тақлиддан нарига ўтмайди, ёзганлари таржимага ўхшайди. Мен уларга ҳақиқий «ўзбекона модерн», «ўзбекона абсурд», «ўзбекона онг оқими» қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман...»

Сиртдан ўта босиқ, табиатан сокин кўринган бу одамнинг қалбида шунчалар дард, изтироблар борлигидан огоҳ бўлиб ҳайратда қолдим.

Замонавий жаҳон фалсафаси, адабиёти, уларнинг улкан намояндалари, мен эшитган, эшитмаган, ўқиган, ўқимаган

асарлар ҳақида шу қадар тўлиб-тошиб гапирдики, кўплар назарида «этнограф, бахши қаламкаш» бўлиб кўринган бу ўғлонни теран фикрлайдиган замонавий етук бир файла-сүф, забардаст замонавий мутафаккир адаб қиёфасида кўриб ич-ичимдан қувондим. Бу беором қалб соҳиби, мутафаккир ижодкор яқин келажақда миллий адабиётимизда албатта жиҳдий бадиий кашфиётлар яратажагига ишонч ҳосил қилдим. Адебнинг галдаги «Отамдан қолган дала-лар», «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарлари мендаги мана шу ишончни тўла оқлади, деб дадил айта оламан.

Ҳар икки асарда ёзувчининг ўз асли, замонаси, замондошлари ҳақидаги ўй-мушоҳадалари, қалб изтироблари тўла-тўқис ифодасини топган. Тогай Мурод танқидчиликда кўпроқ анъанавий бахшиёна йўналишдаги ёзувчи сифатида талқин қилинади. Бунинг учун муайян асос бор, албатта. Тил, ифода, оҳанг тарзи қадим достонларни ёдга солади. У фольклор тажрибаларига таянган ҳолда миллий насримизда янги-ча бетакрор услуг ихтиро этди. Бироқ унинг адабиётимиздаги энг жиҳдий бадиий кашфиёти, менингча Шахс талқинидаги янгиликдадир. Бў борада ўзи севиб ўқиган, ўрганган Кафка, Жойс, Камю бисотларидан ўтган нималардир бор. Шахс табиати, бахти, бахтсизлиги, қисмати талқинида Тогай XX аср жаҳон модерн адабиётининг энг муҳим тамойилла-рига ҳамоҳанг йўллардан борди. Шахсни ижтимоий мавжу-дот сифатида англаздан бутунлай чекинмаган ҳолда унинг қисматидаги сирли-сехрли, илоҳий, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган сир-синоатлар, тумса табиий омилларнинг ролини -ўрнини фавқулодда бир маҳорат билан очиб бера-ди, инсон руҳиятининг гаройиб нағмаларини, қон-қонига сингиб кетган ақидалар уни не-не кўйларга солишини, мана шундай кимсаларнинг фикрлаш йўсимидағи – тафаккур оқимидағи жараёнларни синчковлик билан кузатади, чуқур бадиий таҳдил этади.

Мен ушбу хотираларни қозозга туширишга ҳозирлик кўра-ётган кезларим жаҳон адабий ҳаётида гаройиб бир воқеа содир бўлди. Биз шу пайтга қадар улкан ёзувчи-адибларнинг туғилган, буюк асарларининг дунёга келган саналарини юби-лей сифатида нишонлашга одатланганимиз. Бу галгиси ўзгача бўлди: ирландияликлар 2004 йил 16 июн куни «Улисс» романида тасвир этилган воқеларнинг 100 йиллигини улкан бай-

рам сифатида нишонлади. Телевидениенинг Би-би-си канали айни романда акс эттанидек, ўша куни эрталаб соат 8 дан тунги З га қадар Дублин кўчаларидан, асар воқеалари юз берган манзиллардан, қаҳрамонлари юрган сўқмоқлардан репортажлар бериб борди. Бу ноёб асар, унинг муаллифи қисматига оид маълумотлар билан таништирилди. Роман ўз Ватанида ҳам ўтган асрнинг 60-йилларига қадар қадрланмагани, таҳдиду таъқибларга дучор бўлгани, романни англаш ниҳоятда қийин кечгани ва ниҳоят янги замон оқиллари «Улисс» кейинги юз йилликда инглиз тилида яратилган энг яхши асар деган холосага келганилиги таъкидланди. Жойснинг жаҳон адабиёти тарихидаги энг мужим қашфиёти шундан иборатки, у «Улисс»га қадар мавжуд адабий қолипларни бузиб инсоннинг асл фикрлаш тарзи суратини чизиб берди. Академик Д. Лихачев сўзлари билан айтганда, «Улисс» даҳо инсоннинг фикрлаш тарзи, тафаккур мевасидир. Инсон зakovatini ўрганиш сари қўйилган жиҳдий қадам, инсон ва ҳаётнинг янгича мадҳиясиdir.

Мен телекран қаршисида шу репортаж, мароқли суҳбатларни томоша қиласар эканман, 80-йиллар шароитида «Улисс» романни ҳатто рус тилида чоп этилмаган кезлари Тоғай Москвада таълим олиб юрган чоғлари бу асарни кўлёзма ҳолда топиб ўқиб-ўргангани, уни она тилисига таржима этишга аҳд қилгани, матбуотдаги бир интервьюсида китобхонларга бу ҳақда ваъда берганини эсладим. Билмадим, Тоғай Муродга қадар яна қайси ўзбек зиёлиси, адаби «Улисс»ни ўқиган, астойдил ўрганган экан... Ўша куни Тоғай хонадонига – унинг вафодор турмуш ўртоғи Маъсума Аҳмедовага телефон қилиб «Улисс» таржимаси тақдирини суриштирдим. Маъсуманинг айтишича, Тоғай ҳақиқатан ҳам «Улисс» романидан каттагина қисмини – юз саҳифасини таржима қилган экан. Афсус, кўлёзманинг тақдиди номаълум: ё таржима таржимонга ёқмай йўқ қилинган, ёки қаергадир ташлаб қўйилган.

Жойс, шунингдек, Кафка, Камю сингари XX асрнинг буюк сиймолари ижоди, шоҳ асарларига астойдил қизиқиши адабнинг ижодий тақдидида чукур из қолдиргани аён. Қаранг, «Жараён», «Улисс» воқеалари тор бир макон – Прага, Дублин шаҳарлари худудида юз бергани сингари «Отамдан қолган далалар»да, асосан; бир жамоа хўжалиги,


«Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида эса кичик бир шаҳарча доирасидаги ҳодисалар қаламга олинади. Кафка, Жойсдаги каби Тогай Мурод романларида ҳам асосан бош қаҳрамоннинг руҳий саргузаштлари, қалб изтироблари таҳлили асарлар асосини ташкил этади. «Жараён»даги каби тоталитар режимнинг бегуноҳ одамларни жиноятчига чиқариш механизми зўр маҳорат билан акс эттирилади. Боз устига Тогай ўз асарларида Камю тасвиrlаган Сизифнинг тош думалатишдан иборат азобли, беҳуда-бесамар фаолиятини эслатадиган қаҳрамоннинг маънисиз ўтган ҳаёт йўlinи теран таҳлил этиш йўлидан боради. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи эса бошдан-оёқ Жойс тажрибасини эсга соладиган, персонажнинг ички монологи – асов тафаккур оқими ифодасига қурилган. Бироқ бирор ўринда ҳам на «Жараён»га, на «Улисс»га ошкора тақлид йўқ. Муаллифнинг ўз сўзлари билан айтганда соф «ўзбекона модерн», «ўзбекона абсурд», «ўзбекона онг оқими»...

Қисқаси, Тогай Муроднинг кейинги иирик асарларида XX аср жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан шу хил муштарак жиҳатлар бисёр. Дадил айтиш мумкин: Тогай Мурод шунчаки «маҳаллий» қаламкап эмас, янги жаҳон адабиёти мезонлари билан ёндашганда ҳам тўлақонли романлар яраттан етук замонавий санъаткордир.

Тогай Мурод ўз шаънини, қадрини, даражасини билган, ҳар қандай камситишларга муросасиз, аммо мақтовларга асло учмайдиган юрури баланд сўз санъаткори эди. Ҳеч қачон унинг ўзгалардан ўзи ҳақида мақтov, ширин сўз кутиб ялтоқланганини кўрган эмасман. Аксинча, мақтовлардан қочиб юради. «Отамдан қолган далалар» романининг Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамасига мақтov сўзлар айтилишини билиб атая келмаган эди. Роман ҳақида «Халқ сўзи»да мақолам чиққанда, менинг қаламимга мансуб унинг ижодий портерига оид мўъжазгина ишим «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслитига киритилганида, ниҳоят, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»даги «Энг муҳим муаммо» сарлавҳали сұхбатимда «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи хусусида кўпчиликка маъқул тушган янтича кузатишларимни айтганимда – бирор марта ҳам ўзга адиллар сингари менга телефон қоқиб миннатдорчилек билдиргани йўқ. Сўнгти китоби «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романини ҳам авто-

графсиз жияни орқали менга бериб юборган эди. Менинг у ҳақда ёзғанларим унга маълуммикан, маълум бўлса, маъқул тушғанмикан деган йўй-хаёлда юрадим. Тоғай вафотидан кейин Маъсумахон менинг ҳар бир чиқишимдан у ҳабардор эканини, «Умарали ака мени олий ўқув юрти дарслигига раво кўрибди» деб бениҳоя миннатдор бўлганини, ҳатто «Отамдан қолган далалар» ҳақидаги мақолам чиққан «Ҳалқ сўзи»нинг бир дўкондаги ҳамма сонларини сотиб олиб авайлаб сақлагани ҳақида гапириб берди. Биламанки, кўнглидаги миннатдорчилик туйгуларини менга ошкор этишга фурури йўл бермаган.

Шу кунларгача Тоғай Мурод тўғрисида ёзган нарсаларим савия-даражаси ўзимга аён, улар ҳар жиҳатдан Тоғай Мурод бадиий қашфиётлари даражасида эмаслигини сезиб турман. Лекин Тоғай Муроддек гаройиб сиймо, ноёб истеъдод эгаси ёзғанларимдан мамнун бўлгани, бу дунёдан менинг камтарона ишларим учун миннатдор ҳолда кеттанилигидаň кечикиброқ бўлса-да хабардор бўлиш мен учун катта баҳт!



ИЖОД ВА ШИЖОАТ

Дунёда мукофоту унвонларнинг тури кўп. Аммо бутун бошли мустақил мамлакатнинг, озод ҳалқнинг қаҳрамони деган номга сазовор бўлиш буюк шараф. Озод Шарафиiddинов адабиётшунос-танқидчилар, умуман, олим зиёлилар орасида биринчи бўлиб Республикамизнинг энг олий мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Президентимизнинг бу ҳақдаги фармони эълон этилганда бутун илмий-адабий жамоатчилар Озод акани бу қутлург мукофот билан чин дилдан қутладилар, яқдиллик билан у Қаҳрамон деган унвонга ҳар жиҳатдан муносиб деган гапни айтдилар.

1999 йили "Университет" нашриёти Озод Шарафиiddинов ҳақидаги замондошларининг дил сўзларидан иборат тўплам чоп этган эди. Китоб "Матонат ва муҳаббат" деб номланган. Мана шу икки сўзда устоз Озод Шарафиiddиновнинг асосий хислатлари мужассам бўлган. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган беназир истеъдод соҳиби бўлмиш бу одам Қодирий ибораси билан айтганда, "шахси бутун" зот, матонатли, шижоатли,

мард, довюрак инсондир. Қалби ҳаётга, одамларга, эл-юрга, дўсту биродарларига, шогирдларига, китобга, сўз санъатига бу қадар меҳр билан ёнган саховатли инсон кам топилади. Унинг онгли умр йўли, ярим асрдан ошиқ ижтимоий, ижодий фаолияти улкан муҳаббат билан йўғрилган матонат ва шиҷоатлар силсиласидан иборат.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган аср 50-йилларининг ўрталарида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшаган, эркинлик шабадалари эса бошлиган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий ҳаётда, танқидчилик ривожида янги бир тўлқин бошланди. Озод ака ана шу тўлқиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг ихтирочиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг "Лирика ҳақида мулоҳазалар", "Замон - қалб - поэзия", "Низомлар" мақолалари шеъриятни, умуман, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишининг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар - Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида - бу истиқболи порлок чин истеъдодларни танқидчиликда илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга руҳлантириди. Устоз ва сафдошлари - Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсад Шайхзода, Миртемир, Шуҳрат, Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби даврнинг пешқадам адаблари қалами остидан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мұнаққиднинг одилона баҳосини олар эди. Айни пайтда мұнаққид устози Абдулла Қаҳҳордан руҳланниб адабиётдаги халтурага, ўртамиёначиликка қарши мардона кураш олиб борди. 40-50-йилларда кенг тарқалган ўта сиёсатлашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган, куруқ, риторика, ваъзхонлиқдан иборат "шеърият"нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, "Шеърми шу асарлар, поэзия борми уларда?" деган кескин саволни қўяди ва теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мантиқ асосида "йўқ!" деб жавоб бера олди. 50-йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган "шеърлар" муаллифлари унча-мунча ҳавас-

кор қаламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига уларнинг танқид остига олинган шеърлари "ғоявий" жиҳатдан сиёсатга тўла мос эди.

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат тазиики ва таҳдидлари туфайли топталган тарихини тиклаш, қатағон қилинган адиллар меросини ҳалқقا қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасиdir. Мустабид тузум шароитида бундай кураш ва шиҷоатлар қанчалар қимматга тушганилигини, эҳтимол, ҳозирги ёш авлод яхши билмас. Мунаққид «Тобутдан товуш» комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мағкуравий-сиёсий жиҳатдан «номақбул» шеърлар муаллифлари Э.Воҳидов, А.Ориповларга устозлик қилгани учун ташна-дошномларга учради, у мұҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар» тўплами, А.Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан сухбат» китоби қатағонга учради; Чўлпон шеърияти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадилчиқишиллари жиҳдий «сиёсий хато»ликда айбланиб, мунаққиддинг күтлуг номи бадном этилди... Мен шу каби сон-саноқсиз ноҳуш воқеа-ҳодисаларнинг, таъкибу таҳдидларнинг барчасига бевосита шоҳидман. Бу хил кетма-кет зарбалар унинг дилини қанчалар вайрон қилганилигини кўриб ўзим ҳам эзилгандман. Агар мундоқроқ одам бўлганида бир-икки зарбадан сўнг аллақачон адабиёт, фан майдонидан этак силтаб кетган бўлар эди. Бироқ устоз танидаги, руҳидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу хўрликларни енга олди, аҳдидан, танлаган йўлидан қайтмай шиҷоат билан илмий-ижодий, педагогик фаолиятини давом эттиргди.

Ниҳоят, истиқлол кунлари келди. Озод Шарафиддинов сингари заҳматкашлар елкасига ҳам офтоб тегди. Унинг янги босқичдаги илк машғулоти – ўттиз йиллик орзу-армони Чўлпонни юзага чиқаришдан бошлианди. «Кеча ва кундуз» романи мунаққид сўз бошиси билан қайта дунё юзини кўрди. Унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдик, сўнг уч жиҳдлик асарлари нашрга тайёрланди, «Адабиёт надир» тўплами чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига бағишланган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди; Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар, иккита рисола яратди.

Айниқса, «Чўлпонни англаш» асари маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу эссе мустабид тузум шароитида қадр топмаган беназир истеъдод, XX аср шеъриятининг ёрқин юлдузи тўғрисидағи аср ижодий зиёлиларининг ўзига хос қалб нидоси, армон, афсус-надоматлари ифодасидир. Устоз иштирокида яратилган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (1999) янги миллий адабиёт мизнинг истиқлол руҳи билан йўғрилган илк илмий тарихи сифатида қадрлидир.

Озод Шарафиiddинов жисмонан ва руҳан ҳар қанча соғлом, матонатли бўлмасин, узоқ йиллик мунтазам тазиик, таҳди, камситишлар барибир ўз асоратини кўрсатді: 90-йиллар ўрталарига келиб у оғир дардга чалинди, икки бор жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди, оёғидан ажралди, бунинг устуга бошқа хасталиклар қўшилди. Ўша оғир дамларда юртбошимиз унинг ҳолидан хабар олиб, унга ҳар жиҳатдан далда бериб турди, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлади. Мунаққиддининг 70 ёшлик юбилейи муносиб бир тарзда ўтди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналинг ташкил этилиши ва журналга О.Шарафиiddиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланishi бу аллома фаолиятида янги саҳифа очди.

Улкан эҳтиром, ишонч-эътибордан руҳ олиб, кексалиги ва хасталигага қарамай мислсиз ғайрат-шижот билан ижодий ишга киришди. Аввало, журнал бош муҳаррири сифатида моҳир ташкилотчи эканини намойиш этди. Қаранг, 1997 йилдан бўён у бошқараётган қалин журнал йилига 12 марта мунтазам чиқиб турибди, журнал миллат фарзандларини жаҳон билан, жаҳон адабиёти дурданалари билан ташнишириш бобида қанталар савоб ишлар қилаёттани адабий жамоатчиликка аён. Шуниси муҳимки, журналнинг деярли ҳар бир сонида Озод аканинг ё роман, ё қисса, ё драма, ё публицистик, адабий-танқидий мақолалар таржимаси билан танишасиз. Мутаржим шу йиллар давомида бир улкан таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни аъло даражада бажариб қўйди. Бугина эмас, шу давр мобайнида устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъодининг янги қирралари очилди. Бу алломанинг турли анжуманлардаги, радио ва телевидениедаги мунтазам чиқишиларида, газета ва журналлардаги публицистик мақолаларида, газета ва журналлардаги публицистик мақолаларида, газета ва журналлардаги публицистик мақолаларида,

ларида замоннинг ўткир долзарб муаммолари нақадар да-дил, ҳалол ва билимдошлик билан ўртага қўйилаётганлиги-га ҳаммамиз бевосита гувоҳмиз. Бундай чиқишлар неча бор муносиб тақдирланди ҳам.

Устознинг янги босқичдаги ижтимоий, ижодий фаолияти нақадар хилма-хил бўлмасин, биринчи галда, у мунаққид, адабиётшунос адаб сифатида ўзининг янги сўзини айтди, айтмоқда. Мунаққиднинг кейинги ўн йил давомида чоп этилган рисола, мақола, эссе ва адабий сұхбатлари янгила-наётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намуналариdir. Уларнинг аксарияти сарҳисоб, хасби ҳол характеристига эга. Мустабид тузум адабий сиёсатининг та-факкурдаги асоратларидан дадил воз кечиб XX аср янги ўзбек адабиёти тарихини янгича қайта идрок этиш, таҳлил ва талқин қилиш, қолаверса, умуман, бадий ижодни, ижодкор шахсини, инсон зотини шўро даврида шаклланган ан-дозалардан ҳоли умумбащарий мезонларда туриб чин ин-соний, илмий англаш – О. Шарафиддиновнинг янги босқичдаги адабий-танқидий ишларига хос энг муҳим хислатлардир. Босиб ўтилган йўлни, адабиётимиз тарихи ва адабларимиз ижодини тубдан қайта баҳолаш, янгича талқин этишга чоғланар экан, мунаққид нуқул кимларнидиr қора-лаш, ўзгаларга маломат тошлирини ёёдириш йўлидан бор-майди; табиийки, мутаассиб, жоҳил кимсаларнинг қата-фонлар замонидаги қора ишларини, кечириб бўлмас гуноҳларини асло унутмайди; айни пайтда, мунаққид бизни чин истеъоддлар қисмати, ижодидаги машъум замона асоратлари билан боғлиқ ҳолатларни тушунишга, уларни чин дилдан тўғри англашга ундаиди.

Адабиётшунос олимнинг қирқ йиллик фаолияти шўро замонида кечди. Гарчи ўша йиллари ҳам мунаққид, боя айтилганидек, ҳақиқат ваadolat йўлида мардона кураш олиб борган бўлса-да, барибир чархи кажрафторининг турфа ўйинларида ёзми-кўпми иштирок этган. Ижодкор одам учун ўз айбини тан олиш, ўзининг умр ва ижод йўлини мардона туриб тафтиш ва таҳдил этиш, ундан ибратли са-боқлар чиқариш ҳам савоб иш. Аслида ўзликни англаш ҳам улкан баҳт! Ўзини англамай туриб ўзгаларни англаш мумкин эмас. Бу борада ҳам О.Шарафиддинов ҳамкасб тенг-дошлирига ибрат бўларли жасорат кўрсата олди.

Устоз асарларига хос яна бир муҳим фазилат шуки, у бирор адабнинг ижодий тақдири ёки алоҳида асари ҳақида баҳс юритар экан, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари фақат шу адаб, шу асарларгагина оид бўлиб қолмасдан, давр адабий жараёнига даҳдор бўлиб чиқади, миллий адабиёт ривожидаги муҳим, жиддий ҳодиса-тамойиллар моҳиятини очишга қаратилади. Чунончи, «Чўлпонни англаш» рисоласидаги бу беназир истеъдод, у қолдирган ноёб адабий мероснинг етмиш йиллик машаққатли қисмати, шоир шаънининг тоғталиши бутун бир даврнинг, тузумнинг иллати, фожиаси, миллатнинг кўргилиги тарзида талқин этилади. Ҳамза ҳақида тадқиқотда эса, бу улкан адабнинг соҳта усуллар билан улугланиши — бир хилдаги қизил ранглар билан чулғаб бирёклама талқин этилиши аслида унга нисбатан ҳурмат эмас, ҳақорат, бўйтон эканлиги очиб берилади. Мустабид адабий сиёсатнинг қабиҳлиги шундаки, у чин истеъдодларни қоралаш, шаънини тоғташ бобида эмас, «улуглап» ишида ҳам жиноят йўлидан борган. Тадқиқотда мана шу шафқатсиз ҳақиқат бутун даҳшати билан кўрсатилади. Фитратга оид мақолада бу улуг мутафаккирнинг биргина асари «Ҳинҷ сайёҳи» таҳдили орқали адабнинг миллат, тарих олдидағи буюк хизмати устида гап боради; мазкур асар ўз даврида жадидчилик ҳаракатининг дастури — манифести бўлганлиги таъкидланади.

Мунаққиднинг замонавий адабий жараён, мустақиллик даври адабиётига бағишлиланган адабий ўй, сұхбатларида ўткир баҳсли муаммолар кўтарилади, одатдагидек, бу мансалалар хусусида ҳам фақат устоз айтиши мумкин бўлган дадил гаплар айтилади. Бугунги адабиётнинг қаҳрамони давр авзойига қараб тадбиркор бўлиши керак деган даъвollar ўртага қўйилаётган бир пайтда, олим сўз санъати учун қаҳрамоннинг ҳаётдаги мавқеи, касб-кори эмас, биринчи навбатда, шахс жумбоги, моҳияти, бадий талқини, бу борадаги ижодкорнинг янги гапи муҳимлигини таъкидлайди. Шўро ҳокимиюти йилларида ягона соцреализмдан бошқа ижодий оқимлар, жумладан, модернизм кескин рад этилган эди. Истиқлол туфайли бизда ҳам хилма-хил адабий мактаблар ривожи учун шароит ҳозирланди, модернистик тамойиллар адабий ҳодиса тусини ола бошлади. Адабий танқидчиликда бу ҳодисага ўта маҳлиё бўлиб кетиш, ўрин-

ли-ўринсиз уни ҳимоя этиш, ёки аксинча, ақида парастларча уни миллий заминга ёт, заарли ҳодиса сифатида кескин рад этиш ҳолларига дуч келдик. Адабиётшунос олим модернизм XX аср миллий адабиётимиз учун бегона эмаслигини, бугунга келиб унинг етакчи тамойилларидан биринга айланиши замон тақозоси, табиий ҳол эканини таъкидлаш билан баробар, уни жўн талқин этишдан бизни огохлантиради, бу жараённи бутун мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолича холисона таҳлил ва талқин этишга ундайди.

Озод Шарағиддинов сўнгги йилларда хотира-эссенавис сифатида танилди. Сўз санъати дарғалари, устоз адиллар, қаламкаш дўстлари, шогирдлари, шунингдек, илм-фан, маърифат аҳли, жамоат арбоблари ҳақида бири биридан гўзал бадиалар яратди. Уларни бемалол бу жанрнинг замонавий жаҳон адабиётидаги энг яхши намуналари қаторига кўйиш мумкин. Эсселар қаҳрамони муаллифга шахсан таниш, дилига яқин одамлар бўлгани, айни ўша шахсий даҳлдорлик, ёрқин хотиралар асарларга ажиб самимият баҳш этади, бу асрлар саҳифаларидан замондош алломаларнинг сиймоси бор бисоти, бутун жозибаси билан кўз олдингизда гавдаланади, улар худди бадиий асар каби шавқ билан ўқиласди. Дарвоҷе, уларда устоздаги илмий танқидий тафаккур билан бадиий истеъдод ўзига хос тарзда туташиб кетган. Муаллиф эссе қаҳрамонлари ижодини, асарларини батафсил талқин ва таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб кўймайди. Улар илмийликка, «адабий портрет»ликка даъво қилмайди. Биринчи навбатда, муаллифни асар қаҳрамонларининг шахсияти, қанақа одамлиги қизиқтиради, Ойбек ибораси билан айтганда, «гали қанақа», «юриши қанақа», «қилиғи қанақа» - шуларни қаламга олади. Айни пайтда, улар ижодига, асарларига хос нозик, бетакрор кузатишларни ҳам йўл-йўлакай изҳор этади. Чунончи, «Faфур Гуломнинг кулгиси» бадиасида буюк шоир табиатига хос ҳазилкашлиқ, қувноқлик, сўз ўйинлари, топқирлик каби хислатларини таърифлар экан, шу билан баробар ҳазил-мутойиба - юмор аллома әдаб учун ўша тоталитар режим замонида қалтис вазиятлардан эсон-омон чиқиб кетиш воситаси бўлганилигини эслатади. Абдулла Қаҳҳорга бағишланган эсселарида эса адаб табиатига хос юксак маданият,

жиддийлик, қатъият, оиласда, тор давраларда ҳам, минбарда, кенг жамоатчилик олдида ҳам фақат ҳақиқатни айтиш одатига ургу беради. Зулфияга бағишланган асарда шоира табиатидаги зукколик, нафосат түйфуси, умумжаҳон миқёсида фикр-мулоҳаза юритиш хислатлари очилади. Кибриё опа табиатида Шарқ, хусусан, форс мұмтоз адабиётининг улкан билимдони, жамоатчи бўлган бу аёлнинг оиласда чинакам бека, Абдулла Қажхордек адебининг садоқатли умр йўлдоши, «эр изнидан чиқмайдиган» малика, тенги йўқ пазандалиги кўплаб ҳаётий далиллар орқали кўрсатилади. «Муашшаҳ»да олим Абдулла Орипов билан илк танишувдан тортиб ҳозирги кунга қадар қирқ йиллик мулоқотларини, сафардаги кузатишларини бирма-бир ҳикоя қиласди. Айниқса, шоирнинг Япония сафари таассуротлари, Ориф бобо ва Турди момо ҳақидағи дил сўзлари, оддий китобхон Мансурхўжа ҳикояси эссега ўзгача файз баҳш этади.

Эсселардаги ижодкор шахсига, умуман, инсон зотига ёндашув усули, тарзи замонавий адабиёт учун принципиал аҳамиятга эга. Шахсга ижтимоий ёндашув устивор бўлган кезларда асарда персонажнинг ижтимоий мавқеи, ҳодисаларнинг социал моҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этар эди. Жаҳон тараққийпарвар адабиёти тажрибаси шахс социал ҳодиса бўлиши билан баробар сирли, сехрли хилқат, унинг табиати, ҳаётি ҳеч қанақа қолилларга сирмайдиган ажиб бир жумбоқ эканини бот-бот исбот қилмоқда. Устоз бадиаларида қаламга олинган ижодкорларнинг ҳар бири шахс сифатида жумбоқ; муаллиф мана шу жумбоқни ўзича англаш, тушуниш, ўзгаларга тушунтириш йўлидан боради. Биргина мисол. Кибриё опанинг ота-оналари, улар оиласининг гаройиб тарихи ҳақидағи ҳикояни эсланг. Улар оила куришганда куёв 52, келин эса 16 ёшда бўлган. Шўро даври тасаввури бўйича, шу фактнинг ўзиёқ кескин қораланишга лойик; бу феодал одат, тенгсиз нигоҳ, оиласиий фожианинг айни ўзгинаси. Қизиқ, мана шу «феодалларча тенгсиз нигоҳ» асосига қурилган оиласда узоқ йиллар тотув ҳаёт давом этган, ажойиб маданий-маърифий рух барқақарор бўлган, бири-биридан гўзал, етук фарзандлар, жумладан, Кибриё опадек Шарқ ва Фарб маданиятини ўзида мужассамлаштирган баркамол аёл етишиб чиқсан.

Устознинг «Нутқ» эссеси бу жанрнинг биздаги энг жиддий ютуғи дейиши мүмкін. Ҳар қандай танқидчи-эссенавис бутун ижодий фаолияти давомида лоақал битта шундай асар яратишини орзу қилиши табиий. Эссе Одил Ёқубовнинг собиқ шүролар даврида Ҳалқ депутатлари қурилтойида сўзлаган машҳур нутқи, улкан жасорати таҳлилига бағишлиланган. Гап шундаки, бадиада бор-йўғи 8-10 минутлик нутқнинг моҳияти, XX аср миллий-ижтимоий тафаккур тарихидаги ўрни, маъно-миқёси, таъсир кучи теран таҳлил этиб берилган. Эссени ўқиб унда келтирилган ёзувчининг «Мен бутун ижодимни тарозинилар» бир палласига қўйсам, иккинчи палласига ана шу нутқимни қўйган бўлардим» деган сўзлари асло муболага эмаслигига амин бўласиз. Ёзувчи бу нутқида ҳалқ дардини ёниб изҳор этган Чўлпон, Қодирий, А. Қаҳҳор, Ҳ. Абдуллаев сингари ҳалқимизнинг жасур ўғлонлари анъана-арини давом эттириб, янги босқичга - юксак минбарга олиб чиқди, ўзбек ижодий зиёлилари ичида ҳам жасур, ҳақгўй, адолатпарвар, юксак даражада тафаккур қила оладиган сиймолар борлигини кенг жамоатчилик олдида намойиш этди. Энг муҳими, бу нутқ ёзувчининг ҳаётда оқ-қорани танидан буён кўксида тош бўлиб чўкиб ётган, қалбини ўрганган, неча ўнлаб асарлари бағрига кўчиб ўтган эл-юрт, миллат фами ҳақидаги ўй-мушоҳадаларининг ўзига хос мужассами, минбарда кўксидан отилиб чиқдан ёлқини эди. Бу нутқка у гўё бутун умри давомида тайёргарлик кўрган эди.

Маълумки, эссе - эркин, субъектив, андоузаларни тан олмайдиган публицистик жанр. Рух, эркинлиги, фикр эркинлиги, ижод эркинлиги мавжуд бўлгандагина у ўзлигини тўла намоён эта олади. Озод ака табиатан ижодкор сифатида гўё эссе учун туғилган. Унинг сўнгти йиллардаги жўшқин ижоди, ноёб истеъоди айни шу жанрда ёрқинроқ ва тўлароқ намоён бўлаёттани тасодифий эмас. Айниқса, асар учун олинган мавзу - асос билан ижодкор шахсияти, дили, кўнгил рози, орзу-армонлари бир-бирига мос тушган ўринларда бадиадаги публицистик талқин бамисоли кўшиқдай янграйди, асар санъат даражасига кўтарилади. «Нутқ» - бунинг ёрқин бир исботи.

Юқоридаги айрим кузатиш, мулоҳазалар Озод Шарафиддиновнинг сўнгти йилларда яратган адабий-танқидий асарлари, суҳбат ва бадиалари мустақиллик даври миллий

адабиётимиизда, маънавий ҳаётимиизда жиёддий ҳодиса бўлди, дейиш учун тўла асос беради. Улар истиқдол баҳш этган жўшқин илҳом, эркин ижод имкониятлари самарасидир.

«БУ ЁУСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП...»

Яккаҳоким социалистик реализм методининг инқирози, эстетик плюрализм, адабий-ижодий мактаблар, оқимлар хилма-хиллиги учун йўл очилиши туфайли истиқдол йилларида ўтган асрнинг 20-йилларида ёк шакллана бошлаган, бироқ шўро адабий сиёсати туфайли таъқибга учраган, халқقا ёт, мазмунсиз буржуача реакцион оқим дея бадном этилган модернизм оқланди, қайтадан қад ростлаб қисқа фурсатда муайян адабий-бадний ҳодиса тусини ола бошлади. Айни пайтда, замонавий информатика воситалари-нинг шиддат билан ҳаётимиизга кириб келиши, глобаллашув ҳодисаси самараси ўлароқ адабий тафаккурнинг модернлашув жараёни ғоят тезлашди, миллий адабиётимизнинг барча тур, жанрларида «XX асрнинг етакчи услуби» саналган йўналишга мансуб модерн асарлар пайдо бўлди.

«Ўзбек модерн шеърияти»⁵ номи остида чоп этилган мажмуя истиқдол очиб берган ижодий имкониятлар маҳсулидир; дадил айтиш мумкинки, маданий-маънавий ҳаётимиизда ўзига хос ҳодисадир. Бундай китобни ўн йиллар бурун чиқишини тасаввур этиш ҳам мумкин эмас эди. Мазкур мажмуа бугунги кунда модерн йўналишда қалам тебратадётган 24 ёш шоирнинг сара шеърларидан ташкил топган. Улар орасида Шамшод Абдуллаев, Лариса Дабижадек рус тилида ижод этувчилар ҳам учрайди. Муаллифларнинг олди қирчиллама қирқ атрофида бўлса, энг кенжаси эндиғина йигирмага қадам қўйган. Демак, уларнинг барчаси шеъриятимизнинг навқирон авлоди намояндаларидир. Менинг шахсий кузатишларимга кўра бу мажмууга кирмаган, модерн йўлида машқ қилаётган яна ўнлаб навқирон истеъдод эгалари бор. Китобга илова қилинган «Муаллиф-

⁵ Ўзбек модерн шеърияти. - Т., «Янги аср авлоди», 2003.

лар ҳақида мълумот»га кўра ҳозирнинг ўзидаёқ модерн шоирларнинг ўттиздан зиёд шеърий китоблари чоп этилибди. Агар улар ёнига насримиздаги модерн йўналишга мансуб йигирма чоғли роман, ўнлаб қисса, юзлаб ҳикоялар қўшиладиган бўлса, модерн ижод миллий адабиётимизда чиндан ҳам муайян адабий ҳодисага айланганлигига тўла икror бўламиз.

Бу ҳодисага бизда бошда хайриҳоҳлик билан табиий ҳол сифатида қаралди. Чунончи, О.Мухторнинг «Минг бир қиёфа»сидан тортиб «Майдон»игача ўнга яқин «Янги роман»лари, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Саломат Вафо қисса ва ҳикоялари, А.Қутбидин, Фахриёр, Б.Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегимнинг модерн шеърлари асосан ижобий баҳоланди. Кейинги йилларга келиб вазият ўзгара бошлади – ижобий ёндашувлар билан бир қаторда миллий адабиётимиздаги модернизм ҳодисасига танқидий муносабат бўй кўрсата бошлади, бу ҳол сўнгги пайтларда хийла кескин тус олди, фақат ҳозирги миллий модерн асарларгина эмас, умуман, модернизм, модерн ижодкорларга ёндашувдаги тафовутлар яққол кўзга ташланба бошлади. Деярли бир пайтда икки таниқли адаб, адабиётшунос – фан номзодлари П.Қодировнинг «Манавият, модернизм ва абсурд» («ЎзАС», 2004 йил 26 март) ва Х.Дўстмуҳаммаднинг «Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси» («Ҳуррият», 2004 йил 11 феврал; «Жаҳон адабиёти», 2004 йил феврал) мақолалари масалага икки хил ёндашуви жиҳатидан қизғин ўй-мушоҳадалар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Хўш, миллий адабиётимиздаги модернизм ҳодисасининг танқиди, модерн асарларга, уларнинг муаллифларига қўйиллаётган айблар нималардан иборат? Модерн адабиётни хушламайдиган танқидчиларнинг фикрича:

Биринчидан, модернизм миллий адабиётимизга ёт нарса, модернизм Farb ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди; чунки у «таназзул маҳсули», унинг «келажаги йўқ»;

Иккинчидан, модернизм «қора ва тушқун» кайфиятни ифодаловчи, нигилизм ва даҳрийликни тарғиб этувчи адабиёт;

Учинчидан, модернистик асарлар моҳияти пуч, маънодорлиқдан, қолаверса, маънавиятдан маҳрум; уларда меҳроқибат ўрнини дунёга, одамларга нафрат ҳисси эгаллаган.

Нитше каби модернизмнинг фалсафий асосчиси, Кафка сингари буюк модернист адиларни жоҳилларча нигилистликда, пессимистлика, хасталикда, бемаънилика айблашлар, таҳқирлашлар шўро даврида оддий ҳол эди. Ҳозирги кунда бу ҳам етмагандек, уларни маънавиятсизликда, «Улисс»дек модернизмнинг бадиий қомусини яратган даҳо адаби ни халқидан, ватанидан юз ўтириб, хиёнат қилишда, даҳрийликда айблашлар бўляпти. Ҳ.Дўстмуҳаммад сўзлари билан айтганда, Нитше фалсафа оламида, Кафка дунё адабиётida ҳақиқатан ҳам энг оғир «бемор»лардан бўлган. Жойс эса дадил, шижаоткор эксперементчи – новатор сифатида танилган. Таассуфки, замонавий фалсафа оламида, адабиётда ана шундай «хасталик» мақомига чиқа оладиган шижаоткор новатор ижодкорлар йўқ. Ахир, қалби оғир, бедаво дара билан оғримаган одамдан чинакам ижодкор чиқадими?! Ҳатто, ҳазрат Алишер Навоий ҳам жони зорини жунун во-дийсига мойил кўрган эди-ку! Жойсни маънавиятсизликда, «Улисс»ни эса зарарли асар эканликда айبلاغан мунаққид бу борада нуқул ўзгаларнинг қўли билан иш кўради, бир вақтлар адаб ва унинг романи ҳақида обрўли зотлар томонидан айтилган ҳақоратомуз гапларни келтириб, «Улисс» романи Англия, Франция ва АҚШда таъкиқланганлигини рўкач қилиб, унинг шаънига маломатлар ёғдиради. Унумайлик, азизлар, бизда ҳам Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижоди бир вақтлар таъкиқланган, улар шаъни топталган эди; фақат М.Шевердин, Сотти Ҳусайн сингари бетайин кимсаларгина эмас, замона зайлар туфайли Ойбек, F.Фулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳордек улуғ зотлар ҳам улар ҳақида кескин танқидий гаплар айтилган эди. Бугунги кунда уларни рўкач қилиб Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва уларнинг шоҳ асарларини камситиш мумкинми? XX асрнинг фожиаси шундаки, фақат мустабид тузум ҳудудида эмас, ҳатто тараққий этган эркин, демократик мамлакатларда ҳам фан, адабиёт, санъатдаги ноёб кашфиётларни таҳқирлаш, уларнинг ижодкорлари шаънини топташ ҳоллари бўлган, жумладан, «Улисс» ва унинг муаллифи ана шундай кўргиликларга дучор бўлган... Бугунги кунда «Улисс» ва унинг муаллифига Ватанида ҳам, жаҳонда ҳам муносабат бугунлай ўзгача! Лоақал «Улисс»нинг «Иностранная литература»даги таржимасига ёзилган сўзбoshини, сўзбоши муаллифи академик Д.Лихачевнинг роман

ва унинг муаллифига юксак эҳтиромини эслайлик. Ёки яқиндагина юз берган бошқа бир тарихий воқеани хотирлайлик: 2004 йил 16 июнда Дублин шаҳри аҳолиси, қолаверса, бутун ирланд халқи «Улисс»да тасвир этилган айни ўша кун воқеаларининг юз йиллигини улкан миллий байрам сифатида нишонлади, даҳо ёзувчининг дохиёна асарига чексиз эҳтиромини бутун жаҳон маърифатли кишилари олдида намойиш этди. Бир вақтлар «Одамзодга қарши айтилган ялмоғизларча тұхмат» деб қораланған «Улисс» бүтун «кейинги юз йилликда инглиз тилида яратылған энг яхши роман», «инсон ва ҳаёт мадҳияси» сифатида ардоқланмоқда.

Ж.Жойс устидаги кескин танқидий гаплар, табиийки, унинг таъсирида битилған бутунги модерн адабиёт намуналарига, жумладан, «Ўзбек модерн шеърияти» мажмуасидаги айрим шеърларға келиб тақалади. Асар персонажлари ёки лирик қаҳрамон тилидан айтилған муайян ҳолат, кайфиятдан туғилған «қалтис» сўз, борингки, ноўрин жумлаларни матн контекстидан ажратиб олиб «Бу сатрларда тушкунлик руҳи ҳукмрон... Мехру оқибат йўқ, маънавият йўқ, уларнинг ўрнини абсурд бир нафрат эгаллаган» дея кескин хулосалар чиқарилади. Бу ҳолни модернизмнинг гуноҳи деб баҳолаш, шу тариқа модернист ижодкорларга ғоявий-сиёсий айблар тақаш бутунги кунда ҳам давом этаётганлиги кишини таажжубга солади. Аёнки, бунақа кескин, «қалтис» гапларни деярли барча даврларда яшаб ўтган турли-туман адабий мактаб-оқимларга мансуб ижодкорлар бисотида учратавериш мумкин. Фаззолийнинг «Ўлимни эслаш китоби»да саҳобалардан бири ўлим олдида «Наҳот бу дунё бизнинг билганимиздан бошқача бўлса?!. Дунё бизга вафо қилмади, дунё бизга маломат бўлди. Бу дунё уйига «туф!» ва яна «туф!» дейди. Муқимий «Саёҳатнома»сида «Дунё қурилғон дор экан» деб ёзади. Замондош шоиришимиз Мұҳаммад Юсуф «Ёлғон дунё экан дунёлар», «Мұҳаббат йўқ экан дунёд!» деб нола чекади. Бу сатрлар муаллифлари «модернист» эмас-ку, ахир!

Бир қатор мұнаққидлар умуман, ўзбек адабиётида модернизм йўқ, деб чиқаётирлар. Уларнинг фикрига кўра, Farb адабиётида модернизм назарий асослари, манифестлари билан биргана майдонга келган, бизда эса бунақа назарий асос, манифестлар яратылмаган эмиш. Жаҳон адабиёти тарихи шундан далолат берадики, ўзга халқлар адаби-

ётидаги бадиий кашфиётларни, эстетик принципларни ўзлаштириш орқали ҳам миллий адабиётда янгича йўналишлар пайдо бўлавериши мумкин. Қолаверса, 20-йилларнинг бошларида бизда ҳам жаҳон янги адабиётига ҳамоҳанг модернча тамойиллар эндигини шаклланиб келлаётган бир пайтда бу жараённинг назарий асосларини тайин этишга уринишлар бўлган. Қодирийнинг «Модомики, биз янги даврга қадам қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз», Чўлпоннинг «Кўнгил янгилик қидирадир» деган сўзлари янги адабиётнинг манифести эди; болалигидаёқ рус тилини эгаллаган, бу тил орқали рус ва жаҳон адабиёти, маданиятидан яхши хабардор бўлган, боз устига Москвада ўқиб, яшаб, ишлаб адабий-бадиий жараёнлардаги янгиликлар билан яқиндан ошно бўлган бу икки улуғ зот санъат, адабиётдаги новаторона кашфиётларга хайриҳоҳлик билдиранлар. Бунинг учун Қодирийнинг жаҳон адабиётидаги адабий оқимлар, Оврўпанинг «сўнгги приём»и, импрессионизм, Чўлпоннинг Мейерхольд театри хусусидаги қарашларини эслаш кифоя. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари», хусусан, Абдураҳмон Саъдийнинг 1923 йили ёзилиб 1924 йили чоп этилган «Амалий ҳамда назарий адабиёт дарслари» китобида модернизм, шунингдек, символизм, футуризм ҳақида батафсил маълумот берилган, йўл-йўлакай декадентлик, сюрреализм истилоҳлари шарҳлаб ўтилган. Олимнинг, хусусан, символизм, модернизм хусусидаги қарашлари, чунончи, бу оқим «шахснинг ички дунёсини тасвир қилишни энг биринчи планга қўйди», модернистлар «воқеий нарсаларнинг ўзларига эмас, балки кишига берган ҳисларига, кишида қолдириған тасаввурларига катта қиймат берадирлар» сингари фикр-мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам қимматини йўқотган эмас. Шуниси характерлики, олим янги адабий оқимлар моҳияти, хусусиятларини батафсил таърифлар экан, ҳодисага холосона муносабатда бўлади, уларни тарафкашлик билан қоралаш йўлидан бормайди. Бу оқимларга мансуб ижодкорлар устида сўз боргандা, чунончи, «Янги ўзбек адабиётida декадентлик символистлик чатқисини романтик Чўлпонда кўрамиз» деб ёзганида ҳам бунинг учун шоирни асло койимайди.

Фитрат, А.Саъдий китобларидан кейин нима бўлгани аён. Бирор адабни модернизмга дахлдор деб аташ уни қора курсига ўтқазиш билан баробар бўлиб қолди. Кейинчалик модернизм мавзуси назарий китоблардан, дарсликлардан бутунлай бадарға этилди, модернизмга оид истилоҳлар фақат қора бўёқларда шарҳланди. Ҳатто И.Султоновдек устоз адабиётшуноснинг «Адабиёт назарияси» китобининг «Ижодий метод ва услуб» боби реализм ва социалистик реализмни таърифи тавсифлаш билан якунланади. Гўё улар билан баробар жаҳон янги адабиётида модернизм номи остида ўнлаб адабий оқим, мактаблар йўқдек... Бу ҳол социалистик тузумга мансуб миллий адабиётларнинг, қолаверса, адабий-танқидий тафаккурнинг салкам бир асрлик тарихида қанчалар оғат, йўқотиш бўлганлигини тасаввурга сифдириш ҳам қийин.

Бугунги модерн асарларга, жумладан, «Ўзбек модерн шеърияти» маҳмуасига модернизмга оид эски мезонлар, уни факт декадентлик ва абсурдан иборат деб қарашибосида баҳолаш, талқин этиш асло мумкин эмас. Қатъий қилиб шуни таъкидлаш лозим: декадентлик ва абсурд модерн адабиётнинг доимий белгиси ёки йўлдоши эмас; қолаверса, модернизм бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Гарчи бир асрдан бери модернизм теварагида узлуксиз баҳс-мунозаралар давом этаётган бўлса-да, ҳали унинг барча қабул қилиши мумкин бўлган таърифи йўқ. Модернизм, аввало, янги давр одамининг дунёни, башариятни, энг муҳими, ўзини янгича англаш, тафтиш қилиш эҳтиёжи маҳсулидир; унинг қатъий қоидалари, мезонлари ҳам йўқ, у ҳеч қачон эски издан юрмайди, бетиним янгиланиб боради; у поэтик қонунлардан кўра ижодкор кўнгли майларига бўйсунади; бинобарин, ҳар бир давр шоири, ҳар бир кўнгил уни янгиртиради. Бир асрдан ошикроқ давр мобайнида бу улкан адабий йўналиш авангардизм, модернизм, неомодернизм, постмодернизм деб аталган босқичларни босиб ўтди; ҳар бир босқич ўз навбатида ўнлаб бетиним янгиланиб борувчи оқим, ижодий мактаблардан ташкил топган. Модернизмнинг янгиланиш жараёни давом этяпти.

Ҳозирги ўзбек модерн адабиётида, жумладан, шеъриятида ўзгача бир ноёб ҳолга дуч келамиз: унда жаҳон адабиётидаги янги адабий оқимларнинг бирортаси ҳам мустақил ҳолда айнан такрорланаётганий йўқ; янги миллий шеъ-

риятимизда жақон модерн адабиётининг бир эмас, ўнлаб етакчи оқимларига хос хусусиятлар синтезини кузатиш мумкин. Қолаверса, Шарқда модернизм Farbdagiдан ўзгачароқ тарзда намоён бўлган. R.Tagor Япония сафари чоригида шундай деган: «Япония шакли такомиллашган маданиятга ҳаёт бахш этди ва кишиларда шундай кўрабилиш хусусиятини ривожлантириди, бу нигоҳ билан улар гўзалликда ҳақиқатни, ҳақиқатда гўзалликни кўра олдилар». Қарангки, мана шу ҳол бугунги ўзбек модерн шеъриятига ҳам хосдир, гўзалликда ҳақиқатни, ҳақиқатда гўзалликни кўриш унинг энг муҳим хусусиятлариданadir. Шу билан бирга изтиробда ҳақиқатни, ҳақиқатда изтиробни қидириш унинг яна бир муҳим жиҳатидир. Ёниқ изтироб бу асло пессимизм эмас, қора ва тушкун кайфият эмас, моҳијат эътибори билан гаройиб некбинлик оҳангига йўғрилгандир. Бу тамойил илк бор янги шеърият отаси Чўлпон тароналарида намоён бўлган. Унинг буюк замондоши синчков Қодирий «шоир кўз ёшларидан чечаклар ўстирмоқчи» бўлганини ўз вақтида пайқаган ва уни қўллаб-кувватлаган. Янги шеъриятмизнинг яна бир яловбардори Ойбек ҳам айни шу йўлдан борган. «Ўзбек модерн шеърияти» мажмуасини, бугунги модернчи шоирлар тўпламларини вараклаб кўринг – барчасида айни шу ҳолни кўрасиз.

Бугунги ўзбек модерн шеърияти ҳосили ғалвирдан ўтказилиб холисона сарҳисоб этилгудек бўлса, унда сиз дахриёна бирор мисрани тополмайсиз, аксинча, бу йўналишдаги кўпчилик шеърлар илоҳий, тасаввуфона рух, румиёна оҳанглар билан йўғрилган. Қолаверса, модерн шоирларимизни исёни шўро адабиётида бўлганидек, «шайтоннинг тангрита исёни» эмас, балки Аллоҳга, илоҳий Ҳақиқатта элтувчи исёндири. Кези келганда айтиб ўтай – ҳозирги модерн шеъриятимизнинг ёрқин намояндалари диний уламоларнинг муносиб зурриётлари ёки диний, тасаввуф илмидан чукур хабардор ижодкорлардир. Етук модернчи шоирларимиздан бири мана бундай саволни ўртага ташлайди:

Булбул нағмасини басталаган ким
ким ўйлаб топган яллиз исини
барг титроғини ким қилган ихтиро
ким тушларни созлаб турувчи

олислаттан ким юлдузларни биздан
түшнинг нарёғида нима бор экан
масхарабозларми жиддий касб бунда
тунданда узуроқ эканку андуҳ
андуҳ юлдуз соясимикан

нарвон қасир қусури момоқалдироқ
Одам Ато жаиннатдан тушаётганды
шундай шовқин тушган эҳтимол
бир жудаям йилтироқ булут
еттинчи осмонга чиқиб кетган чоғ

ёнарқуртни ёндирган қай куч
юракни илк бора тептирган нима
ким экан тушларни созлаб турувчи
ким ўйлаб топган ялпиз исини

Сўнгги ўн йиллар давомида оламнинг сир-синоати, Ал-
лоҳнинг мислсиз яратувчилик құдрати ҳақида бу қадар
теран, ўқувчини ўй-мушоҳадалар, саволлар уммонига фарқ
этадиган бошқа бир шеър ёзилганини билмайман.

Модерн шеърият муаллифларини «соғ санъат», «кўнгил
шеърияти» доирасида «қалб қобири»га ўралапиб қолиш,
шаклбозликка, «сўз ўйинлари»га маҳлиё бўлиб кетиш, за-
миндан, даврнинг ўткир ижтимоий муаммоларидан четда
туришилқда, лоқайдликда айблашлар ҳам бўляпти. Тўғри,
шу хил камситишлар учун асос берадиган шеърлар ҳам
йўқ эмас. Аммо «Ўзбек модерн шеърияти»ни варақлаган-
да акс ҳолни кўрамиз. Мажмуадаги илк асар Абдували
Кутбиддиннинг «Тасаввур манзаралари»ни ўқиб кўринг:
кўз олдингизда бугунги дунёning бетиним ҳаракатдаги юят
зиддиятли манзараси гавдаланади. Ташки дунёning ҳар
бир жонли-жонсиз мавжудоди қатига жо бўлган ўтмиш,
буғун, эртаги куннинг ўзгача маъно, фалсафаси очилади.
Чунончи:

Кафтдаги тупроқ...
Бармоқларингни ёз...
Тўкилар малаклар, фотиҳлар, заколар...
Нокаслар, фаҳшлар, салтанатлар...
Тегирмон юргазар бақо...

Мана шу зиддиятларга тўла манзаралардан тўйиб кетган лирик қаҳрамон бор овоз билан ҳайқиради:

Э-э-эйй

Тулпор пайдо бўлса ёнимда...

Дард айтсан...

Мин деса...

Э-э-эйй...

Аммо у фурбатга тўла дунёда яшаш, курашлардан четда туришни асло истамайди:

Юз ийллик йўл боссак...

Туш деса...

Тушсан...

Э-э-эйй...

Орқага қайтмасам...

Баҳром Рўзимуҳаммадни эса фан-техника, информатика, глобаллашув даврининг зиддиятлари ўйга толдиради, «тушдан илгарилаб кетди компьютер», «темир терсаклар замони бошланди», «инсон темир терсаклар ила овора бўлиб қолди», «инсон кўп нарсани кўрадиган бўлди ва шу алфоз инсон оз нарсани ҳис қилиб билар» дея оҳ, чекади.

Муслима Бонунинг мана бу саволи ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди:

Нега?

Тилсиз яшашим керак,

Руҳ бўғилса, чиркин бу уйда.

Нега тилим тишлазим керак?!

Юрагимни ражиса итлар

Улуғбек Ҳамдамнинг «Қаҳрамон» сарлавҳали шеърида келтирилган ривоят шаклидаги ҳодисани олайлик. «Кимдир ўтиши керак экан, лекин кўприк йўқлигидан бизни жарликка қулата бошлишди» дея кўнгил розини ёзади лирик қаҳрамон ва сўзида давом этади: «Ниҳоят, кўприк тайёр бўлди – одам кўприк!.. Ўша кимдир дам кўшиқ айтиб, дам хуштак чалиб, устимииздан гарч-гарч босиб қадам ташлади...»

Энди лирик қаҳрамоннинг мана бу поэтик хуносаси – аламли саволларига қулоқ тутинг:

Мен эса ўйладим:
ётганми қаҳрамон, ўтганми?..

Хар бир халқ тарихида ўйлаш, тадқик, таҳлил этиш учун асос берадиган кўплаб улкан фожеий ҳодисалар бор бу аламли саволда!

Азиз Саид қаламига мансуб «Паганинининг сўнгги концерти» шеъри даврлар, замонлар, башарият драмаси, фожиаси симфониясини кенг кўламда янгича ифода этишнинг гаройиб намунасиdir.

Беназир илоҳий куй наволари тимсолида шоир азалдан абадга қадар башарият бошидаги тилсими саволларни, бу чархи қажрафторнинг ғалати ўйинларини ҳам кўз одигизда, ҳам тасаввурингизда гавдалантиради ва, ниҳоят, мана бундай ўқинч-армонларга тўла исёнкорона саволларни ўргата-га қўяди:

Эй, ўзини Худонинг авлоди билган ровийлар,
Нега йўл бошланса тутар, албатта,
Нега гул ёнида тикан, албатта,
Нега тор бағрида ўпқон, албатта,
Нега ҳақ йўлида қопқон, албатта,
Нега... сўзингизни осмонми ютган,
Нега... кўзингизда қонми, ким тўккан,
Нега... бўйнингизда домми, ким таққан,
Нега сўровимга жавоб бермас ҳеч кимса ахир?

Шеър дидли ўкувчини ана шундай ўткир саволларга жавоб излашга даъват этиши билан қимматли. Шу тариқа ҳозирги модерн шеърият биринчи галда саволлар, аниқроғи жавобли ва жавобсиз саволлар шеъриятиdir!

Кези келгандай айтиб ўттай, тўпламда Райнер Мария Гильке, П.П.Пазолини, Улисс, Майлс Девис, Жек Керуак, Паганини, Ясунари Кавабата сингари ўнлаб жаҳонга машҳур номлар учрайди. Бу ҳам ҳозирги шеъриятимизни жаҳон шеърияти билан туташтириб турувчи робиталардан далолатdir.

«Ижтимоийлиқдан ҳоли», «соф лирика» намуналари ҳам теран инсоний, умумбашарий фалсафий рух билан йўғрилган. Бундай рух эса анъанавий шеъриятдагидан фарқли

ўларок, кўп ҳолларда янгича йўлларда намоён этилган. Фахриёр баҳор ҳақидаги туркум шеърларини «Геометрик баҳор» деб атайди ва «шакл симфонияси» деб изоҳлади. Баҳор манзаралари ва улар ҳаракатини ҳам сўз, ҳам геометрик шакллар ҳолида шеърхон кўзи олдида гавдалантириб беради. Илк манзара мана бу шаклда намоён бўлади:

- (Тўртбурчак ва шилп-шийдам) боғларга қайтади баҳор
- ▷ (учта бурчаги билан).

Боғ аслида ▷△ (икки баҳор)дан
иборатdir,
▷ - бири қайтиб келган,
△ - бири қор остида қишлилаган баҳор.

Кейинги шакл-манзара ҳаракати ҳодисага фалсафий тус беради:

Бир-биридан чангланган
Икки гул янглиғ
Улар бир-бирига қовушганида(☒)
Кўкаради боғ. (☒)

Сўнг манзара-ҳаракатлар илоҳий-афсонавий руҳ касб этади:

Баҳор бокқа майсанинг тили (▲)
билин кирап билдиrmай
❑ (илон)нинг оғзида жаннатга
кирган шайтон сингари.

Туркумнинг қолган ўн фасли ҳам шу тариқа турли-туман шакллар-рамзлар симфонияси ва фалсафасидан иборат. Майсанинг иғнадай ўткир тили «кўрсатиш чизигидай фақат олдинга» юради, бинобарин баҳор ҳаракатини тўхаттиб бўлмайди. Шоир талқинича, дунёдаги энг гўзал шакл — гулнинг чиройи; қизиқ «Баҳор бўйи қулдай ишлагай чирой ёзга етмай қариб қолади». «Гулни қоплар алвости

танасидай эгри-бугри чизиклар – ҳ (ажин)», «Аслида бу ажин гулга эмас, чиройга тушар». Шу тарздаги бири-бидан гўзал, гаройиб шакллар қиёфасидаги ажиб ҳикматларга тўла манзаралар кўз олингиздан ўта бошлайди. Ниҳоят, шеър шундай хотималанади:

Баҳтдан сирланиб кетган юрак
баҳор бўлиб чиқар ҳар бир дарахтга,
ҳар дарахтда гуллайди юрак
мўмиёлаб кўмилган баҳтдан фарқли ўлароқ
ва уни теран-теран кўммоқ учун
қайтар заминга.

Гуллар юлдузларга қараб учаётган ▲ баҳорни
ерга қайтарар.

↔ Гул ёмри.

Баҳор фаслининг биз миллий шеъриятимизда шу пайттacha учратмаган тамомила ўзгача ифодаси! Бошда ғайритабии туюлган, қайта-қайта ўқища эса табиий, ўта ҳаётий, ҳатто-ки болакайга ҳам тушунарли – кўринарли тарздаги манзаралар, улар қатига жо этилган ажиб нафосатта тўла теран ўй-мушоҳадалар ўқувчини лол қолдиради. Баҳор ҳақида шунака йўлда ҳам ёзиш мумкин экан-ку, деган ўйга борасиз.

Гўзал Бегимнинг баҳорга аталган шеъри «Чучмома нафасин ҳидлаб уйғондим» сатри билан анъанавий тарзда бошланади ва иккинчи мисрадан бошлаб «икки кўзим орасига қўшиқлар тўккан сен ям-яшил турёнсан баҳор», «Кушлар овозимни талашди тонгда китоб ўқиб берсам сукунната мен дарахтлар чайқалди қадим оҳангда» тарзида кутилмаган ажиб манзаралар силсиласига дуч келамиз. Баҳорни «икки кўз орасига қўшиқлар тўккан ям-яшил турён» дея таърифлаш, лирик қаҳрамон сукунната шеър ўқиб берганида қушлар тонгда шеър овозини талашиши, дарахтлар қадим оҳангда чайқалиши – бунақа ажиб-нафис лирик манзаралар миллий шеъриятимиз учун чиндан-да янгилик!

Икром Искандар қаламига мансуб мана бу манзара ҳам гўзал ва беназирдир:

Ёмғир ёғар
Қулоқларга қочиб киради
шитиrlаб, ёмғирда ивиб кетган
бир Товуш.

Ойдиннисонинг ернинг усти ва ости манзаралари хусусидаги мушоҳадаларига қаранг:

Ернинг устида саратон,
Ернинг устида изғирин,
ёмғир, шамол, тун ва кун —
энг катта шовқин.
Ернинг ости эса...
Сокин
Со-кин
Сок-ин-н

Ана шу чўзиқ «сокин»лардан сўнг айтилган «Истаганча илдиз отишинг мумкин» дейилган изоҳсиз сатр кишини теран ўй-мушоҳадалар гирдобига гарқ этади.

Тўпламда севги ҳақида ўнлаб янгича бадиий-лирик талқинлар бор. Шулардан биттасини — Дилрабо Мингбоеванинг «Сиз» шеърини ҳукмингизга ҳавола этсам:

1. Бирма-бир қадам ташлаб
Юрагимдан ўтасиз —
Кўчамдан ўтаётib...

II. Сиз соchlарим силайсиз,
Бегим,
Мен дилингизни...

III. Юраклар кўпкарисида
Тортқилинап кўнглим
улоқдек
Чавандозим,
Қачон келасиз?

Бу сатрларни ўқиб Одам Ато замонидан қолган қадим севги куйини ёш шоира кўнгли содда, самимий, нафис тарзда янгилаганига иқрор бўласиз.

Улугбек Ҳамдам «Санъатнинг юраги» шеърида «санъат ўйин» деган қараш билан баҳсга киришиб: «санъат ўйин дединг фақат ўйинмас кулаётган кишининг кўзёшларию ўлаётган кишининг табассумидай сирлидир санъатнинг юраги билсанг» деган фикрни илгари суради. Биз юқорида кўриб ўтган табиат манзаралари, қисман севги ифодасида ҳам санъаткорона ўйинлар бор, бироқ улар шунчаки «ўйин» эмас, уларда «кулаётган кишининг кўзёшларию ўлаётган кишининг табассумидай» сир-сехр бор!

Шермурод Субҳоннинг «сен кетдинг шеър келди хайр, алвидо!» ёки «кун бўлди: кун бўлди туним кун бўлди: тун бўлди куним...» ёки «менга сенга йўл бўлсин?!» уч, икки, ҳатто бир сатрлик сўз ўйинлари асосига курилган шеърларида лирик қаҳрамоннинг дарди-ҳасрати, армони мужассам.

Икром Искандарнинг «Ихтиро»си – сўзларни тескари ўқищдан чиқарган маъно-фалсафаси ҳам сўз ўйинига курилган:

Мен «йўқ»дан «қўй» қилдим,
«йўқ» сўзини тескари ўқиб.

«Овсар» -«расво» бўлди.

«Нодон» эса...
Баривир «нодон»лигича қолди.

Ҳозирги миллий модерн шеъриятимиизга оид мулоҳазаларимизни илоҳий руҳдаги бир шеър билан бошлаган эдик, уни «Ўзбек модерн шеърияти»дан жой олган яна бир илоҳий-фалсафий шеър билан якунласак:

Бир вужуд руҳ бердинг, бир қалб ҳиссиёт,
Тахайюл бердинг сен менга бир шуур,
Бир нафас уҳ бердинг, бир ўлим ҳаёт,
Ва кўзим гулхани – бир қорачик нур.

Бир забон сўз бердинг, бир қалб ҳиссиёт,
Бир юрак изтироб этдинг иноят.

Бир калом ифода бујординг, илло –
Сенинг қаламинг-ла битилган оят.

Ва субҳ бердинг сен битта шафақда
Ва шомни йўлладинг унга ниҳоят.
Бир дўзах азобни эттансан ваъда
Яна бергувчи Сен бир жаннат роҳат.
Бир вужуд рух бердинг...

Аслида мазкур мажмуага кирган битиклар ана шу икки илоҳий мавзудаги энг замонавий шеърда айтилган илоҳий қудрат, жумладан, «бир вужуд рух»нинг бугунги кундаги инояtlариидир. Кўриб, сезиб турибсизки, азиз журнахон, улар ҳар қанча янгича – замонавий бўлмасин шу замин, шу эллинг маънавий, миллий-адабий қадриятлари, анъаналари билан туташдирлар. Биз модерн деб тақдим этаётган сатрларни гоҳо бугунги анъанавий шеърияти-миздан ажратолмай ҳайрон бўлишингиз турган гап. Зотан анъанавий шеъриятнинг ўзи ҳам ўзгариб, янгиланиб, модерлашиб боряпти. Бугунги кунда модерн шеъриятни анъанавий шеъриятта қарама-қарши қўйиш, бирини ағзал билиб иккинчисини камситиш жоҳиллиқдан бошқа нарса эмас. Ҳазрат Навоий сўзлари билан айтганда, шеърият бўстонида гул кўп, чаман кўп, ҳар бир чаманинг таровати, гуликинг атри ўзгача. Модомики, бутунги миллий шеъриятимиз бўстонида модерн номи билан аталаётган чаманзор бўй кўрсатаётган экан, бундан фақат қувониш мумкин. Ҳар қандай чаманзор бегона ўтлардан ҳоли бўлмаганидек, модерн шеърият чаманида ҳам фунча тутмайдиган, гул очмайдиган алафлар бўлиши табиий. Шу хил алафларни деб чаманин топташ оқиқ одамнинг или эмас. Бу чаман миришкор боғбоннинг нозик диди-фаросати, оқилюна парваришига муҳтождир.

МИНГ БИРИНЧИ ТЕПАДАГИ ГУРУНГЛАР

I

2003 йилнинг апрели. Бир гурӯҳ тошкентлик адабиёт-шунос олимлар Faфур Fулом туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлиланган илмий анжуманда иштирок этиш учун Андижонга ташриф буюрдик. Салқам бир ҳафта тинимсиз ёқсан ёмғир кечагина тиниб, булултар тарқаб, шаҳар қўёшнинг тиник нурига чулғанган, қадим пахса уйларнинг бўғотлари лолақизғалдокларнинг алвони билан бурканган. Шаҳар четидан ўтадиган Қорадарё шовқин солиб теваракатрофни силкитиб тўлиб-тошиб оқмоқда. Бутун шаҳар қурилиш майдонига айланган, раҳбарият яқингинада бўладиган талабалар спартакиадаси тараффуди билан банд. XX асрнинг энг ардоқли шоирларидан саналмиш Faфур Fуломнинг юз йиллиги ана шу жўшқин тараффуд жараёнига асло ҳалақит бермади, балки алоҳида файз, байрамона руҳ бағишлади. Андижон университетининг минг кишилик залини тўлдириб ўтирган жамоага назар ташпайман. Оз бўлса-да Faфур Fуломни кўрганлар, сұхбатини олганлар, шоир тириклигида шуҳратига гувоҳ бўлганлар ҳам бор. Лекин залда ўтирганларнинг аксарияти адиб вафотидан кейин туғилиб вояга етган авлод вакиллари. Шахсан ўзим Faфур Fулом билан ҳамсұхбат бўлганман, талабалик йилларида шоир шеъриятининг эстетик принциплари мавзууда тадқиқот олиб борганман, шоирнинг 50, 60 ёшлик тўй-тантаналарида қатнашганман. Хаёлан ўша тантаналарни бугунгиси билан қиёслаб, бу алломанинг эл-юрт орасидаги шуҳрати тириклигидагидан асло кам эмаслигига йқор бўлиб ич-ичимдан қувонаман. Кунлар, ойлар, йиллар худди Қорадарёдек шитоб билан оқиб ўтаверади, ўзи билан кўп нарсаларни олиб кетади, бироқ энг яхши эзгу хотиралар, чинакам санъат дурданалири қолаверади. Маърузалар, асосан, адабнинг «Шум бола», «Менинг ўгригина болам», «Ҳасан Кайфий», «Сен етим эмассан», «Софиниш» сингари шоҳ асарлари теварагида кетди; мустабиқ тузум шароитида яшаб қалам тебратган, замона зайлли билан ҳисоблашишга мажбур бўлган

бу алломанинг ўшандай машъум замонда мангуликка дахлдор шу хил шоҳ санъат дурданаларини ярат олгани, шу хил асарлари билан ўз халқи — миллатининг ғурури, шаънини кўйкрак керив ҳимоя қилгани, осмон қадар кўтартгани учун тасаннолар айтиди.

Андижондаги юбилей анжумани, қолаверса, Fafur Fуломнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтган юз йиллик тадбирларида кўзга ташланган муҳим бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қайта қуриш, ошкоралик даври деб аталган ўтган асрнинг 80-йилларида, истиқлоннинг дастлабки босқичида шўро даврида ижод этган «шўро адиллари» ижодий меросига танқидий муносабат хийла кескин тус олди, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, бу адиллар бисотидан шафтоли данагини топиб олиб, «мана, кўрдингми, бу киши ҳам шафтоли еганлар...» қабилида иш тутиб, улар шаънига дашномлар ёдириш авж олди. Ҳаёт йўли ва ижодидаги шўро адабий сиёсати асоратларини рўкач қилиб, бу адиллар ижодий меросидан бутунлай воз кечишга даъватлар ҳам бўлди. Шукрки, бунақа жоҳилона кайфият ортда қолиб кетди. Тўтри, бутунги кунда ҳам ўша кайфиятнинг оқовалари гоҳида учраб қолади. Бироқ эндилиқда бу мурakkab ҳодисага ёндашибда оқилона маърифат руҳи ҳукмрон бўлиб бормоқда. Fafur Fуломнинг юз йиллик тўйи мана шу маънавий-маърифий руҳнинг буюк тантанаси бўлди. F.Fуломга бағишлиланган анжуманларда сўзланган нутқлар, зълон этилган энг яхши мақолалар, тадқиқотларга зътибор беринг, уларнинг бирортасида ҳам адаб ҳаёти ва ижодий меросидаги шўро даври сиёсати асоратларини четлаб ўтиш йўқ, бироқ буни рўкач қилиб адигба маломатлар ёдириш ҳам йўқ; адигни тушунгай, ижодий бисотини теран англаган ҳолда ардоққа лойиқ жиҳатларини қадрлаш йўлидан борилди. Муҳими шундаки, бу борада ҳеч ким йўл-йўрик, кўрсатма бергани йўқ. Бутун ижодий зиёлилар ўз-ўзидан табиий равишда шундай йўл тутди. Бу миллат маънавиятидаги қадриятларни қадрлаш бобидаги жиддий ўзгаришлар аломатидир.

II

Эртаси ёш ёзувчи Улугбек Ҳамдам таклифига кўра унинг она юрти Марҳамат тумани - қадим Мингтепага бордик. Биринчى галда тарихда Андижон қўзғалони номи билан юритилган миллий озодлик ҳаракати бошида турган мингтепалик Муҳаммадали – Дукчи эшонга алоқадор хароба – ёдгорликларни зиёрат қилдик. Сўнг Улугбек турилиб ўсган қишлоқ, унинг хонадонига ташриф буюрдик. Улугбекнинг ота-онаси, оила аъзолари, қариндош-уруглари билан яқиндан танишдик. Хонадон эгалари Мингтепа шимолидаги сайдгоҳ – қир тепаликлардан бирида меҳмонлар учун зиёфат дастурхони ёзишган экан. Қирлар ошиб, енгил машиналар, мотоциклларнинг зўриқиб тепаликка интилишларидан ўзимиз ҳам зўриқиб, зўр келганида машинадан тушиб, яёв юриб, ниҳоят мўлжалланган манзилга етиб келдик. Теварак-атрофга боқиб бирдан баҳри-дилимиз очи-либ, йўл азоби чарчоқлари ҳам унугтилди-кетди. Кўз одимизда баҳор кўрки қулф уриб яшнаб ётган, Жанубий Фарғона канали қоқ иккига бўлиб турган Мингтепа воҳаси. Рўпарада Улугбекнинг «Мувозанат» романида эҳтиром билан тасвир этилган Улув тор викор билан савлат тўкиб туриди. Қадим-қадимлардан яшаб келган эл бу юргни бе жиз Мингтепа деб атамаган экан. Теварак-атроф бир-бираiga туташиб - қалашиб ётган қир-адир – тепаликлардан иборат. Эҳтимол, қачондир, кимдир тепаликларни санаб чиққандир, уларнинг саноғи роппа-роса мингтадир. Ўзимизча, соҳиленинг нарёғидаги энг баланд тепани Мингинчи тепа ҳисоблаб Дукчи эшон номи билан атадик, замондош шоир Муҳаммад Юсуф турилиб ўсган қишлоққа туташ ўзимиз ўтирган масканни эса Минг биринчى тепа санаб уни дилбар шоир номи билан юритишга қарор бердик.

Ўша дақиқаларда хаёлимдан қирқ йил бурун юз берган воқеа тафсилотлари ўта бошлади. Устоз Субутой Долимов шахсий кутубхонасидаги 20-30 – йилларга оид китоб, журнallар билан танишаётib қўлимгага 1927 йили чоп этиган «Дукчи эшон воқеаси» деб номланган китобча тушшиб қолди. Ўзлари ниҳоятда саховатли бўлишларига қарамай, бунаقا ноёб китобларга келганда ўта «хасис» домла, ўша куни са-

хийликлари тутиб китобни бир ҳафтага ўқишга бердилар. Ўз даврининг маърифатли кишиси Фозилбек Отабек ўғли қаламига мансуб бу китобни мароқ билан ўқиб чиқдим. Китобдаги бир фотосурат ва унинг шарҳи, айниқса, менга қаттиқ таъсир қилди: Кўзғалон шафқатсизларча бостирилиб, Мингтепа тўпга тутилиб, эли эса қатағон этилгач, тирик қолганлар кўча-кўйда «ҳоким, приступ ёки тўралар рўбарў келса дарҳол руку қилиб» салом беришга мажбур этилади. Ниҳоят, Туркистон вилоятининг генерал-губернатори «ярим подшоҳ» А.М.Духовский Андижонга ташриф буюради. Шаҳар вокзали майдони аҳоли вакиллари, мактаб болалари билан тўла. Ярим подшоҳ келиб вагондан тушган ҳамон барча, аввал ўргатилгандек, баробар энгашиб ерга қараб турадилар. «Ярим подшоҳ» уезд ҳокимидан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир» деб сўрайди. Ҳоким: «Жаноб император аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлиқ қилгани учун бизлар хижолат бўлиб, улуғ ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бетимиз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, авф қилиб, подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан қарай олмаймиз, дейдилар», дея жавоб қайтаради.

Ана, сизга халқ бошида турган мунофиқ, сотқин ҳокимларнинг халқни тобеликка, мутеликка, итоатта ўргатиш тактикаси, уялмай, Аллоҳдан қўрқмай халқ номидан ёлронни чин деб айтган сўзлари. Бунақа машъум тактика — ёлғон бир аср давом этди, бу ҳол миллатни афкор этди! Сўнг нима бўлди денг. Фозилбек ўз китобида ёзади:

«Йикчи эшон қишлоғи бўлган Мингтепа гўристонга айлантиргандан кейин «Ярим подшоҳ» ички Русияга бориб, тўрт юз уйлик мужик талаб қилди ва мужикларга Мингтепа қишлоғини марҳамат қилдиқ деб қишлоқ отини «Марҳамат» кўйди».

Бу хил тактика ҳам салкам юз йил давом этди, фақат исёнкорлар юрти эмас, ўлгадаги ном бериш мумкин бўлган маскану маконларнинг деярли 90 фойизи мустабидлар хоҳлаган номлар билан аталадиган бўлди.

Кези келганда айтиб ўтай: «Дукчи эшон воқеаси» 1992 иили янги ёзувга табдил этилиб китоб ҳолида чоп этилди, лекин негадир 1927 йилги нашрида келтирилган қатор ноёб

фотосуратлар, жумладан, вокзалдаги «Ярим подшоҳ»ни кутиб олиш маросими акс этган сурат тушириб қолдирилди.

Аёнки, Андижон қўзғалони халқ мулкини, шаънини топташга қарши исён тарзида бошланған эди. Таъқибу таҳдиду қатағонларга қарамай Дукчи эшондан бошланған халқ қонидаги исёнкорона руҳ асло сўнмади. Орадан чорак аср ўтиб Андижондан Чўлпондек исёнкор шоир етишиб чиқди. Унинг қисмати ҳам қатағон билан якунландио, шоирнинг «бўйин эгмасликка» чақириги ўнлаб вижданни уйғоқ эркесвар адиларнинг пинҳона шиори бўлиб қолаверди. Ниҳоят, аср охирига келиб Дукчи эшон сув ичган қутлуғ юртда яна бир исёнкор эрк куйчиси пайдо бўлди, унга Дукчи эшон, Чўллонлар орзу қилган кунларни - юрт мустақиллигини кўриш, истиқдолни тўлиб-тошиб куйлаш насиб этди. Лекин унинг кўнглида бир армон қолди: «Эркли элда эркадир ҳар жони муслим, Ҳар юртнинг ўз эли муслим, жони муслим. Ҳар келгинди келса ўзгармасин исмим, Мингтепани атайлик ўз номи билан» дея кўнгил розларини, аламларини тўкиб солди. Шоирнинг мана бу сатрларини тинглаб кўринг-а:

Қандай алам отимизни қўйса ёвлар,
Марғилонлар қаердаю Горчаковлар?..
Бизни азал буқолмаган бу синовлар,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Унутми ё бу гўшада оққан қонлар,
Бешигида чирқиллаган болажонлар,
Кўзғалонлар нега бўлди, қўзғалонлар?..
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Ҳар ким ўзи қўйисин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наматига,
Ҳеч бўлмаса Дукчи эшон ҳурматига
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Муҳаммад Юсуф номи билан аталган тепалиқда Мингтепа жамолига тикилиб ўтириб гурунг қуар эканмиз, шоирнинг бу армони эртадир-кечdir албатта ушалажагига умидвор эдик. Чунки истиқдол туфайли истибодд даврида

топталган кўплаб миллий қадриятлар қатори қадим мўътабар жой номларини тиклаш жараёни давом этмоқда.

III

Ўттиз йил муқаддам бир рус адабининг ҳикоясини ўқиб эдим. Унда тасвирланишича, узоқ йиллар шаҳарда ўқиб, сўнг илмий муассасаларда тадқиқот олиб бориб, табиий фаннинг тор бир соҳаси бўйича фан номзоди даражасини эгаллаган ёш олим киндиқ қони тўкилган қишлоғига келади. Ҳамқишлоқлари ўз юртидан чиқсан илк фан номзодини қутлаш, сұхбатини олиш учун йигит хонадонига тўпландилар. Даврада гурунг бошланади. Олимдан садо чиқавермагач, бекорчиликдан тонгдан ярим тунга қадар радио тинглаб, телевизор томоша қилиб, қўлига тушган газета, журналу китобларни бетиним мутолаа қилиб мулла бўлиб кетган, жаҳон воқеалари, турли соҳалар — фан, санъат, адабиёт янтиликларидан боҳабар ҳамқишлоқлар бири бирiga гал бермай билганинни ўргага тўкиб соладилар, олим эса миқ этмай «оми» ҳамқишлоқларидан эшитган янгиликлардан лол бўлиб қолади...

Сизни билмайман, азиз ўқувчи, шахсан ўзим ҳаётда гоҳ шунақа вазият — ҳолатларга тушшиб қолганман. Минг биринчи тепадаги гурунгда бир мен эмас, Тошкентдан келган ҳамкасларим ҳам гаройиб бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдилар. Минтепалик мезбонлар — Улугбекнинг яқинлари, айниқса, тоғаси Мусобек менга айни ўша мен ўқиган ҳикоядаги доно ҳамқишлоқларни эслатди. Мусобек Улугбекка тенгдош. Мактабни бирга битириб ҳар иккви ҳам Миллий университетда, Улугбек филология, Мусобек эса шарқшунослик факультетида таълим олган. Сўнг Улугбек шаҳарда қолиб филология фани бўйича тадқиқотлар олиб борди, фан номзоди даражасига эришиди, таржима, бадиий ижод билан шуғулланди, мунакқид, шоир, носир бўлиб танилди. Мусобек эса ўз раъийи, ота-оналари хоҳишига кўра қишлоғига қайтади. Илмфанга чанқоқ бу йигит рус, туркий тиллардан ташқари араб, инглиз тилларини ҳам мукаммал билади. Мактабда, коллеж ва лицейларда араб, инглиз тилларидан дарс беради. Ўзбек тилида чиқадиган барча газета, журналларни кузатиб, янги нашр этилган китобларни ўқиб боради. Ҳафтада бир бор Андижон, Ўш шаҳарларига бориб кутубхоналарда ўтириб

хорижий тиллардаги янги нашрлар билан танишиб туради. Радиода хорижий тилларда бериладиган эшиттиришларнинг бирортасини ҳам канда қилмай тинглаб боради. Ҳам дунёвий, ҳам диний фанлардаги энг сўнгги янгиликлардан ҳабардор. «Қуръони карим»даги исталган оятни ўз жойидан топиб шарҳлаб бера олади. Газзолийнинг Байрутда чоп этилган «Ихёи улумиддин» асарининг етти жилдлигини деярли ёддан билади. Унинг ҳузурида бирор масаладан гап бошлишнинг ўзи душвор. Қандай мавзуда сўз бошланса, келган жойидан илиб кетаверади. Дарҳол сўзингиздаги ноаниқлика аниқлик киритади... Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас у Минг биринчи тепадаги гурунгнинг сардорига айланди, одатда давраларда мана мен деган ҳамсұхбатларига ҳам сўз бермайдиган Маҳкам Маҳмудов, Қозоқбой Йўлдошев, Ҳамидулла Болтабоев, Абдуғафур Расулов, Дилемурод Қуронов, Раҳматилла Иноғомовлар ҳам сомега айланиб унинг сұхбатларига маҳлиё бўлиб ўтиридалар. Айниқса, Мусобекнинг мустақил равишда олиб бораётган руҳ ҳақидаги тадқиқоти бўйича мулоҳаза, илмий хуносалари ўтирганларни ўй-мушоҳадалар уммонига фарқ этди... Тўрт ярим соатлик вақт қандай ўтиб кетганлигини сезмай қолибмиз. Улуғбекнинг бошқа яқинлари ҳам Мусобекдан қолишишмас, айниқса, бевақт оламдан ўтиб кетган акаси – раҳматли Ойбек Мусобекка устоз саналар экан. Олий маълумотли тарих ўқитувчиси Ойбек ҳам диний, ҳам фалсафий, ҳам Ватан тарихи бўйича ўз қарашига эга боят зукко донишманд, ҳам исёнкор шоир бўлган. Ўтган асрнинг 80-йилларидаги алғов-далғовлар шароитида аламли, изтиробли ўй-мушоҳадалар, ўзи билан руҳий алмашувлар жараёнида жунун ҳолига тушиб фожиона ҳалок бўлган. Вафотидан кейин «Ватан» газетаси унинг шеърларидан намуналар эълон этган эди. Улуғбек «Мувозанат» романида Ойбек қаламига мансуб шеърлардан келтирган. Асаддаги Амир тимсолида Ойбекдан ўтган талай хусусиятлар бор... Минг биринчи тепадаги гурунгда Ойбек билан боғлиқ хотиралар бир неча бор тилга олинди.

Минг биринчи тепадаги гурунглар менинг Улуғбек Ҳамдам тўғрисидаги тасаввурларимни бутунлай ўзгартириб юборди, гарчи Улуғбекни 1988 йилдан – университетда биринчи курсда ўқиган кезларидаёқ таниган, диплом ишгига, сўнг аспирантурада номзодлик диссертациясига раҳ-

барлик қилган, шеър, ҳикоя, мақолалари қўлёзмаларини ўқиб, маслаҳатлар бериб юрган бўлсан ҳам, у ҳақида кўп нарсани билмас эканман...

IV

Улуғбек 90-йилларга қадар филолог талабалар орасида деярли мен учратмаган тамомила ўзгача — Европа янги фалсафаси, эстетикаси, руҳшунослиги — Шопенгауэр, Нигтше, Фрейд, Фромм, Юнг, Гассет таълимотлари билан яқиндан таниш, жаҳон ва миллий адабиёт тарихи, замонавий адабий жараён масалалари бўйича бутунлай ўзгача фикр юритадиган исёнкор талаба сифатида намоён бўла бошлади. Авваллари ҳам гоҳо «ўзгача»роқ фикрлайдиган талабалар учраб қолар, бироқ ўз вақтида уларнинг кавуши тўғрилаб қўйиларди. Улуғбекнинг баҳти, омади шундаки, у мустабид тузумнинг тафаккурдаги исканжалари дарз кетган, ниҳоят одамлар елкасига эрк, озодлик офтоби туша бошланган йилларда университет аудиторияларида таълим олиш шарафига мұяссар бўлди. Баҳт, омад кулиб боқса янги янги омадларни бошлаб келаверар экан, тўртингчи курсда ўқиганида у зинг билимдан талабалар қатори Туркияга ўқишга юборилди. Икки йиллик хориждаги таълим давомида турк тилини мукаммал згаллади. Олдиндан ўзи мафтун бўлган ҳам Farb, ҳам Шарқ фалсафаси, санъат, адабиёти денгизида бамисоли ғаввос бўлиб сузди. Айниқса, Кўня шаҳрида муқим макон тутган Жалолиддин Румий мақбраси унинг маънавий саждагоҳига айланди, бир неча тунларни бу даҳо аллома қабри қошида уйқусиз ўтказди, тасаввуф оламида мутасаввуф бўлиб нафас олди. Ниҳоят, моҳият кашшофи Румийнинг «Фиҳи мо фиҳий» номли жаҳонга машҳур фалсафий асарини туркчадан ўзбекчага ўтиргди. Бу асар «Ичингдаги ичиндадир» номи остида бир неча бор қайта нашр этилди. Унинг бошқа таржималари, жумладан, Усмон Туроннинг «Туркий халқлар мафкураси» фундаментал асари таржимаси ҳам жамоатчилик орасида катта қизиқиши уйғотди. Айни пайтда они тилемиздаги қатор сиёсий, илмий асарларни туркчага ўтиргди.

Туркиядан у янги миллий шеъриятимизни ўзгача мезонлар асосида тадқиқ этиш эҳтиёжини теран ҳис этган ҳолда қайтди, айниқса, испан файласуфи О.Гассетнинг «Де-

гуманизация искусства», француз олими Жан-Луис – Жубертнинг туркчага ўтирилган «Шеър недир?» деб номланган асарлари бу сожада уни янгича илмий изланишларга илҳомлантириди. Шўро даврида шеъриятдан нуқул ижтимоийлик қидирган танқид кўнгил асрори тароналарига ўта нописандлик билан муносабатда бўлгани, ўтган асрнинг 20-30-йилларида яратилган «соф лирика» намуналари, жумладан, Ойбекнинг дилбар лирикаси салбий баҳоланганилиги адабий жамоатчиликка яхши маълум. Улуғбек «соф лирика» муаммоси мавзудаги номзодлик диссертациясида фанда илк бор Ойбекнинг айни шу йўналишдаги шеърларининг бекиёс нафосатини, асл инсоний моҳиятини очиб берди. Ёш олимнинг «Бадиий тафаккур тадрижи» китоби бошдан-оёқ янги ўзбек шеъриятига шу хилда янги-ча нигоҳ билан ёндашиш, нозик ва теран таҳдил, талқин этишнинг яхши намунасиидер.

Улуғбекнинг асл дил розлари, оиласий муҳитда, ўзимизда ва хорижда ўқиши-ўрганиш, бетиним изланиш жараёнида кўнглида туғилган беором кечинмалари, ўй-мушоҳадалари аввало лирик шеърларида, ҳикоя, қисса, романларида айниқса ёрқинроқ намоён бўла борди. «Тангрига элтувчи исён» шеърий тўплами, «Ёлғизлик» номи остида чиқсан қисса ва ҳикоялари, «Мувозанат» ҳамда «Исён ва итоат» романлари – икки аср оралиғида яратилган мазкур асарлар аввало бадиий тафаккурнинг бутунлай янтилиги билан ажралиб туради. Адабий-танқидий ишларида бўлганидек, шеърияти ва насрода сиз яқин ўтмиш тафаккури инерцияси, асоратларини деярли кўрмайсиз, Мавзу ҳам, масала, муаммоларнинг кўйилиши ҳам, уларнинг бадиий таҳдили, талқини ҳам янгича. Улуғбек шоир, носир сифатида шакллананаётган кезлари миллий адабиётимиз ривожи учун хос бўлган анъанавий ва модерн оқим хусусиятлари ҳам Улуғбек ижодида бетакрор тарзда намоён бўлди.

Улуғбек лирикаси ҳеч қанақа мезонларга тушмайдиган ҳолат, рух, туйғу, онг оқимининг ғаройиб манзараларидан иборат. Мана бу ҳолатта бир қаранг:

Бир ҳолат...
Ҳолатки, яшашни ўйламайман мен,
Ҳолатки, ўлимлар яшамоққа тенг.
Ҳолатки, сезимлар заминий эмас,

Ҳолатки, мангулик жонингга тегмас.
Ҳолатки, мен сени севмайман, бироқ,
Кўнгил оқ
туйғу оқ,
дунёлар оппоқ...

Бунақасини авваллари ўқимагансиз. Аммо, ўз кўнглингизга қулоқ тутиб, ўз руҳингизни бир синааб кўринг, амин бўласизки, Сиз ҳам, ўзингиз сезмаган ҳолда, айни ўшандай зиддиятли ҳолатларга тушгансиз, тушарсиз, албатта.

Орзу қилмасликдан қўрқардим бир вақт,
Энди орзулардан қочаман йироқ.
Ишқисиз ҳаёт йўқдир, дердим мен фақат,
Энди ишқнинг ўзи қотилдир кўпроқ...

Бунақа фавқулодда зиддиятли кечинмалар ҳам бу кўхна дунёда инсон қисматида бор гап!

Ҳувиллайди юрагим сенсиз...
Ўртанаман бироқ сен билан...
Нечун йўқсан, тополмадим ман...
Нечун борсан - қийнайсан ҳануз...

Инсон зоти шунақа ишкукур банда: жудоликдан юрак ҳувиллайди, висол дамларида эса ўртанади, борига ҳам, йўғига ҳам чидоммайди — шу тўрт мисрада қалбнинг шу хил мангут зиддияти нақадар чиройли ифода этилган!

Улугбек қисса ва ҳикояларида инсон руҳияти билан боғлиқ онгли ва онгсиз — онг ости жараёнларини, улар орасидаги зиддиятларни ўзгача йўлларда ифодалаш бобида тажрибалар олиб борди. «Ёлизлик» қиссаси модерн адабиёт ихлосмацлари томонидан хуш қабул қилинди, ижобий баҳодланди: инсон ҳаёти, қисмати тан, рух, ақддан иборат уч бирликнинг ўзаро уйғуналигида — рух Аллоҳга илтижо, ақл — турмуш ташвишлари, жумбоқлари билан кураш, тан эса табиий биологик майлар эҳтиёжи орасидаги зиддиятлар асосида кечиши бетакрор тарзда акс эттирилганилиги таъкидланди. Бироқ ўзи олиб борган бу тажрибалардан Улугбекнинг кўнгли тўлмади, дилидаги гаплар фақат озчиликкагина анг-

лашинарли экани, кўпчиликка етиб бормаёттани уни ташвишга сола бошлади. «Элита» санъати, адабиёти, хос кишиларга мўлжалланган асарлар ҳам яшашга ҳақли эканини асло инкор этмаган ҳолда бугунги кунда янги санъат, модерн ижод соҳиблари ҳаёт ва шахснинг янгича бадий талқинларини кўпчиликка тушунарли тарзда таъсирчан ифода этиш йўлларини қидираётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. XX аср поёнида пайдо бўла бошлаган «Ҳайратомуз ақл» («Тафаккур ўйинлари»), «Киш сонатаси», «Исо Масиҳ изтироблари» фильмлари, Пауло Коэло романларининг жаҳон бўйлаб мисллариз шуҳрат қозонгандигига бунинг ёрқин далилидир. Ҳам элитани, ҳам оддий томошабин – китобхонни бирдек ўзига мафтун эта оладиган, шахс жумбоги, қалб ҳақиқатининг янги бадий талқини, кашфиёти билан жаҳон аҳлини ларзага сола оладиган асар яратиш ижодкорнинг баҳти, омади! Улутбекнинг «Мувозанат», «Исён ва итоат» романларида туттан йўли бугунги жаҳон янги санъати, адабиётидаги айни шундай са-марали изланишларга ҳамоҳангдир.

Улутбек романлари сюжети бир қараща да анъанавий-оммавий асарларга хос қизиқарли драматик фабулалар асосиغا қурилган. Персонажларнинг драмаларга тўла саргузашти ҳар қандай китобхонни ўз ортидан етаклаб кета олади. Бироқ улар одатдаги саргузашт асарлардан кескин фарқ қилади. Синчиклаб разм солинса, саргузаштлар ортидаги шахс жумбоги, инсон табиати, руҳиятининг сир-синоати бадий таҳдили ҳамиша муаллифнинг диққат марказида турганлигига амин бўласиз. Энг муҳими, ёш ёзувчи шахс жумбогига бир хилдаги бадий-фалсафий мезон эмас, ғоят хилма-хил ақидалар асосида ёндашади. Шахсни ҳам моддиюнча ижтимоий мавжудод тарзида англаш, ҳам илоҳий, шарқона исломий тасаввуф таълимоти асосида тушуниш, ҳам Farb фалсафаси – эстетик қарашлари, жумладан экзистенциализм, гоҳо абсурд мезонлари бўйича идрок этиш – шу тариқа анъанавий реализм, натурализм, модернизм мактабларига хос жилма-хил талқинлар уйғулиги бу романларга ўзига хос жозиба баҳш этади.

Республикамизда синергетика таълимотининг илк тарғиботчиларидан файласуф олим Инъомжон Раҳимов Улутбек романлари билан танишгач, бир сұхбатда: «Шу пайтга қадар мен ўқиган ўзбек романлари моддиюнча диалектик тафак-

кур асосига қурилган эди, Улугбек романларида эса мен илк бор ягона чизиқсиз кўптармоқли, кўп варианти синергетик тафаккур тарзига дуч келдим. Бу жуда муҳим, истиқболи порлоқ янгилик. Буни авайлаб-ардоқлаш, адабий танқид эса билимдонлик билан бу ноёб тафаккур усули моҳиятини оқилона теран таҳдиллар орқали очиб бериши даркор» деди.

Улугбек бундай тафаккур усулига бирданига келиб қолгани йўқ. Минг биринчи тепадаги гурунгдан аёнки, у ҳозиргача босиб ўтган бутун ҳаёт йўли давомида бунга ҳозирлик кўрди. Улугбек ҳозирда улуғ йўлнинг бошида турибди. Янги, биз учун юрилмаган, синалмаган қутлур йўлдан боришнинг ўзи бўлмайди. Бетиним ҳаракат, изланиш, олга интилиш орқалигина бу йўлда зафарлар қушиш мумкин. Табиатидаги бир оз «шоирона жунунлик»ни жиловлаб, Аллоҳ берган ўзидағи ноёб истеъдодга нисбатан беларволик, нописандликни тарқ этиб унинг бу қутлур йўлда дадил олга интилишини тилаб қоламан. Ёш адабнинг қутлур йўлдаги дастлабки қадамлари самараси мустақил ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан эътироф этилиб «Шуҳрат» медали билан тақдирланиши уни ўзи танлаган йўлда собит бўлишга ундаиди.

ТАФАККУР ЁФДУСИ

(Зулфия Қуролбой қизига очиқ хат)

Зулфияхон, очиги, Сизни мен шахсан танимайман. Бироқ ижодингизни, хусусан, матбуотда эълон этилган ҳикояла-рингизни кузатиб, ўқиб бораман. Ҳаётнинг, айниқса, қишлоқ турмушининг қоқ ўзидан, гирдобидан олинган, чукур ички бир дард, миллат ғами билан йўғрилган ҳар бир чиқишингиз мени ҳар гал ҳаяжонга солади. Саида опадан кейин асарларида нафис ўзбекона нафосат ва айни пайтда мардона бир шижаат, адолат туйғуси уфуриб турган истеъдодли бир адабанинг кўз олдимизда шаклланиб келаётганлиги миллий насримиз учун қувончли ҳодиса деб биламан.

«Ёшлик»да чиққан «Тафаккур» номли ҳикоянгиз мени Сизга мактуб йўллашга ундади. Бошқа ҳамкасларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўртacha ёки бўш асарни ўқиганимда ҳар доим «танқидчи» ҳолига тушаман, асарларнинг кам-кўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини баралла кўриб, йўл-йўлакай таҳдил этиб бораман. Ҳақиқий санъат намуналарига дуч келганимда эса мунаққидлик ҳунаримни бутунлай унтиб муайян муддат ўша асар ичида яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар «иштирокчиси» сифатида персонажлар билан мулоқотта киришаман, уларнинг ташвишу қувончлари, оҳу зорлари, ўй-мушоҳадаларига шерик тутинаман. Кейинги йилларда миллий адабиётимизда пайдо бўлган икки асар мутолааси чори айни шундай ҳолатта тушдим. Олдинроқ бир суҳбатда У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи мутолааси мени не кўйларга согани хусусида сўзлаган эдим. Мана энди Сизнинг «Тафаккур»-ингиз билан танишиш чори кўнглимда кечган армону аламлар, ўй-мушоҳадалар ҳақида гапирсам дейман.

Асарингизда ҳикоя қилинган бир ноёб истеъдод соҳиби — шахмат шайдосининг мусибатларга, ўқинч, армонларга тўла машаққатли умр йўли, фожеий қисмати, аминманки, мен каби ҳар бир миллат фарзандини ларзага солади, маҳзун, аламли ўйларга толдиради. Ҳикоя айни мамлакатимиз ҳаётида қувончли тарихий воқеа содир бўлган, беназир ёш шахмат устаси Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионлигини

кўлга киритган кезларда дунё юзини кўрди. Бунда қандай-дир рамзий маъно бордек. Биламизки, Рустамжон бундай юксак мартабага осонликча эришгани йўқ. Оқ сут бериб вояга етказган волидаи муҳтарамасидан тортиб мамлакат Президентига қадар қанчадан-қанча ҳайриҳоҳ, одамларнинг эътибори, ҳиммати, ардоғи, қолаверса ўзидағи қатъият, шижаот туфайли Аллоҳ берган ноёб истеъдод ўз кучкудрати, саҳоватини намоён этди. Минг афсус, ҳаётда акс ҳоллар ҳам бўлиб туради. Ноёб истеъдодга нисбатан лоқайдлик, эътиборсизлик, бугина эмас, сўқирлик, жаҳолат, шафқатсизлик ўша истеъдод эгасининг ўн гулидан бири очилмай туриб хазон этади, уни топтаб ташлайди. Айниқса, турмуш чигалликлари, тирикчилик ташвишлари гирдобига тушиб қолган хонадону ҳудудларда бу ҳол юз бериб туриши табиий ҳол.

Зулфияхон, Сиз ҳикояда миллиатнинг, аниқроғи, миллиат одамларининг ана шу фожиаси ҳакида куйиб-ёниб ёзасиз! Биламизки, ўтган асрнинг 60-70-йилларида насрда «шафқатсиз реализм» деган оқим пайдо бўлган, ҳақгўй, жасур адиллар ўз асарларида ҳаёт машаққатларини, хусусан, қишлоқ кишиларининг аянчли турмушини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан шафқатсизларча ҳалол, ҳаққоний акс эттиришга журъат этган эдилар. Шу руҳдаги асарлар туфайли сўз санъати, сўз усталарининг эл-юрг олдидағи обрў-эътибори, ижтимоий мавқеи бениҳоя юксакликка кўтарилган эди. Табиийки, бу тур асарлар юқори доираларга асло маъқул тушмагани, улар теварагида бетиним фитна, фиску фасодлар уюштирилганига ўзимиз гувоҳмиз. Кимдир топиб айтган: ҳақ гапга, адолатли танқидга тоқат қдолмайдиган жамиятнинг келажаги йўқ. Тарих буни тўла тасдиқлади. Мангуликка даҳлдор мустақил мамлакатимизда ҳақ сўзнинг қадри баланд, ҳақиқатни айтиш, ёзиш имкони кенг. Бундан илҳомланган навқирон адабий авлод «шафқатсиз реализм» анъаналарини янги шароитда ўзгача тарзда давом эттираётирлар. Бу йўлда айниқса Шоим Бўтаев самарали изланишлар олиб боряпти. Сизнинг ҳикояларингиз, хусусан, «Тафаккур»ни мен айни шу йўналишга мансуб деб биламан.

Ҳикоя воқеаларини, бош қаҳрамон саргузаштларини Сиз анча олисдан — тарихимизнинг кечаги «қора кунлари»дан

бошлайсиз. Мустабид тузум аграр сиёсати туфайли тоғтаб ташланган, тоғлар орасидаги бир вақтлар шарқираб оқдан булоқларнинг кўзи аллақачон бекилиб биёбонга айланган Аўлпидек хароба қишлоқнинг бири-биридан аянчли манзаралари ифодаси орқали ўқувчини маҳзун бир мухит қаърига бошлайсиз. Ҳўжалик раиси Эшбоевнинг фаровон ва шу ҳўжаликнинг факиру ҳақир фуқароси - оддий тегирмончи Довулбойнинг ғарибина хонадони. Мана шу икки хонадон ва улар орасидаги сокин, аммо моҳияттан зиддиятларга тўла муносабатлар ифодаси жараёнида даврнинг, давр одамлари қисматининг ниҳоятда жиҳдий, ўтқир фожиалари намоён бўла боради. Эшбоев сиртдан ҳалқпарвар, факиру ҳақиrlарга мурувватли, меҳрибон раҳбар; фаровон ҳаёт ҳақидағи ваъдалари, ширин сўзлари билан одамларни ўзига мафтун эта олади, ҳатто Довулбойнинг янгиликка ҳаваси, қизиқиши катта бўлган боласи Тангриберди раисникида телевизор кўриб катта бўлган, «Шаҳмат деган балони телевизорда кўриб» девонага айланган. Бироқ, моҳияттан у ўзгача одам: ўз манфаати, роҳат-фарогатидан бошқасини билмайди. Элга берган ваъдалари оғзида қолиб кетади, ийллар ўтса ҳам қишлоқда фаровонликдан дарак йўқ, қишлоқ аҳли ичи қурбақа тўла зах қудук сувини ичишга мажбур. Пихини ёрган бу раҳбар ҳодим одамларни муҳтоҷлиқда, қарамлиқда ушлаб туриш сиёсатига амал қиласди. Агар одамларга эрк берилса, турмуш фаровонлаша борса уларни бошқариш қийин бўлиб қолишини яхши билади. Тоталитар режимга хос бу мудҳиш сиёсат асадра қаламга олинган мўъжазгина жамоа ҳўжалиги, кичик бир мустабид раҳбар ва унинг итоаткор қули муносабатлари, бундай «хўкмдорлик» ва «қуллик»нинг фожией оқибатлари орқали ўқувчини ларзага соладиган бир тарзда ифода этилган. Сизнинг энг жиҳдий бадиий қашфиётингиз ана шунда деб биламан.

Довулбой унчалик анойи кимса эмас, у раиснинг ҳақиқий башарасини, мунофиқлигини озми-кўпми билади, гоҳо унинг кирдикорларини юзига солгиси келади. Бироқ бундай «жасорат»нинг нима билан якунланишини, қаритан чоғида ягона тирикчилик манбай – ота-боболаридан қолган тегирмондан ажralиб қолишини яхши билади; раис субутсизлик қилиб шаънини топтаган кезларда ҳам орани бузмаслик учун ялтоқланиб унинг шаънига «не тўлка мен, бу-

тун халқ сиздан рози» дея мадҳиялар ёғдиради. Қарамлиқ, мұхтожлик бу кимсани фақат маңнавий тубанник эмас, балки мудҳиш жиноятлар сари етаклайди.

Қарангки, қарқунокдан булбул чиққандай, мана шундай кимса хонадонида ғаройиб үглон туғилади. Тангриберди ўз номи билан Аллоҳ берган ноёб истеъдод эгаси – шаҳмат фидойиси. Бутун фикр-хаёли шаҳмат билан банд. Илк ўйинлари билан мухлисларини ҳайратда қолдиради, бирин-кетин аввал қишлоқ, сұнтра туман, вилоят миқёсларидағи ўйинларда ғолиб чиқади. Номи эл оғзига тушади. Қария отанинг фикри ёди эса тегирмонни қўлдан чиқармаслик, уни Тангрибердига тошириш. Тангриберди эса отани ҳарчанд ҳурмат қиласин, ўз аҳдида қатъий. Икки хил майл, манфаатлар кураши, отанинг қаршиликлари, үглонга – унинг эзгу туйғулари, орзу-майларига нисбатан шафқатсиз тазийку таъқиблари, ваҳдиәна ҳамлалари – бири-биридан мудҳиш лавҳаларни ўқыр эканмиз, ғалати зиддиятли ҳолатта тушамиз. Айниқса, үглоннинг ўйинларда олган нишону гувоҳномаларини, ўзи учун муқаддас шаҳмат таҳтасини ота томонидан оловда ёндирилиши лавҳасини ўқитган китобхон алам-ўқинчдан лол бўлиб қолади. Отанинг бу хил шафқатсизликларини асло кечириш мумкин бўлмаса-да, бироқ уни қисман тушунгаңдай бўламиз. У ҳаётда кўп мұхтожлик, йўқчилик, очлик кунларини кўрган, ҳатто очлиқдан тош чайнаган онлари бўлган. Мұхтожлик балосидан бениҳоя қўрқади. Үглининг келажагини ўйлаб нон бермайдиган бекорчи эрмак – шаҳмат таҳтасидан камтарона реал даромад ўчоги – тегирмонга қайтишни афзал кўради. Бу хил ҳаракат ортида эса, юқорида эслатилгандек, одамларни қарамлиқка, фақат «қорин ғами»га маҳдум этган қудратли куч турибди. Онгли китобхоннинг фикр-хаёли – ғазаби ўжар, тошбагир, бешафқат қарията эмас, охир-оқибат ана шу «мудҳиш қудрат – куч»га йўналтирилади.

Ота олишувда қисман ғолиб чиқди, үглон армияда ортирган устози, севгилисидан юз ўтириб қишлоқда қолишига, ота-она раъйига кўра сўймаган қишлоқ қизига уйланышга мажбур бўлди, не-не орзу-умидлари топталди. Буюк дейишга лойиқ, нақирон йигитнинг ана шу драматик дақиқалардаги тифиз руҳий ҳолатлари ифодаланган лавҳаларни ўқиши қийин, ниҳоятда қийин! Ўша дақиқаларда дод

дегингиз келади. Бу лавҳалар чинакам санъат намунаси. Шуниси муҳимки, ана шундай ўта аламли, мушкул дамларда бирор ўринда бўлсин ўғлон отасига қўл кўтармайди, қўшиқда айтилганидек, ўғлон ўз ҳаддидан нари ўтмайди. Ана шундай ўринларда унинг инсонлик мартабаси кўз олдимиизда осмон қадар кўтарилади! Бунинг учун, Зулфияхон, қаламингизга тасанно!

Ота зуғумлари ҳар қанча оғир, бешафқат бўлмасин, ўғлон барибир улардан омон чиқади, эҳтимол, у ўз аҳдида собит туриб эзгу орзу-умидларига эришиши мумкин эди. Бироқ унинг қаршисида бундан-да оғирроқ, даҳшатлироқ куч кўндаланг бўлади. Раис хузурида — хўжалик идорасида ишлаб унинг жиноий хатти-ҳаракатларидан яхши ҳабардор бўлган ўғлон гўллик қилиб унинг сирини фош этмоқчи бўлади. Шундан кейин Раис унга қарши пинҳона жангта киришади. Югурдак жаллодларини ишга солиб, ваҳшийларча калтаклаб уни ўнгланмайдиган фалаж, майиб-мажруҳ ҳолга солади, ақл-ҳушидан айиради. Тангрибердининг майиб-мажруҳ ҳолати ифодаси асносида Сиз яна бир қатор бадиий ихтиrolар кашф қиласиз. Ўжар, шафқатсиз ота, муштипар она энди ўғлон бошида парвона. Ўғлон нимани истаса, ота-она муҳайё қилишга тайёр. Ҳатто ота ўз раъийга қарши бориб шахмат тахтасини ясад унинг каровоти ёнига келтириб қўяди. Бироқ ўғлон энди у шахмат тахтасига қиё боқмайди. Буни кўрган қария кўзларида, унинг ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр ёш қалқиёди. Шундан кейин қария ўзига келолмайди. Мана шу ҳолатнинг ўзи бутун бир асарга арзийди. Ана шу сўнгти қария кўзида беихтиёр қалқиган ёшда унинг бутун армонлари, афсус-надоматлари шундоққина намоён бўлган!

Охирида ҳатто Раис ҳам ўғлонга нисбатан саҳоват кўрсатади: хўжалик ҳисобидан пенсия тайинлайди, битта аравача инъом этади, яхшилаб даволатишни ўз бўйнига олади. Ўзи майиб-мажруҳга айлантирган одамга бу қадар илтифот, саҳоват кўрсатиш! Бунақа мунофиқлик, гуноҳи азими Алоҳ кечиравмикин... Бу телба дунёning ғалати ўйинини қарангки, Раиснинг ногирон кимсага бу хил муруввати эл оғзига тушади, телевизорларда намойиш этилади, ана шундай мунофиқона ҳиммат туфайли у катта лавозимга кўтарилиб кетади...

Хаста ўғлон дөғида ота ҳам, муштипар она ҳам оламдан ўтди. Ўғлоннинг турмуш ўртоғи бошқа эр қилиб кетади. Ота, она ўлими тасвири алам-ўқинчларга тўла. Ўзидан кейин ногирон ўғлон не кўйларга тушишини ўйлаб узоқ жон ташланган она кўзи очиқ ҳолда фоний дунёни тарк этади. Бақрайиб қолган кўзларини қишлоқ мулласи дуо ўқиб ҳам ёполмайди. Бу лавҳани жўн ўқиши мумкин эмас.

Бу қадар оғир кўргиликлар, жудоликлар, фам-ғуссага тўла лавҳалар охири нима билан тутар экан, дея юрак ҳовучлаб турасиз. Кутимагандан асар охирида ўқувчининг хуфтон бўлиб кетган кўнглини ёритувчи гаройиб бир ёғду пайдо бўлади. Йигитнинг аёвсиз жангдан кейин ҳувиллаб қолган қўргонни эслатадиган шуурида, нақ мурданинг ўзи бўлиб қолган вужудида бирдан жонланиш рўй беради. Ёнгинасида ётган ўзига қуйиб қўйтгандаи ўхшаш ўғлига боқиб, уни қўлига олгиси, бағрига босиб эркалатгиси келади. Сўнг нигоҳлари беихтиёр шахмат тахтасига қадалади. Қарашларидага фавкулодда бир зийраклик ва теран маъно акс этади. Шаҳмат тахтасига кутимаган жўшқинлик билан шошапиша оқ ва қора доналарни теради, кўзлари тафаккур нурлари билан ёлқинланади; телевизорда намойиш этилаётган шаҳмат чемпиони билан шаҳмат чемпионлигига даъвогар ўртасидаги кескин жанг пайтида жаҳон чемпионининг хато юриш қилганини пайқаб бир қалқиб тушади, ҳаяжондан пичирлаб унга энг мақбул йўлни маслаҳат беради...

Қойил, қизим! Донишманд бир адид ҳикоя учун мақбул хотима топишнинг ўзи улкан кашфиёт деб тўғри айтган. Ҳикоядаги хотимада бир вақтлар шўро адабиёти учун урф бўлган сунъий, «оптимизм»дан асар ҳам йўқ. У табиий, ҳаётний. Улуғ истеъдод эгаларини жисман топташ, мавҳ этиш мумкин, бироқ уларнинг руҳини, тафаккур ёфдусини сўндириш асло мумкин эмас! Шахсан мен ҳаётда бу хил ҳайратомуз ҳолатларга бир неча бор дуч келганман. «Тафаккур» ана шу улуғ илоҳий ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Сизни, Зулфияхон, ана шундай жиiddий муваффақият билан чин дилдан қутлайман.

-Эҳтиром билан Умарали НОРМАТОВ

ТАНҚИД, МУНАҚҚИД ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН

(Эргаш Очилов билан сұхбат)

Эргаш ОЧИЛОВ:-Истиқол берган имкониятлар туфайли кейинги йилларда мұмтоз сүз санъатини, исломий-тасаввуфий адабиётни, жадидчilik ҳаракати намояндалари асарларини, илгари таъқиқланған ёки қораланған шоири ёзувчилар ҳәети ва ижодини ўрганиш кенг қулоч ёзди. Албатта, ўзбек адабиёти тарихининг турли сабаблар билан бир пайтлар очиқ қолған ёки нотүгри талқинлар билан тұлдирілген саҳифалари қайта ёзилиши, унинг тараққиетига у ёки бу даражада ҳисса құшған ҳар бир ижодкорнинг Ватан адабиёти ривожида туттган ўрни тайин этилиши керак. Лекин ўтмиши ҳар қанча шонли воқеалар, ибратли қаҳрамонлайлар, маданият ва санъат дурданаларига бой бўлмасин, ҳар қандай халқ ёруғ келажакка кўз тиккан ҳолда, бугунги кун қувончу ташвишлари билан яшashi маълум. Бинобарин, буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган бадий юксак асарларга маҳдиё бўлиб, ҳозирги адабий жараённи унтишимиз тўгри эмас. Масалани бу тарзда кескин қилиб қўйишимизнинг сабаби истиқдол даври адабиёттинг ютуқ ва камчиликлари, муаммолари адабиётшунос ва мунаққидларимиз назаридан бир қадар чеккага сурлиб қолаётганидадир. Ҳолбуки, ҳар қандай даврда ҳам замонавий адабиёт тадқиқи етакчи ўрин тутиши сир эмас. Эҳтимол, замондош ижодкорлар асарлари бизни қониқтирmas. Шундай бўлса, танқидни кучайтириш зарур. Адабиётшунослик, танқидчилердининг бирламчи вазифаси бугунги адабий жараённи таҳдил қилиш, унга таъсир кўрсатиш бўлиши лозим. Чунки улар ҳам шоир ва ёзувчилар каби замонавий адабиёт тақдирини учун бирдай масъулдирлар. Бизда эса адабиёт ва адабиётшунослик алоҳида-алоҳида – ҳар бири ўз ҳолича ривожланаётганга ўхшайди.

Француз мутафаккири Ларофшуко: «Фалсафа ўтмиш ва келажак кулфатлари устидан тантана қиласи, лекин бугуннинг қайғуси фалсафанинг устидан тантана қиласи», – деб ёзган эди. Шунга ўхшаб бугунги адабиёт ҳам ўзининг ютуқ-

лари, камчиликлари, аллақачон ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларини адабиёт ва танқидчилар олидга кўндаланг қўйиб жавоб талаб қиляптики, бу масалаларни ҳадеб четлаб ўтавериш мумкин эмас.

Бир неча йиллар мұқаддам машҳур адабимиз Шукур Холмирзаев «Адабиёт ўладими?» деб бонг уриб чиқкан эди. Адабиёт-ку мустақиллик йилларида ҳам бир ерда тўхтаб қолгани йўқ. Лекин танқидчиликнинг овози етарли дараҷада эштилмай қолгани аниқ. Куни кеча «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси бош мұҳаррири Мурод Абдуллаев билан қилган сұхбатида Ш.Холмирзаев ўзбек танқидчиликнинг таъиқли намояндалари тўғрисида, мана, нима дейди: «... Озод ака Шарафиiddинов батамом публицист бўлиб оддилар. Домла Қўшжонов анчайин ҳаваскор ёзувчининг ҳам бошини силаяптилар, холос. Умарали ака шоирона эҳтиросларга бериладиган бўп қолдилар. Норбой ака, умуман сафдан чиқиб кетди. Иброҳим Faфуров бошқа йўлда ижод қиляпти. Қозоквой Йўлдошев зўр-у, баъзан унинг шахсий «мен» и «шунос» лигини босиб кетади...». Бинобарин, ҳозирги адабий жараён, истиқлол даври адабиётининг ютуқ ва камчиликлари, муаммолари, турли шаклий-услубий изланиш ва тажрибалар, анъана ва новаторликнинг ўзаро муносабати, бу борадаги меъёр ва мезонлар, танқидчиликнинг мавжуд аҳволи, уни жонлантириш йўллари хусусида сұхбатлашсак.

Бугунги адабий жараён тўғрисида қандай фикрдасиз? Наср, назм, адабий танқиднинг ҳозирги даражаси сизни қониқтирадими? Адабиёт қандайдир ваакуумга тушиб қолган бугунги кунда адабий танқид етакчиликни ўз қўлига олиши, шоиру ёзувчиларни жаҳон адабий-эстетик фикри билан танилтириши, уларни уйғотиши, илҳомлантириши керак эмасми? XIX аср рус адабиётида Белинский билан Добролюбов шундай бир вазифани ўз зиммаларига олганларини биламиз. Нега бизда шундай кенг билимли, ҳассос ва жасоратли мунаққидлар йўқ? Айтайлик, мустақиллик даври адабиёти ҳақида кўп гапирияпти-ю, лекин унинг асосий белгилари, етакчи тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари рўй-рост очиб берилганича йўқ.

Умарали НОРМАТОВ: - Эргашжон! Бирданига мени саволлар уммонига гарқ қилиб юбордингиз. Дарҳақиқат, бу-

гунги адабий жараён, унинг танқидчиликдаги таҳлили, талқини, баҳоси билан борлиқ масалалар беҳад кўп. Адабий жамоатчилик орасида танқидчиликнинг ҳозирги ҳолатидан, мұнаққидлар фаолиятидан қониқмаслик кайфияти хийла кучли. Мана, Сиз ҳам масалани «Адабий танқид борми ўзи?» тарзида кескин қилиб қўяётурсиз. Бу хусусда менинг фикрим ўзгачароқ. Уч йил бурун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да эълон этилган «Сукутда эмас, ҳаракатда» деб номланган мақоламда шу хусусдаги ўй-мулоҳазаларимни айтган эдим. Мен аминманки, жамики кам-кўстларига қарамай ҳозирги адабий-танқидий ҳаракатчилик бундан ўн-ўн беш йил бурунгига қараганда солиштириб бўлмас даражада ўзгариб, илгарилаб кетди. Биз узоқ йиллар адабий танқид йўлида тушов бўлиб келган мағкуравий-сиёсий тазииклар, ягона ҳукмрон марксча-ленинча методологик йўл-йўриқ, синфиий-партиявий ёндашиш андозаларидан халос бўлдик; адабий ҳодисаларни умумбашарий бадиий-эстетик мезонилар асосида хилма-хил талқин этиш имкониятлари пайдо бўлди.

Гапингизда жон бор: истиқлол йилларида миллий адабиёт тарихи тадқики олдинги ўринга ўтди. Ўтган асрнинг 90-йиллари давомида фаол фидойи мұнаққидларимиз учун жорий адабий жараёндан кўра янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат туфайли топталган тарихини тиклаш, қайта баҳолаш, қатарон қилинган адиллар меросини халққа қайтариш муҳимроқ ва зарурийроқ бўлиб қолди. Чунончи, Чўлпон шеърияти, насли, ҳаёти, Фитрат драматургияси, адабий-танқидий мероси, Қодирийнинг ҳаёт ва ижод йўли бўйича салмоқдор тадқикиотлар яратилди. Эътибор берилса, қизгин баҳс-мунозаралар янги замонавий асарлар устида эмас, кўпроқ «Бой ила хизматчи», «Кутлуг кон», «Зайнаб ва Омон», «Муқанна», «Кўкан», «Сароб», «Ўри», «Синчалак», «Алишер Навоий», «Мирзо Улугбек» каби мумтоз асарлар, Қодирий, Ҳамза, F.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон ҳаёти, ижодий мероси талқини устида кетди. Қизгин тортишувлар асносида қатор муаммоларга ойдинлик киритилди. Бу йўналишдаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этяпти. 1990 йили чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи» билан 1999 йили чоп этилган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигини солиштириб қаранг-а, салкам ўн йил ичида бир асрлик янги миллий адабиёт тарихи тадқики,

талқинида қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини яқдol кўрасиз! Тил ва Адабиёт институтида амалга оширилаётган кўп жилдли тубдан янгича ёритилган ўзбек адабиёти тарихининг XX аср ўзбек адабиёти тадқиқига бағишланган китоблари устидаги илмий-ижодий изланишлар поёнига етай деб қолди. Қисқаси, мунаққидларимиз қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Ўн йил давомида олиб борилган бу ҳил ишлар ҳар қанча эъзоз, таҳсинга лойик.

Эргаш ОЧИЛОВ: - Айни шундай жараён адабиётнинг ўзида ҳам юз берди. Шўро даври, хусусан, инқилобий ўзгаришлар, фуқаролик уруши воқеалари 90-йилларда яратилган асарларда бутунлай бошқача талқин этиладиган бўлди.

Умарали НОРМАТОВ: - Балли. Қайта қуриш, ошкоралик йиллари, хусусан, истиқдол даврига келиб тарихий-инқилобий, фуқаролар уруши мавзуларида хукмрон мафкура руҳида ёзилган деярли барча асарларнинг чуви чиқиб қолди; бир вақтлар «янги совет кишиси» тимсоли – ибрат намунаси деб кўкларга кўтарилиган «ижобий қаҳрамонлар» ҳам бирданига «қаҳрамон»лигини, «ибрат» кучини йўқотди. Айни ўша XX аср 80-йилларининг ўрталарида пайдо бўла бошлаган «Лолазор» романнида, «Қора камар» драмасида, «Маймун етаклаган одам» сингари ҳикояларда шўро даври тарихининг, яқин кечмишнинг тубдан янгича талқини бошланди, «коммунистик идеаллар» йўлига жонини тиккан фидоий шахсларнинг киновий-фожиявий образлари яратилди. 90-йилларга ўтиб «Тушда кечган умрлар» (Ў. Хошимов), «Олабўжи» (Ш. Холмирзаев), «Отамдан қолган далалар» (Тогай Мурод), «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидағи одам», «Тепалиқдаги ҳароба» (О. Мухтор), «Истило», «Тобут», «Қора китоб» (Н. Эшонқул) каби ҳикоя, қисса, романларда эса «ёрқин келажак» йўлида беҳуда, маънисиз ўтган умрлар, адашган одамлар қисмати бутун кескинлиги, фожиалари билан очиб берилди. Уларда ҳатто XX аср жаҳон модери адабиётидаги мухим бир оқим – модерн адабиётига хос абсурд туйғуси, юяси кўзга ташланди.

Эргаш ОЧИЛОВ: - Бу ҳил асарларнинг танқидчиликдаги талқини сизни қаноатлантирадими?

Умарали НОРМАТОВ: Афсуски, мутлақо қаноатлантирамайди. Бу ҳил асарлар ҳақида ёзилмади эмас, ёзилди, ёзилмоқда. Ҳатто маҳсус илмий тадқиқотлар олиб борилди, дис-

сертификациялар ҳимоя қилинди. Бирок уларда бу асарларнинг чинакам бадиияти, янгилиги жаҳон адабиёти контекстида етарли илмий кашф этиб берилгани йўқ. Бу йўлдаги баъзи уринишлар, чунончи миллӣ насримиздаги жаҳон модерн, жумладан, абсурд адабиёти билан айрим муштаракликлар борлиги хусусидаги мулоҳазалар баъзи ҳамкасларимизнинг кескин эътирозига учради. Чунончи, мунаққид А.Расулов «биз ўз адабиётимиз намуналарини осонгина гарб абсурд адабиёти хирмонига қўшиб қўймаяпмизми?» дей ажабланади ва буни «хавфли бир ҳолат» деб атайди. Профессор Б.Саримсоқов эса ўзбек адабиётида абсурд туйғуси, ғоясини ифодалайдиган асар яратилмаганини айтиш билан кифояланмай, умуман абсурд адабиёти шаънига жиддий айномалар тақайди. Унингча, «абсурд асар маънавий-ахлоқий концепциясиз, муайян ғоя ташимайдиган, ҳаётга лоқайд ва маънисиз муносабатни ифодалайди».

Яхшиямки, замон ўзгача. Шўро даврида бунақа «хавфли ҳолат»га мойиллик билдирган мунаққидгина эмас, абсурд йўлида «маънавий-ахлоқий концепциясиз» асар яратган ёзувчининг ҳам шўри қуриган, қутилган бўларди. Холис илмий таҳдил, баҳо ўрнига шу тарздаги ваҳима, дағдагалар қилишдан қачон кутилар эканмиз?! Миллӣ адабиётимизда «гарб абсурд адабиёти хирмонига» қўшишга лойик, аниқроғи, гарб адабиёти билан муштарак жиҳатлари бор асарлар яратилаётган бўлса, бунинг нимаси хавфли!

Эргаш ОЧИЛОВ: -Асрлардан қолиб келаётган ҳақиқат шуки, ҳақиқий адабиёт ҳалқни ўз ортидан эргалтириши, унинг савиясини кўтариши керак, наинки омманинг дидига мослашиши! Бизда эса ҳозир тескари жараён кетяшти: кўпчилик шоир ва ёзувчиларимиз ўқувчилар даражасига тушиб, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз ва бўш асарлар яратмоқдалар. Ўтиш даврининг қийинчиликлари туфайли бизда кейинги йилларда китобхонлик даражаси бир қадар су сайиб, шунга мувофиқ равишда ўқувчиларнинг савияси тушиб, диди ўтмаслашиб қолгани сир эмас. Қолаверса, чинакам адабиёт учун ҳеч қачон омма талаби ва диди мезон бўлган эмас. Омманинг майший мавзудаги, саргузашт характеридаги енгил-елли асарларга мойиллигидан келиб чиқиб, китоб бозорини шу хилдаги асарлар билан тўлдириш эмас, балки унинг эътиборини жиҳдий адабиёт томон йўнал-

тириц ҷора-тадбирларини кўриш керак. Шундай қилинганида, енгил-елпи асарлар бунчалик болалаб кетмас эди. Ачинарлиси шундаки, адабиётимиз қиёфасини белгилаб турган беъзи забардаст ижодкорларимиз ҳам бундай ҳолга бефарқ қарамоқдалар.

Умарали НОРМАТОВ: - «Халқни ўз ортидан эргаштирадиган», унинг савиясини кўтарадиган ноёб санъат дурданалари ҳамма даврларда нисбатан оз яратилган. Савиаси паст, заиф асарлар ҳамма даврларда, ҳатто миллий адабиёт ривожининг «олтиң» ва «кумуш» босқичларида ҳам мўл-кўл бўлган. Сиз айтгандай, бугун «енгил-елпи асарлар» бунчалик болалаб кетаётгани рост. Айни пайтда Зулфиянинг «Хотирам синиклари», Сайд Аҳмаднинг «Қоракўз мажнун», «Офтоб ойим», О.Ёкубовнинг «Қайдасан, Морико», Ўткир Ҳошиғмовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Ш.Холмирзаевнинг «Динозавр», «Озодик», Эркин Аъзамнинг «Шоирнинг тўйи», Н.Эшонқулиңг «Шамолни тутиб бўлмайди», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Ш.Бўтаевнинг «Қўргонланган ой», «Ҳисомиддин ал-Ёғий», У.Ҳамдамнинг «Мувозанат», «Исён ва итоат», Саломат Вағонинг «Тўйсум салтанати» сингари бадиий етук, чин санъат наомунаси дейишга лойиқ асарларининг дунё юзини кўргани ҳам ҳақиқат! Бу рўйҳатни яна давом эттиравериш мумкин. Айниқса, бугунги янгиланган, янгиланаётган миллий шеъриятимиз, дадил айтиш мумкинки, замонавий жаҳон поэтик тафаккури билан бемалол бўйлаша оладиган шеъриятдир.

Эргаш ОЧИЛОВ: - Бир пайтлар деярли ҳар бир босилиб чиқсан китобга тақриз ёзилиб, унга тегишли баҳо бериларди, газета-журналларда адабий баҳс-мунозаралар авжида эди. Қейинги йилларда эса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси бошлаган ва бирмунча суст кеччаётган ҳозирги романчилик ҳақидаги баҳсадан бошқасини эслолмаяпман. Тақриз ёзиш анъанаси-ку айтарли йўқолиб боряпти – пайдо бўлаётган аксарият асарлар ўз баҳосини олмаяпти (Ўз ҳисобидаң ёки ҳомийлар ёрдамида китоб чиқараётган муаллифларнинг асарлари бундан мустасно, чунки китобни нацр этишни уddaлаган бундай «адабий тадбиркорлар» ўз асарларига тақриз ўюдтиришни ҳам унтишмаяпти).

Мустақиллик даврида адабиётимизда кўтарилиш бўлмапти, воқеа бўладиган асарлар яратилмаяпти, деган эъти-розларни кўп эшитамиз. Айни пайтда, эълон қилинаётган яхши асарлар тўғрисида танқидчилик сукут сакламоқда. Айттайлик, истеъододли ёш адаб Улугбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи — истиқол даври ўзбек адабиётининг ютуқларидан бири эканлыги шубҳасиз. Ҳолбуки, айрим мўъжаз тақризларни ҳисобга олмагандан, танқидчилигимиз шу асарни ҳам ҳар томонлама таҳдил қилиб, холис баҳосини бермади. Бу орада ёзувчи ўзининг иккинчи романини эълон қилиб улгурди...

Умарали НОРМАТОВ: - Укажон, босилиб чиқсан ҳар бир асарга тақриз ёзиб баҳо бериш шартимикан? Мунаққидлик истеъододи ҳам шоирлик, ёзувчилик истеъододидай гап: ҳақиқий танқидчи ё ўзини бадиий каффиёти билан ҳайратга солган ёки бадиий ноҷорлиги билан ҳафсаласини пир қилган асар ҳақидагина ёзди. Дуч келган заиф асарларнинг ҳар бирини бирма-бир савалайвериш ўз қадрини билган мунаққиднинг иши эмас. Озод Шарафиддинов кейинги ўн-ўн беш йил давомида биргина «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч» сарлавҳали кескин танқидий руҳдаги мақола билан чиқди. Бу мақола фақат Б.Бойқобилов китоби ҳақидагина бўлиб қолмай, ундаги танқидий гаплар шу йилларда эълон этилган ўнлаб, балким юзлаб ноҷор асарларга ҳам тегишлидир. Мана, Сизга мунаққид истеъододи ва жасоратининг ёрқин намунаси! Танқидчилика у нарса етишмайди, бу иш қилинмаяпти деб нолиймизу, лекин энг асосий нарса — мунаққид истеъододи ва жасорати хусусида кам бош қотирамиз. «Мувозанат» ҳақида ёзилмади эмас, ёзилди, матбуотда ўнга яқин чиқиш бўлди. Бироқ асарнинг бўй-бастига муносиб салмоқдор иш ҳозирча яратилмади. Начора, жаҳон танқидчилиги, адабиётшунослигида ҳам нодир асарлар камдан-кам ҳолларда ўз вақтида муносиб баҳосини олган, ўн, эллик, ҳатто юзлаб йиллардан кейин у илмий кашф этилган. Ноёб бадиий истеъодод намунаси билан ноёб мунаққид нигоҳи туташадиган дақиқалар бадиият дунёсидаги энг бахти, юлдузли онлардир. Устоз О.Шарафиддиновнинг «Нутқ» эссесининг яратилиш жараёни ана шундай бахти онлардан деб биламан. Бунақа мақола асло буюртма, шунчаки хоҳиш-истак орқали яра-

тилмайди. У бетакрор истеъдод, илҳом маҳсули! Ўзингиз биласиз, Достоевский романлари тўғрисида юзлаб тадқиқотлар қилинган, лекин ҳеч бир адабиётшунос бу ноёб асарлар бисоти, моҳиятини М.Бахтингчалик теран очиб беролгани йўқ. Эҳтимол, яна юз йиллар ўтар, яна бир ёрқин истеъдодли мұнаққид – адабиётшунос чиқар, у буюк адаб романларидағи Бахтин кўрмаган, пайқамаган янги жиҳатларни ихтиро этар. Аминманки, эртадир, кечdir истеъдод билан ёзилган асарнинг, албатта, истеъдодли тадқиқотчиси чиқади. У кунларни кутиш керак. Бошқа чора йўқ. Истеъдод шундай ноёб илоҳий туҳфаки, юзлаб, балким минглаб мундокроқ бандай ожиз адо этолмаган жумбоқни ана шундай туҳфа эгаси битта ўзи ечади-қўяди! Бунаقا баҳтили юдузли онларни кутиб ўтирумай адабий танқид ҳар ҳолда ўз имконияти, иқтидори даражасида ўз ишини қиляпти. «Мувозанат» ва бошқа юқорида тилга олинган, олинмаган етук асарлар теварагида ижобий гаплар айтилаётганлигининг ўзи катта гап!

Адабий баҳсларнинг кўнгилдаги жиддий ва изчил эмаслиги хусусидаги фиклариниизга тўла кўшиламан. Баҳсларнинг юксак савиядада ўтиши кўп жиҳатдан газета, журнал ходимларининг ташаббускорлиги, журъати ва журналистик маҳорати, санъатига боғлиқ.

Эргаш ОЧИЛОВ:-Бизда ҳозир шаклий-услубий изланишлар кўпайди. Янги тажрибалар қилаётган шоир ва ёзувчилар кўкка кўтариб мақталашти, улар апъана қобигини ёриб чиққанликда улувланаятти. Лекин масаланинг моҳиятига етиш керак: бу уринишлар чиндан ҳам янгиликми ёки тақлидми? Достоевский таъбири билаи айттанда, шакл ўзгаргани билан хўroz ўзгармай қолипи мумкин-ку? Айтгайлик, Омон Мухтор мини-романлар ёза бошлиди-ю, машхур бўлиб кетди. Шакл ўз йўлига, муҳими, у ўзбек насрини мазмун жиҳатдан янгиладими, бойитдими? Ёки Баҳром Рўзимуҳаммадни ўзбек модерн шоири деб улуглашмоқда. Хўш, у Навоий, Бобур, Оғадий, Чўлпон, Абдулла Ориповлар қалам сурған шеърият майдонида салафларига муносиб сўз айта оляптими-йўқми? Масалани шу тарзда кўйса, ҳам-маси равшанлашади.

Кейинги пайтларда Farb адабиётининг ил xor оқимлари ўзбек адабиётига ҳам кент кириб келмоқда. Албатта, Farb

адабиётидан ўрганиш керак, лекин тақлид эмас, балки синтез йўли билан. Фарбона тафаккур тарзи, адабий шакллар, ифода усулларини шарқона руҳ ва мазмун билан омухта қилиш керак. Миллий заминдан узилган адабиёт намунаси ҳеч қачон чинакамига муваффақият қозонмаган. У муаллақ бир нарсага ўхшайди: осмонга парвоз қилишга қаноти, заминда муқим туришга илдизи йўқ.

Аслида адабиёт битта: уни Шарқ ва Фарбга бўлиш адабиётни қашшоқлаштиради, камситади. Ёзувчи қўлига қалам олар экан, ўзини қайсиdir бир миллат адиби деб эмас, балки жаҳон сўз санъатининг бир вакили деб ҳис қилиши ва шу масъулият билан асар битиши, ёзган асарлари ана шу буюк адабиётнинг ҳеч бўлмаса бир зарраси бўлишига интилиши керак. Ана шундагина адабиёт ўсади, юксалади.

Умарали НОРМАТОВ: - Сезиб турибман, бугунги адабиётимиздаги энг нозик ва қалтис масала — модернизм ҳодисаси хусусидаги фикримни билмоқчисиз. Аминманки, барча заиф, зиддиятли жиҳатларига қарамай мустақиллик йилларида модернизм бизда муайян адабий ҳодиса тусини олди. Насрда Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Саломат Вафо, шеъриятда Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегим сингари бу ҳаракатнинг етук намояндлари ва уларнинг ўнлаб истеъоддли сафдошлари, издошлари бор. 2003 йили 24 муаллиф - шоирларни ўз ичига олган «Ўзбек модерн шеърияти» баёзи чоп этилди. Бу тўпламга кирмай қолган яна ўнлаб «модерн»чи шоирлар бор.

Эҳтимол, ҳозирги ўзбек модерн шеъриятида ҳам, насрiddа ҳам Farb ёки Шарқ «модерн»чиларига қандайдир тақлидлар учрар. Бироқ яхлит олганда ҳозирги ўзбек модерн адабиёти миллий заминда, бугунги глобаллашув ва информатика даври тафаккури маҳсули сифатида дунёни янгича кўриш, англаш эҳтиёжи сифатида туғилган, туғилаётган табиий адабий ҳодисадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу жараён осонликча, силлиқ, кече ётгани йўқ. Ҳар қандай адабий ҳаракатда бўлгани каби бу жараёнда ҳам самарасиз эксперементлар, заиф, юзаки асарларга дуч келяпмиз. Шуларни рўкач қилиб, бу адабий ҳодисани ёмонотлиқ қилишга, йўлини тўсипшга уриниш, модернизм Farb ҳодисаси, у бизга тўғри келмайди, деб оёқ

тираб олиш илмий одобдан эмас. Бундай ишларни адабиёт илмида чаласавод кимсалар қылса индамай ўтиш мумкин. Жаҳон адабиётидаги жараёнлардан хабардор, сўнгти йилларда «Ўткан кунлар», «Шум бола», «Менинг ўғригина болам» ҳақида ажойиб мақолалар эълон этган Сувон Мелидек истеъдодли мунаққид оғзидан шунаقا эътиrozларни эшитиш кишини таажжубга солади. У «модернизм гарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий мұхитида наштьу намо топа олмайди» деган қарашида қатъий турибди. Унингча, «Модернизм – таназзул маҳсули», «Ёш ижодкор авлод бу йўлнинг келажаги йўқлигини англаши лозим», модернизм «корава тушкун кайфият»ни ифодаловчи, даҳрийликни тарғиб этувчи адабиёт; «Уни кўз-кўз қилиш, бундай усууда ёзилган асарларга маҳлиё бўлиш жиддий илмга ёт». Бошқа мунаққидлар ҳам Сувон Мелига жўровоз бўлиб «Ҳозир айрим адабиётшунос ва танқидчилар «модерн шеърият» атамасини қўллаб, шеърхонларга кундек равшан поэтик мазмунни, лирик кечинма моҳиятини сирлилаштиришга, шу орқали кўпгина шоирлар ижодидаги умумшеърият майдонида арзимас фикр-туйғуларни бетакрорлик (оригиналлик) никоби билан ҳастпўстлашта интилмоқдалар» (Б.Саримсоқов) демокдалар. Бугина эмас, «модерн шеърият», «модернизм» терминининг тилимизга кириб келишига ҳам қарши чиқмоқдалар, уларнинг қарашича, «модерн терминини қўллаш поэтик моҳияти пуч шеърларни етук шеър даражасига кўтариш» бўлармиш.

Мен адабиётимиздаги модерн ҳодисасининг келажаги хусусида башорат қилишдан ожизман. Адабий жараён келажаги ҳақида башорат қилиш учун ҳатто даҳолик ҳам камлик қиласди, бунинг учун камида пайтамбар бўлиш керак. Аслида бу ёлгиз Аллоҳгагина аён.

Шуниси ачинарлики, ҳозирги модерн ҳодисаси хусусида билдирилган кескин танқидий даъволарнинг бирортаси аниқ, аалиллар, теран малакали илмий таҳлиллар орқали исботлаб берилгани йўқ. Юқорида санаб ўтилган модерн асарларни кўз олдингизга келтиринг, уларда қанақа таназзул аломатлари бор? «Изоҳсиз луғат», «Аёлгу», «Кундуз сарҳадлари»даги сон-саноқсиз янгича ноёб бадиий топилмалар, қалбнинг гаройиб сирли-сехрли жумбоқлари изҳори наҳотки «арзимас фикр-туйғулар», «поэтик моҳияти пуч» шеърлар бўлса?! Улардаги

ўйчам, ғамгин оҳангларни бадбиналик, «қора ва тушкун» кайфиятга йўйиш тўғри эмас. Уларда мен бирорта ҳам илоҳий ҳақиқатга шак келтирувчи даҳриёна фикрни учратганим йўқ. Аксинча, бу йўналишдаги кўпчилик асарлар тасаввуфона рух, румиёна оҳанглар билан йўғрилган. «Кундуз сарҳадлари» китобида ҳатто «Қуръонга татаббуъ» туркуми бор. Тўғри, модерничи ижодкорлар бисотида «қора ва тушкун» кайфиятifo-даланган лавҳа, мисралар, борингки асаралар тошилади. Лекин улар ижодини яхлит ҳолда олиб қарасангиз, бутунлай зулмат қаърида қолиб кетиши йўқ, ҳатто «Қорли кунларга аталган шеърлар»да (Гўзал Бегим) ҳам охир-оқибат зулматни ёритувчи нур барқ этиб турганини кўрасиз. Улар ажиб бир нафосат туйғуси билан йўғрилган.

Модерничи шоирларимиз «Навоий, Бобур, Оғаҳий, Чўлон, Абдулла Ориповлар қалам сурган шеърият майдонида салафларига муносиб сўз айта олаяптими-йўқми?» деб савол қўяётисиз. Эндиғина оёққа туриб келаётган янги шеъриятдан бунақа катта мўъжизалар кутиш ўринли бўлармикан... Лекин синчилаб қаралса, билимдонлик, нозик дид билан теран таҳлил этилса модерн шеърларимизнинг энг сара намуналарида, масалан, Абдували Кутбиiddиннинг «Тасаввур лаҳзалари», «Барокко», Фахриёрнинг «Геометрик баҳор», «Куз ёмғири» туркумларида, Гўзал Бегимнинг «Сукунат жаранги», «Учаёттан япроқ сояси» китобларида инсон руҳий оламининг, қалб гавҳарининг анъанавий шеърият қўли етмаган сарҳадлари бадиий инкишоф этилганилигига амин бўласиз.

Шуниси ҳам борки, модерн шеърият, умуман модернистик асар бисотини анъанавий мезонлар орқали очиш асло мумкин эмас. Бунинг учун муглақо ўзгача ёндашишлар, ундан ҳам муҳими, ўзгача дид-фаросат, нигоҳ, қалб туйғуси, янгича тадқиқотчилик иқтидори зарур. Қувонарлиси шундаки, айни шундай ноёб иқтидорли ёш мунаққидлар этишиб чиқапти. Яқин орада уларнинг жиҳдий ишлари, тадқиқотлари билан танишиш бахтига мұяссар бўламиз. Аллоҳга шукр, бу жабҳа ҳимоясиз хилқат эмас, модерн ижодкорлар орасида ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад, Баҳром Рўзимуҳаммад, Улугбек Ҳамдам, Шермурод Субҳон сингари бу соҳанинг етук билимдонлари, назариячилари, ҳимоячилари бор.

Эргаш ОЧИЛОВ: - Кейинги йилларда ўзбек насрида бир кўтарилиш кузатилмоқда. Лекин шеъриятимиз ҳали-ҳануз майда мавзулар атрофида ўралашиб қолаётгандай. Кўнгил шеърияти баҳонасида шеърият ўта интимлашиб кетмаяптими? Ёшларнинг аксарият шеърлари биргина ташбех, деталь ёки фикр асосига қурилади. Ҳолбуки, айтайлик, Навоий ёки Фузулий ғазалларининг ҳар бир мисраси образлилик асосига қурилган, уларнинг ҳар бир фикри бадий санъатлар билан безалган. Айни жиҳатдан, Абдулла Орипов: «Навоий ғазалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеъриятимиздаги хulosадан бир неча маротаба баланд туради», - деганда ҳақли эди. Шу билан бирга, баъзи шоирларимизда қўрилаётгани каби шеърни нукул чиройли сўз ва ташбеҳлардан иборат қилиб қўймаслик керак. Хуллас, бугунги шеъриятдан кишининг кўнгли тўлмайди: нимадир етмайди, нимадир ортиқчами-ей...

Умарали НОРМАТОВ: - Бугунги шеъриятимизни аввалги босқичлар шеърияти билан қиёслаганда ўзгачароқ манзарага дуч келасиз. «Кишан кийма, бўйин эгма, ки, сен ҳам хур түғифонсан!» - Чўлпоннинг бу нидоси XX аср 20-йиллари миллий шеъриятимизнинг бош шиори бўлган. «Курашади икки тўлқин, қараб турайми? Йўқ» - Ойбекнинг бу қарори 20-йиллар охири, 30-йиллар шеъриятидаги ҳолат ҳақида муайян тасаввур беради. «Қўлингта қурол ол!» - Ҳамид Олимжоннинг бу даъвати иккинчи жаҳон уруши бошланиш кунларининг бош гапи эди. F.Ғуломнинг «Сен етим эмассан» деган дил сўзлари фашизм келтирган мусибатларга жавобан янгараган ўзбекнинг, ўзбек шеъриятининг юксак инсонпарварлик нидоси бўлди. «Ўлдир, ичингдаги ҳоинни ўлдир!» - мустабид тузум инқиrozи йилларида маънавий ҳасталиклар гирдобида қолган оломонга қаратади Шавкат Раҳмон қалбидан отилиб чиқкан бу дардли хитоблар ўша давр шеъриятининг асосий пафосини белгилайди.

Ҳозирги шеърият ниҳоятда хилма-хил, кўпқиррали. Бир икки сатр эмас, бир улкан шоир, ҳаттоки, бир шеърий мактаб, оқим ҳам унинг қиёфаси, манзараси ҳақида тасаввур беролмайди. Бир вақтлар О.Шарафиддинов ёки И.Фафуров мақолаларини ўқиб, ўша давр шеъриятидаги жараёнларни кўз олдимизга келтира олар эдик. Бугун энг иқтидорли шеър-

шунос мунаққид ҳам бундай ишни уддалашга қодир эмас. Демак, миллий шеъриятимиз қиёс қилиб бўлмас даражасида илгарила, хилма-хиллашиб кетди. Ҳар бир мактаб, оқимнинг ўз муҳлислари бор. Мана энди уларнинг ўз тад-қиқотчилари ҳам етишиб чиқяпти. Укажон, Сизга маъқул бўлмаган шеърлар бошқа бир шеърхонга, шеършуносга маъқул тушар. Буни табиий ҳол деб қарашга кўникишимиз даркор.

Эргаш ОЧИЛОВ: -Қалам аҳли билан суҳбатлашганда уларнинг адабиётшунос ва мунаққидлардан бир қадар норозилигини пайқаш қийин эмас. Шоир-ёзувчиларимиз танқидчиларни ўз асарларининг мазмун-моҳиятини етарли даражада тушунмаслиқда айблайдилар. Бунинг сабаби баъзи танқидчиларимизнинг билим савияси ва адабиётни англаш даражаси ўзи тақриз берадиган муаллифникига қараганда пастлигиdir. Тўғриси, замонавий жаҳон адабиёти мутолааси, Фарbdаги илғор оқимлардан хабардорлик борасида адабиётшуносларимиз шоир-ёзувчиларимиздан бирмунча орқада қолишияпти. Хусусан, янгича йўналишда қалам тебратаеттан, турли шаклий-услубий тажрибалар қилаётган ёшлар ижодини баҳолаётган мунаққидларимизнинг мутолааси муаллиф даражасида эмаслиги билиниб қолмоқда. Ўз асарига ёзилган тақриз, берилган баҳодан қониқмаган ижодкорнинг танқидчиidan ҳафсаласи пир бўлади. Энг ёмони, «Ҳа, энди, танқидчиликнинг савияси шу-да!» – деган нотўғри холосага келади. Шу тариқа, думбул танқидчилар бир бутун танқидчилик тўғрисида нотўғри тасаввур түғдирадилар, унинг обрўсиги тўқадилар.

Умарали НОРМАТОВ: - Бу хусусда Сиздан ошириб бирор нарса дея олмайман.

Эргаш ОЧИЛОВ: -Шоир-ёзувчиларнинг адабий жараёнда фаол иштирок этиши, янги асарларга тақриз ёзиши, адабиётимиз ҳақида фикр-мулоҳазалар билан чиқишлиар қилиши, суҳбат-мулоқотлари ҳақида нима дейсиз? Менимча, улар ўз чиқишлиарида чўзизб ўтирумай, гапнинг индаллосини айтишади: у ёки бу асар тўғрисида бир оғизда баҳо беришади, адабий жараённинг аҳволи хусусида ҳам қисқа сатрларда ҳамма нарсани айтишади. А.Қаҳҳор, А.Орипов, Ш.Холмирзаевларнинг адабий жараён билан союзлиқ мақолалари, интервьюлари ҳамиша қизиқиш билан ўқилиши бежиз эмас.

Умарали НОРМАТОВ: - Мен ёзувчи-шоирларнинг адабий жараёнда фаол иштирок этишлари тарфдориман. Шахсан ўзимга таниш, кўп йиллар мулоқатда бўлган Абулла Қаҳҳорнинг бу борадаги жонбозликлари адабий жараёнга қанчалар кучли таъсир кўрсатганинига гувоҳман. Ёнгизда бўлса, кейинги ўттиз йил давомида камина адабирамиз рағабатини шу соҳага тортиш ниятида улар билан 50 га яқин сұхбатлар уюштирганман. Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улугбек Ҳамдамларнинг кейинги сұхбат ва жиiddий чиқишлигини танқидчилигимизда муҳим ҳодиса деб атагим келади. Бу ўринда мен Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёзувчи»-даги сұхбатларини, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Озод изтироб қувончлари» китоби ва «Жараён» романни таржимаси муносабати билан «Хуррият»да эълон қилинган мақоласини, Улугбек Ҳамдамнинг «Бадий тафаккур тадрижи» рисоласи ва «Жаҳон адабиёти»даги модерн шеърият хусусидаги сұхбатини назарда тутяпман.

Кези келганда бу хусусда бир танқидий мулоқазани айтмай ўтолмайман. Менинг Шукур Холмирзаевга хурмат ва эҳтиромим ниҳоятда баланд экани, унинг танқид майдонидаги ҳар бир чиқиши, сұхбатлари мени бениҳоя мамнун этиши адабнинг ўзига ҳам аён. Насрий ижодида тасвирнинг майда-чуйдасигача аниқ ва тиниқ бўлишига қатъий амал қиласиган бу 'ноёб истеъдод згаси хотира, сұхбатларида ҳодиса, фактлар аниқлигига унча эътибор бермайди. Натижада ҳамма нарса чалкашиб айқаш-уйқаш бўлиб кетади. Биргина мисол. «Шолоховнинг ашаддий мухлиси эдим» сарлавҳали сұхбатида (ЎзАС; 2003 йил 15 август) ёзувчи Қодирий ва Чўлпон муносабатлари ҳақида сўз очиб «Ҳатто Қодирий Чўлпоннинг «Тонг куйлари» шеърий тўпламига сўзбоши ёзган» дейди. Чўлпон тўпламининг номи «Тонг куйлари» эмас, «Тонг сирлари». Сұхбатда «Ўткан кунлар»-дан сўз очиғанида «Қодирий роман мавзуини ҳам «олис, қора ўтмиш»дан олади» дейилади. Аслида мавзуу «олис, қора ўтмиш»дан эмас, аксинча, ёзувчининг ўзи айтганидай, «яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан» олинган. Сотти Ҳусайн билан баҳсада Қодирийнинг «сўнгти приём» ва «эски приём» хусусидаги аниқ-равшан гаплари шу

қадар ўзгартирилиб, чалкаштирилиб юбориладики, калава-
нинг учини тополмай гангиб қоласиз...

Суҳбатда айтилишича, Абдулла Қаҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» китобига Турсуной аянинг «шундай воқеалар ўтган эдики, сизларга эртак бўлиб туюлади» сўзлари эпиграф қилиб олинган эмиш. Биламизки, «Ўтмишдан эртаклар»-га Абдулла Ориповнинг машхур «Муножот»ни тинглаб» шеъридан парча эпиграф қилиб келтирилган. Шукур назарда тутган сўзлар «Даҳшат» ҳикоясининг эпиграфидир. Унинг асл матни бундай: «Хотин-қизларнинг бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтган билан ишонмай-сизлар!..» Бу сўзларни айтган одам Турсуной ая эмас, машхур жамоатчи аёл Тўрахон ойи. Суҳбат муаллифи «Минг бир жон» ҳикояси қаҳрамони Мастворани «Синчалак» қаҳрамони билан алмаштириб Саида деб атайди: «Саида ка-салхонада оғир ётибди. Ўликранг... Кеч куз. Деразадан бу-лутли осмон кўриниб туради. Куёш баъзан булувлар ортида кўринмай кетади...». Ҳолбуки, ҳикоядаги воқеа кузда эмас, баҳорда юз беради. Асар мана бу сўзлар билан бошланади: «Мартнинг охирги кунлари. Кўк юзида сузуб юрган булат парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти...»

Суҳбатда олим ва драматург Иззат Султон билан боғлиқ воқеа эслатилади; «бундан неча йил ҳам муқаддам Ёзувчи-лар боғида менга бир китобча тутқаздилар. «Яссавий тариқати ҳақида. Қирқ йил ўйлаганман, ана шунинг ҳосили. Бир ўқиб кўр-чи», дедилар» дейилади унда. Сўнг бу хусус-даги мулоҳаза давом эттирилади. Устоз Иззат Султоннинг 1994 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» китобчasi – Нақшбандия тариқатининг замонавий аҳамияти ҳақидаги жажжи тадқиқоти борлиги-ни биламиз, ўқиганмиз. Устоз бу китобчасини менга ҳам дастхат ёзиб түхфа қилганлар. Аммо Яссавий тариқати тўғрисида китобчаси борлигини Шукурдан бошқа ҳеч ким кўрган, ўқиган эмас... Бунақа мисолларни яна давом этти-равериш мумкин.

Азизим Шукуржон, Сиз билан биз шундай ёшга етдик-ки, эндилиқда хотирага кўпам ишониб бўлмайди. Ўзгалар, айниқса ёшлар олдида нокулай аҳволга тушиб қолмаслик учун қоғозга туширилган мақола, суҳбатларни таҳририят-га тақдим этишдан олдин улардаги ном ва маълумотларни

ёнгинамиизда турган китоб жавонларидағи манбаларга бир кур солиштириб олсак зарап қилмас, деган фикрдаман.

Эргаш ОЧИЛОВ: — Адабиётшуносликнинг ўрганиш обьекти биринчى навбатда адабий асарнинг бадиияти эканлиги сир эмас. Лекин совет даврида мавзунинг долзарблигига асарнинг ғоявийлиги бирламчи омил ҳисоблангани маълум. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш тамойил устунылик қилмаяттими, яъни илгари улуғланган қадриятлар, ғоялар, мавзуларни қоралаш майли етакчилик қилиб, бадиият масалалари аввалгидаи бугун ҳам кун тартибидан тушиб қолмаяттими?

Умарали НОРМАТОВ: - Сиз айтган иллатта мубтало адабиётшунос, мунаққидлар бор, албатта. Танқидчиликнинг умумий даражаси шундайки, етакчи адабиётшунослар учун мазмун-шакл, ғоя-бадиият ажралмас ялакат магиздир.

Эргаш ОЧИЛОВ: - Адабиёт ва сиёсат масаласи ҳамиша баҳс-мунозораларга сабаб бўлиб келади — бир гурӯҳ адабиёт сиёсатта хизмат қилиши керак, деган нуқтаи на зарни ҳимоя қилса, иккинчиси, аксинча, сиёсатнинг адабиётга аралашмаслиги тарафдори. Жамиятда яшаб туриб, ундан ташқарида туриб бўлмаганидек, ҳар бир даврининг сиёсати, мафкураси жамият ҳаётининг барча соҳалари каби адабиётта ҳам таъсир ўтказиши, ўз навбатида, барча бошқа соҳалар сингари адабиёт ҳам қандайдир маънода сиёсатга хизмат қиласмилиги мумкин эмас. Бинобарин, адабиёт ва сиёсат, адабиёт ва жамият муносабати борасидаги фикрларинизни ҳам эшлиш қизиқарли.

Умарали НОРМАТОВ: - Чинакам санъат намунаси шундай бир ноёб ёмбики, унда ёруғ дунёнинг барча ранглари, товланишлари мужассам. «Ўткан кунлар»ни эсланг — унда ишқий, интим кечинмалар, оиласи мажаролар, тўй, аза, дала сайри, давралардаги жўнгина гурунглардан тортиб бутун бир юрт, миллат қайғуси, ижтимоий-сиёсий масалалар — барча-барчаси бор. Буларнинг ҳаммаси юксак санъат даражасига кўтариб тасвирланган, бадиий таҳлил этилган. Чўлпон эса улкан ижтимоий-сиёсий масалаларни ўзининг шахсий дарди тарзида юксак санъат мулкига айлантира олган. Бу анъянани муносиб давом этгираётган шоируносирларимиз кўп. Афсус, бу ишни эплолмаётганлар ҳам бор. Ҳаммаси истеъододга, маҳоратта боғлик.

Эргаш ОЧИЛОВ: Маълумки, адабиётнинг таъсир кучини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Абдулла Қахҳор бежиз: «Адабиёт атомдан кучли...», - демаган. Адабиёт ҳамиша кишиларни улутвор ишларга руҳлантириб, мақсад йўлида, керак бўлса, ҳатто жон беришга даъват қилиб келган. Чунки ана шундай қаҳрамонларсиз, фидойиларсиз жамият олға сиљимайди. Янги давр адабиёти, хусусан, кўнгил шеърияти, қалб кечинмаларини тадқиқ этишга йўналтирилган асарлар кишиларни буюк ишлар сари руҳлантириш ўрнига, ўз ички оламига чекиниб яшашга даъват қилмаяптимикан? Шубҳасиз, инсоннинг қалб кечинмалари, руҳий эврилишларини тасвиirlаб берадиган асарлар керак. Айни пайтда, адабиётнинг ижтимоий вазифасини ҳам унутмаслигимиз керакка ўхшайди.

Адабиёт ҳамиша ўз даврининг етилган муаммоларини дадил кўтариб чиқиб, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишга интилган. Айтайлик, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Шарқ ҳалқлари учун азалдан муҳим муаммо бўлган сув масаласи бежиз қўйилмаган. Ёки «Сабъай сайёр» достонидаги Баҳром образини олайлик: унинг илгариги шавкатию кейинги таназзулини кўрсатиш орқали буюк шоир Ҳусайн Бойқарога таъсир ўтказмоқчи, унинг кўзини очмоқчи бўлган. Ҳа, адабиёт бирор-бир замонда давр муаммоларидан четда туролмайди. Ҳар бир даврнинг эса ўз муаммолари, ўз қаҳрамонлари бўлади. Мустақиллик даври ҳам бундан мустасно эмас. Лекин бу тарихий давр ўзининг бутун мураккабликлари билан адабиётда ўз аксини топаётгани йўқ. Замонамиз қаҳрамонини яратиш тўғрисидаги фикрлар беҳуда пайдо бўлма япти. Чунки жамиятда ёшларни улуғвор ишлар, бунёдкорликлар сари руҳлантирадиган асарларга эҳтиёж катта. Тузумлар алмашиши билан ҳаёт тубдан ўзгаради, ёшлар кимдан ибрат олишни, кимга эргашишни билмай қоладилар. Шунинг учун улар ўзларига тўғри йўл танлашга ёрдам берадиган қаҳрамонларга муҳтоҷ. Ёзувчиларимизда эса «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир Зуҳра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништириш» мажбурияти (А.Қодирий)ни ҳис қилиш суст кечаяпти. Бу талабни мафкуравий қолипда ёки ура-урачилик руҳидаги асарлар яра-

тишга ундаш эмас, балки оддий ҳаёттй эҳтиёж сифатида тушунишингизни таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

Инсон ҳаётининг меъноси моддий эмас, балки маънавий бойликлар билан ўлчанишини ҳаёт ҳақиқати асосида бадний образлар воситасида кишилар онгига сингдириш керак. Бунга тарихда ҳам, бутунги кунда ҳам мисоллар кўп. Эл-юрт учун жонини фидо қиласиган, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойи қаҳрамонлар образи бутунги кунда яратилмаяпти ҳисоб, яратилганлари эса ғоявий-бадий жиҳатдан юқори савияда эмас. Ҳозир «айни вақтида яратилган» асарлар, «замонамиз қаҳрамони» образи етишмаяпти. Бизга бутунги кунда кишиларга ибрат бўладиган, одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар жуда-жуда зарур. Нуқул «мозийга қайтиб» иш кўраётган (А.Қодирий), тарих билан ўралшиб қолган адабиётимиз ҳозирги кун ва келажакни унугандай ва бу нарса ўқувчиларда акс таъсир кўрсатаяпти.

Умарали НОРМАТОВ: - «Кўнгил шеърияти, қалб ҳеч чинмаларини тадқиқ, этишга йўналтирилган асарлар кишиларни буюк ишлар сари ружлантириш ўрнига, ўз ички оламига чекиниб яшашга даъват қилмаяптимикан?» деб хавотир олаётурсиз. Йўқ, кўнгил шеърияти, менимча, кўнгилни поклайдиган, ўзликни, шунингдек ўзгани, ўзгалар дилини, дардини, қолаверса, оламни нафосат туйфусига чулғанганд ҳолда нозик ва теран англашга, ҳис этишга йўналтирилган шеъриятдир. Кўнгилни покламай, ўзликни англамай, оламнинг сир-синоатини идрок этмай туриб буюк ишлар сари чинакам рагбат бўлишига асло ишонмайман.

«Эл-юрт учун жонини фидо қиласиган, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойи қаҳрамонлар образи бутунги кунда яратилмаяпти», «Бизга бутунги кунда кишиларга ибрат бўладиган, одамларни ўз ортидан эргаштирадиган қаҳрамонлар жуда-жуда зарур» дейсиз. Бу қутлуг йўлда ҳам муайян ютуқлар борлигини зътироф этишимиз даркор, «Хотирам синиклари» достони қаҳрамони – ўзининг узоқ йиллик мураккаб ҳаёт йўлини шафқатсизларча тафтиш этиб, Аллоҳ олдida асл дил розларини тўкиб соглан, истиқлол гояларига содик, ўзи поку дили пок фидойи мардана шахс замондошларимиз учун ибрат эмасми?! «Бозор» романидаги Фозилбек, Қадрия, «Мувозанат»даги Юсуф, «Исён ва

итоат»даги Табиб қисмати ва руҳиятидаги жамики ожиз, зиддиятли жиҳатларга қарамай, айни эл-юрт манфаати учун жонини тиккан, халқнинг оғирини елкасига оладиган фидойилар-ку ахир!..

Эҳтимол, бу тур адабий қаҳрамонлар ҳозирча ҳар жиҳатдан баркамол, одамларни ўз ортидан эргаштириб кетадиган даражасида эмасдир. Бироқ шу хил фидойи гўзал шахслар образининг бутунги адабиётимизда пайдо бўлаётганлигининг ўзи қувончли ҳодиса. Асқад aka айтганларидай, «Каттасини куту кичигидан қолма, Кичик мўъжизалар ҳар куни керак».

МЕХР, ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОН

(Сўнги сўз ўрнига)

Адабиёт — туйгулар олами, Бадиий асарни тушуниш, ҳис этиш учун унга меҳр-муҳаббат лозим. Ҳис этилган чинакам бадиият мўжизаларидан ҳайратланиш ва ҳаяжонга тушиш ҳам қалб — кўнгил ишидир. Адабиётшунос олимда муайян назарий илмлар билан бир қаторда айни сифатларнинг мужассам топиши нур устига нур.

Адабиётимиз жонкуяри, Миллий университетимиз, факультетимиз фахри профессор Умарали Норматовни ўйлаганимда, энг аввало, меҳр, ҳайрат ва ҳаяжон сўзлари — тушунчаларининг моҳияти хаёлга келади. Инсон зоти борлиққа, турмушга, оиласа, фарзандга, шогирдга ва шу жумладан, ўз касбига меҳр туйғуси орқали мустаҳкам борланган бўлади. Энг яхши асарлар меҳр-муҳаббат маҳсули; энг яхши шогирдлар меҳрибонлик меваси; энг яхши мураббий, талабаларга заррача ёмонлик соғинмайдиган меҳрли муаллимдир. Мен ўн йиллардан бери яқиндан таниб билганим, бир жамоада ёнма-ён ишлаётганим — фахр билан айтиш мумкинки, республикада мунаққид сифатида ном қозонган Умарали Норматов энг меҳрли мураббий, меҳрибон устоз ва беғубор инсондир. Домланинг ўз шогирдлари билан худди ота-боладек дилдан суҳбатлашаётганига, бўлажак филолог мутахассис, бўлажак олим тақдирига куйиниб маслаҳатлар бераётганига, кўнгилга жуда яқин шогирдларнинг матбуотдаги қандайдир мақоласини ёки диссертацияси ҳимояларини кўриб, ёш боладек ич-ичидан суюнганига жуда кўп гувоҳ бўлганман.

Умарали Норматов адабиётчи учун муҳим энг муҳим фазилат — бадиий сўз таъсиридан ҳаяжонланишдек улуғ неъматдан умр бўйи баҳра олиш бахтига мусассар бўлган олимдир. Домлада қандайдир янги, яхши асар таъсиридаги ҳайратни ҳаяжон билан ифодалаш, унинг жозибасини, сеҳрини бошқалар қалбига ҳам кўчириш маҳорати бор. Энг муҳими, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бу ҳайрат ва ҳаяжон неъмати, шукрким, домламизда ҳали сўнган эмас.

Китоб ўқиши – машаққатли иш. Кунлик газеталарда, ой-лик журнallарда пайдар-пай, ўнг-сўлига қарамай босилиб турган «бадий асар» намуналарини ўқиши ва улар хусусида икки оғиз эътиборли, жўяли бир фикр айтиши янада қийин, янада машаққатлироқдир. Зотан, Умарали Норматов ва у киши мансуб авлод мунаққидлари бир неча ўн йил мобайнида бу заҳматли ишнинг уддасидан чиқди. Адабий танқид адабий жараённинг жуда фаол соҳасига айланди. Бу авлод олимларидан баъзилари ҳозирда адабий жараёндаги мураккабликлар туфайлими ёки шахсий – табиий имкониятлари боисми бир оз сукутга толдилар. Аммо Умарали Норматов ҳали шу кунга қадар катта-кичик ижодкорларнинг асарларини ўқиб, давр билан ҳамқадам адабиётимизда зухур этган янгича тамойиллар, эскирган қарашларни янгилаш борасида, баҳоли қудрат ўзининг холис фикрларини айтмоқда. Менинг назаримда, бу ҳам олимнинг адабиётта меҳри, сўз қудратидан ҳайратланиш, ҳаяжонга тўлик борлигини билдиришга бўлган эҳтиёж ҳосиласидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср талотўплар, ур-сурлар, шовқин-суронлар, турғуллик ва сокинатлар билан тўла бўлди. Ҳар соҳада. Адабиётдаги бу жараёнларга ҳамқадам бўлган олимларимиз «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» китобини таълиф этдилар. Муаллифлар орасида Умарали Норматов ҳам бор. Шунингдек, Беҳбудий, Фиграт, Чўлпон сингари кўпгина ижодкорларга холис илмий муносабат бошланган бир даврда Умарали Норматов уларнинг замондоши, маслақдоши, улур адабимиз Абдулла Қодирийнинг маънавияти бўстонида кезинди ва «Қодирий боғи» деган яхши бир китобни ёзди. Олимнинг табиатидаги, асарлари моҳиятидаги ҳайрат китоб сарлавҳасига ҳам қалқиб чиқди. «Ўткан кунлар» ҳайрати» майдонга келди.

Умарали Норматов доимий изланишлардан, тафаккур қилишдан, фикрлашдан ва айниқса, ёзишдан ҳаловат то-падиган, янгича қарашларга эҳтиром билан қарайдиган ва айни чоқда, ўз қарашларини қатъиятлик билан ҳимоя қила-диган бир инсондир. Устознинг «Тафаккур ёғдуси» номли навбатдаги янги китобида ҳам ўша ўзига хослик, шунингдек, воқеликка холис бир муносабат, адабиётимизнинг эртаси учун қайғуриш каби хусусиятлар яққол кўзга ташлашиб турди.

Албатта, минг бир истиҳола билан ёзаётган мазкур мўжаз сўнгсўзда Умарали Норматовнинг ижодий фаолиятига, инсоний фазилатларига оид барча хусусиятларни қамраб олишга имкон йўқ.

Мухими, сермаҳсул олимимиз Умарали Норматов янги-дан-янги асарлар ёзиб, адабиёт муҳибларининг ҳукмига ҳавола қилмоқда. Ушбу «Тафаккур ёғдуси»дан баҳрамандлик, сиз, азизларга муборак бўлсин.

Филология фанлари доктори
Баҳодир КАРИМ.

МУНДАРИЖА

Янгиланиш анъанаси	3
Қодирий ҳақида қайдлар	6
Қалб драмаси ва нафосати	16
Ўзбек ойим ва унинг адабиётдаги издошлари	25
Жаҳон янги шеъриятига ҳамоҳанг тароналар	39
Ҳақ сўзнинг кучи	42
Шоира ҳаётидан уч лавҳа	46
Сокин кўнгил розлари	48
Ижод ва шијлоат	55
«Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп»	64
Минг биринччи тепадаги гурунглар	79
Тафаккур ёғдуси	91
Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён	97
Мехр, ҳайрат ва ҳаяжон (Сўнгти сўз ўрнида)	116

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ТАФАККУР ЁФДУСИ

(Адабий-танқиший эссеclar)

Тошкент – 2005

Техник муҳаррир

Аббос ТУРСУНОВ

Бадиий муҳаррир

Иброҳим НУРУЛЛОҲ

Мусахҳиҳлар

Муталиб МУҲАММАД

Акмал НАЖМИДДИНОВ

Матн «Fikr-media» масъулияти чекланган жамияти матбаа бўлимида чоп этилди. Босмахонага 2005 йил 5 январда топширилди. Босишга 2005 йил 9 январда ружсат этилди. Бичими 42Х30 1/, Адаги 90 нусха. Фин газет қорози. 17-сон буортма.

Баҳоси келишилган нархда.

"Fikr-media" масъулияти чекланган жамияти
Тошкент шаҳри, Комил Ёрматов кўчаси, 14-йўл.
E-mail: fikrmedia@list.ru